

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети

М. Йўлдошев, Қ. Ядгаров

***БАДИЙ МАТННИНГ
ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛИ***

**фанидан амалий машғулотларни
ташқил этиш**

Тошкент — 2007

АННОТАЦИЯ

Мазкур методик қўлланма бадий матннинг лисоний таҳлили фани ўқув дастури асосида тайёрланди. Унда бадий матн типлари, бадий матн ва унинг қисмларини боғловчи воситалар, бадий нутқ услуби ва унинг кўринишлари, бадий матннинг фонетик-фонологик, лексик-грамматик хусусиятлари бўйича назарий савол ва топшириқлар берилган. Шунингдек, иқтидорли талабалар учун ҳам алоҳида топшириқлар илова қилинди. Бадий асарлардан олинган мисолларни қандай таҳлил қилиш кераклиги тўғрисида услубий тавсиялар ҳамда ифода таъсирчанлигини таъминловчи айрим синтактик воситалар ҳавола этилди.

Ушбу методик қўлланма олий ўқув юртларининг филология факультети талабаларига мўлжалланган.

Тақризчилар:

Қ. Қаҳрамонов Низомий номидаги ТДПУ «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

М. Ҳакимова Низомий номидаги ТДПУ «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

Т. Юсупова ЎзДЖТУ «Ўзбек тили» кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

Ушбу методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 2007 йил 27 сентябрдаги йиғилишида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган.

Сўз боши

Бадиий матн бадиий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини муаллиф ихтиёрига кўра эркин жамлай оладиган, кишиларга эстетик завқ бериш хусусиятига эга бўлган гоаят мураккаб бутунлик ҳисобланади. Бадиий матнда бошқа услуб матнларида бўлганидек қатъий мантиқ, соддалик, тушунарлилик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўқис амал қилинавермайди. Унда бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади. Оҳангдор, жозибадор сўзлар кўп қўлланилади. Тасвирланаётган воқеликка уйғун бир мусиқа, ички бир гармония сезилиб туради. Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, ҳаёлот оламига етаклаш, ўйга чўндириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган бадиий матн, маълумки, бадиий услуб талаблари, қолиплари асосида шакллантирилади, шунинг учун унда поэтик, романтик, тантанавор ифода шаклларида кенг фойдаланилади. Сўзларнинг танланиши, гап тузилиши, лексик — семантик, ритмик — интонацион бирликларнинг қўлланиши ҳам мазкур услуб талабларидан келиб чиқади. Бадиий матннинг лисоний хусусиятларидан энг муҳими ҳам шундаки, унда эмоционал бўёқдор сўзларга, шева сўзларига, тарихий ва архаик сўзларга, жаргон ва арголарга, кўчма маъноли сўзларга, маънодош, шаклдош, ўхшаш талаффузли ва зид маъноли сўзларга, шунингдек ибора, мақол-матал ва афоризм каби бирликларга кенг ўрин бериледи.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай матн ўзига хос системадир. Буни ўзаро бир-бирини тақазо қиладиган ҳалқалар мажмуига ўхшатиш мумкин: товуш(ҳарф)лар — сўзлар — иборалар — гаплар — абзац — бўлим, қисм, боблар.

Матн таркибидаги бу узвларнинг ўзаро муносабати гапдаги сўзларнинг бир-бири билан бўлган муноса-

батига ўхшайди. Лекин матннинг таркибланиши гапдаги таркибланишдан тубдан фарқ қилади. Гапнинг синтактик қолипи турғунлашган, асрлар давомида шаклланган, ҳамма учун қулай фойдаланиладиган ва деярли ўзгармас бўлади. Сўзловчи ёки муаллиф ўз ниятига кўра мазкур қолиплардан ихтиёрий равишда фойдаланаверади. Матндаги ҳолат бундан бошқачароқ. Матнда сўзлар орасидаги муносабатдан кўра гаплар ўртасидаги алоқадорлик муҳим ҳисобланади. Агар гапларро ҳам мазмунан ҳам шаклан алоқадорлик мавжуд бўлмаса, матн бутунлиги ҳақида ҳам гапириш мумкин эмас. Бадиий матндаги композицион бутунлик тушунчаси макон ва замон мувофиқлиги, ифода ва қолип уйғунлиги, ҳамда мотивацион яхлитлик тушунчалари билан узвий боғлиқ. Бадиий матнни лисоний таҳлил қилиш жараёнида бундай боғлиқликларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бадиий матннинг лисоний таҳлили фани ўзбек тили ва адабиёти бакалавр таълим йўналиши ўқув режасининг ихтисослик фанлари блокидан жой олган. Ўқув режага мувофиқ жами 57 соат, шундан 20 соат маъруза, 14 соат амалий машғулот, 23 соат мустақил иш белгиланган. Амалий машғулотларни самарали ўтказиш учун ушбу ўқув – услубий қўлланма тайёрланди. Унда талабаларнинг маърузада ўрганган билимларни амалиётга татбиқ қилиш кўникмаларини шакллантириш асосий мақсад қилиб белгиланди. Иқтидорли талабалар учун ҳам алоҳида қўшимча топшириқлар бериб борилди. Ҳар бир машқнинг қандай бажарилиши ҳақида ҳам услубий тавсиялар берилди. Бадиий асарлардан олинган матн парчалари талабанинг вақт бюджетини ҳисобга олиб танланди.

Бадиий матннинг лисоний таҳлили курсининг ишчи ўқув режаси:

№	Мавзулар номи	Ажратилган соат
1	Матн тавсифи. Матн типлари. Матннинг ҳажм ва ифода мақсадига кўра типлари. Матнда тема-рема муносабатининг ифодаланиши.	2 соат

2	Бадиий матннинг фонетик-фонологик хусусиятлари. Бадиий матнда фонографик во-сигаларнинг қўлланиши. Аллитерация, ас-сонанс, геминация ва уларнинг бадиий матндаги ўрни.	2 соат
3	Бадиий матннинг лексик – семантик ху-сусиятлари. Маънодош сўзлар. Шаклдош сўзлар. Пароним сўзлар. Зид маъноли сўзлар. Қўп маъ-ноли сўзлар. Эскирган сўзлар.	2 соат
4	Бадиий матннинг лексик – семантик хусусиятлари. Янги сўзлар. Шева сўзлари. Чет ва ҳақорат сўзларининг услубий хусусиятлари. Барқарор бирикмалар ва уларнинг бадиий матндаги ўрни.	2 соат
5	Бадиий матннинг морфологик хусусиятлари. Морфологик параллелизм. Аффиксал синони-мия. Аффиксал омонимия. Аффиксал антони-мия. Субъектив баҳо шаклларининг бадиий матн-даги ўрни. Сифат, сон, олмош ва феъл сўз гуркумида экспрессивликнинг ифодаланиши.	2 соат
6	Бадиий матннинг синтактик хусусиятлари. Синтактик параллелизм. Эмоционал гаплар. Риторик сўроқ гаплар. Инверсия. Эллипсис. Градация. Антитеза. Фарқлаш. Ўхшатиш. Қўчимлар. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Киноя. Перифраза. Муболаға ва кичрайтириш.	2 соат
7	Бадиий матнни таҳлил қилиш методологияси. Таҳлил типлари. Тематик ва комплекс таҳлил. Шакл ва мазмун бирлиги тамойили. Макон ва замон бирлиги тамойили. Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойили. Лисоний табдил усули. Матн вариантларини қиёслаш усули. Лу-гагларга асосланиш усули. Лисоний birlikлар индексини тузиш усули.	2 соат

БИРИНЧИ АМАЛИЙ МАНҒУЛОТ

Маъзу: Матн тавсифи ва матн типлари.

Режа:

1. Матн тавсифи.
2. Матн типлари.
3. Матннинг ҳажм ва ифода мақсадига кўра типлари.
4. Матнда тема-рема муносабатининг ифодаланиши.

Назарий савол ва топшириқлар:

1. Матн сўзига «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да қандай таъриф берилган?
2. И.Р.Гальперин тавсия этган матннинг саккиз категорияси ҳақида маълумот беринг.
3. Нутқнинг ёзма ва оғзаки шакллари ҳақида маълумот беринг.
4. Контекст деб нимага айтилади?
5. Матн деб нимага айтилади?
6. Матн ҳажм ва мазмун белгисига кўра қандай типларга бўлинади?
7. Ҳажм белгисига кўра матн типлари ҳақида маълумот беринг.
8. Мазмуний ўқ тушунчасини изоҳланг.
9. Мотивацион яхлитлик ва композицион бутунлик тушунчаларини изоҳланг.
10. Микроматн ва макроматн ҳақида маълумот беринг.
11. Абзацнинг ташкилий қисмлари ва структурал кўринишлари ҳақида маълумот беринг.
12. Тема-рематик муносабат тушунчасини изоҳланг.
13. Ифода мақсадига кўра матннинг қандай типлари мавжуд?
14. Тасвирдаги бирламчи ва алоқадор хусусиятлар ҳақида маълумот беринг.
15. Ҳиссий ифода мазмунли матн деб нимага айтилади?
16. Матн компонентлари ўртасидаги синтактик алоқа ҳақида маълумот беринг.
17. Мазмуний яқинлик ва мазмун изчиллиги тушунчаларини изоҳланг.

18. Контакт ва дистант алоқа деганда нимани тушунаси?

19. Матн қисмлари қандай воситалар ёрдамида боғланади?

20. Мурожаат бирликларининг матнни шакллантириш имкониятлари ҳақида маълумот беринг.

Тавсия: Назарий савол ва топшириқлар асосида суҳбат – мунозара ўтказинг. Талабаларнинг мустақил мулоҳаза юритишига эътибор беринг. Назарий билимларини бадиий асардан олинган бирор-бир матн парчаси мисолида изоҳлай олишига кўмаклашинг. Суҳбат-мунозара вақтини талабалар қизиқишини эътиборга олиб эркин белгилашингиз мумкин. Фақат меъёр бузилса қўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини унутманг. Баҳолашда адолатли бўлинг.

Таҳлил учун машқ. Куйида берилган матнни гуруҳда талабалар иштрокида лисоний таҳлил қилинг. Бунинг учун дастлаб асарнинг қисқача луғатини тузинг. Бугунги лисоний меъёрлар асосида матнни қайта баён қилинг. Матн типлари, боғловчи ва шакллантирувчи воситаларини аниқланг. Матнни тематик таҳлил қилинг.

Тошбақа билан чаён

Навозанда айтди: «Андоғ эшитганим борки, сангушт Ироқдин Ҳижоз сари борур эрди. Йўл узасида ночор, бир чаёнга йўлдош бўлди. Иккиси заруратдин ҳамроҳ бўлдилар. Аммо сангушт боғоят фаросатлик эрди. То баҳаддики кўп тажрибалар ҳосил қилгон эрди. Аммо чаёнга инон – ихтиёрин бериб, бодиялар қатъ этуб, манозил ва мароҳил тай қилиб юрур эрди. Ушал аснода ногоҳ бир наҳри азимга дучор бўлдилар. Андин ўтаг иложини топмадилар. Охирул – амир, сангушт... муддао истидъосини соҳилга ўзини олди. Ғоз ва ўрдакдек силкунуб турди. Ногоҳ, орқасига боқти, кўрдик, йўлдоши йўлда ҳоргон... найзасини кифтига тик ушлаб, юқори – қуйи юрубдур. Сангушт айтдики: «Эй биродар, сабаб надурки, буён ўтмайси?»

Чаён айтди: «Кўз ёшича су бўлса, бизга маъзур тутунг». Сангушт кўнглида айтдики: «Йўлдош бўлмоқ

шарти бу эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қилсак, унча хуб эмас. Авло улдурки, ўтқариб қўйсам...»

Алқисса, сангушт чўлғочини қўлига олиб, оз ҳаракат бирла ўзини нажот соҳилига олди. Айди: «Эй биродар, сени дарёдин ўтқаргали ўградим. Менинг устимга мин. Бежо ҳаракат қилмаки, ўз жонингга жабр қилурсин».

Анда чаён: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур», деб сангуштнинг орқасига минди. Дарёга тушиб оқдилар. Замондин сўнг чаён тебрана берди. Сангуштга айди: «Бу кун майдонингни васиё топдим... Бу кун нўлод найзамни якжирма қалқонингга озмойиш қилай дерман».

Сангушт айди: «Сенинг бу хор сифат найзайи бемажولينг менинг бу якжирма қалқонимга нима кор қилмасин?»

Анда чаён айди: «Билганин йўқмуким, ақрабнинг муддаоси ниш урмоқдур, хоҳ дўст кўксинадур, хоҳ душман орқасина»...

Сангушт... ғоввослардек бир ғўта урдиким, ул жавоҳир термоқда ва чаён жон бермоқда қолди.

Тавсия: Ушбу машқни бажариш учун дастлаб, гуруҳдаги иқтидорли талабалардан бирига матнни ифодали қилиб ўқитинг. Матн ва унинг муаллифи ҳақида талабалар билимини синаб кўринг. Бунинг учун қуйидагидек саволлардан фойдаланинг: *Ушбу матн қайси асардан олинган? Унинг муаллифи ким? У қачон ва қаерда, қандай муҳитда яшаган? Ушбу матннинг маънавий ва маърифий аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз? Ҳаётда шунга ўхшаш воқеаларни кузатганмисиз? Матн мазмунни яна қандай мисол орқали ифодалаш мумкин? Лисоний таҳлилни машқ шартига мувофиқ амалга оширинг.*

Бадий матнни ифода мақсадига кўра типларини аниқлашнинг турли йўллари бор. Қуйида сизга ҳавола қилинаётган намуна гуруҳдаги барча талабалар биргаликда бажариши мумкин бўлган таҳлил шакли. Бу тарздаги таҳлилдан фойдаланилганда талабалар

фаоллиги ортади. Бир асарнинг юзага келиши билан боғлиқ ёзувчининг мақсадини аниқлаш жараёнида фикрлар хилма-хиллигига аҳамият берилади. Эркин фикр инobatга олинганида талабанинг ўзига нисбатан ишончи ортади.

БАДИИЙ МАТННИ ЁЗУВЧИНИНГ МАҚСАДИ ВА МАТН ТИПЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Фақат биттагина тип асосида шакллантирилган бадий матнни камдан-кам ҳолларда учратиш мумкин бўлади. Бадий асарда, асосан, матннинг барча типларини ёки маълум бир матн типининг айрим хусусиятларини учратиш мумкин. Шунинг учун бирор асарнинг матн типини аниқлашда асарнинг умумий руҳига ва ёзувчининг асл мақсадига эътибор қаратиш лозим. Ёзувчи ушбу матн орқали нима демоқчи эканлиги, қандай фикрни илгари сурмоқчи эканлиги ва мақсадига эришиш учун қандай ифода тарзини танлаганлигини аниқлаш ҳамда қандай матн типларидан фойдаланганлигини ўрганиш зарур ҳисобланади.

ЁЗУВЧИНИНГ МАҚСАДИ	МАТН ТИПЛАРИ
1) Ўзининг ёки қаҳрамоннинг бошидан ўтган бирор бир воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилиш, хотиралари ҳақида сўзлаш.	Ҳикоя мазмунли матн
2) Қаҳрамон қиёфаси ва ички дунёси ёки воқеалар бўлиб ўтаётган жой, муҳитни батафсил тасвирлаш	Тасвирий матн
3) Бирор бир воқеа-ҳодисанинг ишонарлилигини таъминлаш учун турли далил ва изоҳлар келтириш, айрим ҳодисалар моҳиятини изоҳлаш	Изоҳ мазмунли матн
4) Кимгадир панд насиҳат қилиш, ҳаётий воқеа-ҳодисалар орқали тарбиялаш, йўл кўрсатиш, турли тавсиялар бериш	Насиҳат мазмунли матн

5) Бирор бир воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бериш, огоҳлантириш, эслатиш	Хабар мазмунли матн
6) Буйруқ ва турли кўрсатмалар бериш, ният-истак билдириш	Буйруқ – истақ мазмунли матн
7) Қаҳрамоннинг ички кечинмаларини, эмоционал ҳолатини, воқеликка ҳиссий муносабатини ифодалаш, китобхонни ҳаяжонлантириш	Ҳиссий ифода мазмунли матн (экспрессия ва импрессия)

Арслоннинг ўлими

У одамзод қадами етмаган даъралардаги ёввойи ҳайвонлар қонига ташна овчи мисоли баланд қоялардан бутун ҳудудни эринмай кузатишни ёқтирар ва ўзи истаганидек эмин-эркин яшашга ўрганган эди.

Шу боисдан ўзини темир қафас ичида гўё жаҳаннамда кезиб юрган лаънатланган руҳдек ҳис қилар, оғир бошини сарак-сарак қилиб тор қафасда у ёқдан бу ёққа юришдан тинмасди.

Ниҳоят, бу якнав яшаш тарзини ўзгартириб бўлмаслигини англади ва бутунлай ейиш-ичишдан воз кечди. Улим унинг сарсари руҳини олиб кетди.

Эй, доимо исён ҳислари билан тўлиб тошгани ҳолда дунё қафасида муте яшашга кўниккан қурқоқ қалб! Наҳотки, арслон қилган ишни сен қилолмасанг?!

Ушбу матн орқали ёзувчи нима демоқчи? Аслида, муаллиф шу қисқагина матн орқали ўзининг бутун дарду аламини, ҳасратини, ички исёнини ошкор қилган, десак хато бўлмайди. Ёзувчи ўзини бу дунёда қафасга солинган ваҳший ҳайвондек ночор ҳис қилмоқда. Аммо озодликдан маҳрум этилган арслоннинг жасоратини кўрсата олмаганлиги учун кўнглида арслонга нисбатан пайдо бўлган туйғулар қаршисида ўзини ўта ночор ва муте ҳис қиляпти. Муаллиф мана шу туйғуни таъсирчан бир шаклда китобхонга етказишни мақсад қилган. Бу мақсадга эришмоқ учун ёзувчи ўхшатиш, қиёслаш ва фарқлаш усулидан усталик билан фойдаланади. Яъни, арслоннинг ҳаёти билан ўзининг ҳаётини қиёслайди ва қиёс натижасида ўртадаги фарқ аниқланади. Ёзувчи

ана шу фарқдан таъсирлангани учун ушбу ҳикояни ёзишга қарор қилган. Муаллиф мақсадини аниқроқ тасаввур қилиш учун матнга мурожаат қиламиз:

А) Озод яшаб ўрганган арслон тутқунликка кўниколмай ўзини ўлимга маҳкум қилишни афзал кўрди.

Б) Мен эса ўзимни банди ҳис қилганим ҳолда бу ночор ҳаётга кўникиб яшайман.

В) Аслида, энг тўғриси, арслон каби ўлимни танлашдир.

Матндаги бошқа компонентлар шу мақсадни бадиий тасвирлаш учун қўлланилган.

1) Ҳикоя мазмунини ифодаловчи унсурлар: (остига чизилганлар)

У одамзод қадами етмаган даъралардаги ёввойи ҳайвонлар қонига ташна овчи мисоли баланд қоялардан бутун ҳудудни эринмай кузатишни ёқтирар ва ўзи истаганидек эмин-эркин яшашга ўрганган эди.

Шу боисдан ўзини темир қафас ичида гўё жаҳаннамда кезиб юрган лаънатланган руҳдек ҳис қилар, оғир бошини сарак-сарак қилиб тор қафасда у ёқдан бу ёққа юришдан тинмасди.

Нихоят, бу яқнав яшаш тарзини ўзгартириб бўлмаслигини англади ва бутунлай ейиш-ичишдан воз кечди. Ўлим унинг сарсари руҳини олиб кетди.

Эй, доимо исён ҳислари билан тўлиб тошгани ҳолда дунё қафасида муте яшашга кўниккан қўрқоқ қалб! Наҳотки, арслон қилган ишни сен қилолмасанг?!

2) Тасвир мазмунини ифодаловчи унсурлар: (остига чизилганлар)

У одамзод қадами етмаган даъралардаги ёввойи ҳайвонлар қонига ташна овчи мисоли баланд қоялардан бутун ҳудудни эринмай кузатишни ёқтирар ва ўзи истаганидек эмин-эркин яшашга ўрганган эди.

Шу боисдан ўзини темир қафас ичида гўё жаҳаннамда кезиб юрган лаънатланган руҳдек ҳис қилар, оғир бошини сарак-сарак қилиб тор қафасда у ёқдан бу ёққа юришдан тинмасди.

Ниҳоят, бу якнав яшаш тарзини ўзгартириб бўлмаслигини англади ва бутунлай ейиш-ичишдан воз кечди. Улим унинг сарсари руҳини олиб кетди.

Эй, доимо исён ҳислари билан тўлиб тошгани ҳолда дунё қафасида муте яшашга кўниккан кўрқоқ қалб! Наҳотки, арслон қилган ишни сен қилолмасанг?!

3) Буйруқ – истак мазмунини ифодаловчи унсурлар: (остига чизилган)

У одамзод қадами етмаган даъралардаги ёввойи ҳайвонлар қонига ташна овчи мисоли баланд қоялардан бутун ҳудудни эринмай кузатишни ёқтирар ва ўзи истаганидек эмин-эркин яшашга ўрганган эди.

Шу боисдан ўзини темир қафас ичида гўё жаҳаннамда кезиб юрган лаънатланган руҳдек ҳис қилар, оғир бошини сарак-сарак қилиб тор қафасда у ёқдан бу ёққа юришдан тинмасди.

Ниҳоят, бу якнав яшаш тарзини ўзгартириб бўлмаслигини англади ва бутунлай ейиш-ичишдан воз кечди. Улим унинг сарсари руҳини олиб кетди.

Эй, доимо исён ҳислари билан тўлиб тошгани ҳолда дунё қафасида муте яшашга кўниккан кўрқоқ қалб! Наҳотки, арслон қилган ишни сен қилолмасанг?!

4) Хабар мазмунини ифодаловчи унсурлар: (остига чизилган)

У одамзод қадами етмаган даъралардаги ёввойи ҳайвонлар қонига ташна овчи мисоли баланд қоялардан бутун ҳудудни эринмай кузатишни ёқтирар ва ўзи истаганидек эмин-эркин яшашга ўрганган эди.

Шу боисдан ўзини темир қафас ичида гўё жаҳаннамда кезиб юрган лаънатланган руҳдек ҳис қилар, оғир бошини сарак-сарак қилиб тор қафасда у ёқдан бу ёққа юришдан тинмасди.

Ниҳоят, бу якнав яшаш тарзини ўзгартириб бўлмаслигини англади ва бутунлай ейиш-ичишдан воз кечди. Улим унинг сарсари руҳини олиб кетди.

Эй, доимо исён ҳислари билан тўлиб тошгани ҳолда дунё қафасида муте яшашга кўниккан кўрқоқ қалб! Наҳотки, арслон қилган ишни сен қилолмасанг?!

5) Ҳиссий ифода мазмунини билдирувчи унсурлар:
(остига чизилганлар)

У одамзод кадами етмаган даъралардаги ёввойи
хайвонлар конига ташна овчи мисоли баланд қоялардан
бу-пун ҳудудни эринмай кузатишни ёқтирар ва ўзи
истаганидек эмин-эркин яшашга ўрганган эди.

Шу боисдан ўзини темир қафас ичида гўё жаҳаннамда
кезиб юрган лаънатланган рўҳдек ҳис қилар, оғир
бошини сарак-сарак қилиб тор қафасда у ёқдан бу ёққа
юришдан тинмасди.

Ниҳоят, бу якнав яшаш тарзини ўзгартириб
булмаслигини англади ва бутунлай ейиш-ичишдан воз
кечди. Улим унинг сарсари руҳини олиб кетди.

Эй, доимо исён хислари билан тўлиб тошгани ҳолда
дунё кафасида муте яшашга кўниккан кўрқоқ қалб!
Нахотки, арслон қилган ишни сен қилолмасанг?!



ИККИНЧИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Бадиий матннинг фонетик-фонологик хусусиятлари.

Режа:

1. Бадиий матнда фонографик воситаларнинг қўлланиши.

2. Аллитерация, ассонанс, геминация ва уларнинг бадиий матндаги ўрни

Назарий савол ва топшириқлар:

1. Бадиий матнда фонетик бирликларнинг эстетик хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.

2. Бадиий матнда фонографик воситаларнинг қўлланиш сабабини тушунтиринг.

3. Аллитерация деб нимага айтилади?

4. Ассонанс деб нимага айтилади?

5. Геминация деб нимага айтилади?

Тавсия: Назарий савол ва топшириқлар асосида талабаларнинг маърузада ўрганган билимларини синаш учун суҳбат – мунозара ўтказинг. Бадиий матнда қўлланган фонографик воситаларнинг лингвопоэтик аҳамияти ҳақида талабалар фикрини ўрганинг. Талабаларнинг мустақил мулоҳаза юритишига эътибор беринг. Назарий билимларини бадиий асардан олинган бирор-бир матн парчаси мисолида изоҳлай олишига кўмаклашинг. Бадиий тасвир воситаси сифатида аллитерация, ассонанс ва геминациянинг услубий аҳамиятини тушунтиринг. Баҳолашда адолатли бўлинг.

Таҳлил учун машқ. Қуйида берилган матнни гуруҳда талабалар иштирокида таҳлил қилинг. Бунинг учун дастлаб асарнинг изоҳли лугатини тузинг. Матн типлари, боғловчи ва шаклантирувчи воситаларини аниқланг. Матнни тематик таҳлил қилинг.

Юрт қайгуси

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?

Эй Чингизларнинг, Темурийларнинг, Уғузларнинг, Отиллаларнинг шонли бешиклари! Қани у чиқдигинг юксак ўринлар?! Қуллик чуқурлариға недан тушдинг?!
Дунёни «урқо»лари билан титраткан йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурган тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товушлари чиқмайди?

Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун... Нечун... Нечун...? Гапур менга, эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?!

Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадингми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврупаннинг улуғ ҳоқонларини сен юбормадингми? Эй хоқонлар ўчоғи! Эй қаҳрамонлар туғойи! Қани у чақмоқ чақишли ботир хоқонларинг? Қани аввалги ўқ юрушли, отли бекларинг? Нечун «урқо» ларинг эшитилмайди?

Дунё халқини бўйсундирмаган салтанатларинг нечун бузилди? Инсонлик оламини қанотлари остинда олган хоқонлиғнинг нечун кучи ўлди? Кучингми кетди? Кимсасизми қолдинг?

Йўқ... йўқ... Тангри ҳаққи учун йўқ!. Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан? Бугун ер юзида саксон миллион боланг бор. Буларнинг томирларидаги қон чингизларнинг, темурларнинг қонидир. Буларнинг кучлари сенинг кучингдир!

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йиғитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмашидир.

Ёлғиз... Оҳ, ёлғиз... тарқалмишидир.

Тавсия: Ушбу машқни бажариш учун дастлаб, гуруҳдаги иқтидорли талабалардан бирига матнни ифодали қилиб ўқитинг. Матн ва унинг муаллифи ҳақида талабалар билимини синаб кўринг. Бунинг учун қуйидагидек саволлардан фойдаланинг: *Ушбу матн қайси асардан олинган? Унинг муаллифи ким? У қачон ва қаерда, қандай муҳитда яшаган? Ушбу матннинг*

маънавий ва маърифий аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз? Матндаги мурожаат бирликларининг такрорий қўлланишидан қандай мақсад кузатилган деб ўйлайсиз? Мазкур матн бугунги кун нуқтаи назаридан қандай аҳамиятга эга? Лисоний таҳлилни машқ шартига мувофиқ амалга оширинг.



УЧИНЧИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Бадиий матннинг лексик – семантик хусусиятлари.

Режа:

1. Маънодош сўзлар.
2. Шаклдош сўзлар.
3. Пароним сўзлар.
4. Зид маъноли сўзлар.
5. Кўп маъноли сўзлар.
6. Эскирган сўзлар.

Назарий савол ва топшириқлар:

1. Маънодош сўз ва ибораларнинг бадиий матндаги ўрни ҳақида маълумот беринг.
2. Шаклдош сўз ва ибораларнинг бадиий матнда қўлланиши ҳақида маълумот беринг.
3. Парономазия деганда нимани тушунасиз?
4. Зид маъноли сўз ва иборалар матнда қандай вазифа бажаради?
5. Кўп маъноли сўз ва ибораларнинг эстетик функция бажариши ҳақида маълумот беринг.
6. Эскирган сўз ва иборалар деб нимага айтилади?

Тавсия: Назарий савол ва топшириқлар асосида талабаларнинг билимини синаб кўринг. Талабаларнинг фаоллигига қараб рағбатлантириб боринг. Уларнинг назарий билимларини ўзлари топиб келган бадиий асар матни мисолида изоҳлай олишига эътибор беринг. Савол-жавоб тарзини ўзгартириб туринг. Бир хиллик талабалар фаоллигининг сусайишига сабаб бўлади. Баҳолашда ҳар доимгидек адолатли бўлишни унутманг.

Таҳлил учун машқ. Қуйида берилган матнни лексик-семантик хусусиятлари бўйича таҳлил қилинг ва унда қўлланилган тасвирий воситаларни аниқланг.

Барон фон Ринг

Биров тама риштаи қилгуси,

Анинг бирла ўзи осилгуси.

Навоий.

Бир атторнинг эшаги шундай ўйлаб қараса, дунёда туришининг ҳеч ҳам қизиғи қолмабди: аттор ҳар куни азонда оғир юк ортади, ўзи ҳам минади, «хи, исқоти!» деб икки биқинига тепади. Қишлоқ кўчалари... «Қизчаларга ўсма келди!.. Келинларга сурма келди...» Кечқурун қайтилади. Аттор яна «хи, исқоти!» деб оғилга қамайди-қўяди.

Эшак ўзини ўлдирадиган бўлди. Шу ниятда дарё бўйига кетаётса, йўлда иккита одам уришаётибди:

- Хонумонимни барбод қилиб бўлса ҳам оламан!

- Бермайман! Сенга бергунча ана у эшакка бераман!

Эшак тўхтайди, қайрилиб орқасига қарайди ва қулоқларини тикка қилиб ўйланиб қолади: « Хўш, нима экан у? Уч-тўрт кун сабр қилай-чи...»...

Бу жанжал эшакнинг жонига оро киради. Эшак қайтиб кетади.

Барон Фон Ринг, албатта, эшак эмас, балки орий жинсидан бўлган бир зот. Барон тўғрисида гапирмоқчи бўлиб гапни эшакдан бошлаганимизнинг важи бор. Бунга сабаб, унинг эшакка ўхшашлиги эмас. Наинки барон эшакка ўхшаса! Эшак деганнинг қулоғи узун бўлади: бароннинг қулоғи мутлақо йўқ: Сан-Маринода бўлган бир карта ўйинида бор-йўғини бой бергандан кейин, чўталчининг таклифи билан минг тилло бараварига қулоғини тиккан эди, бир инсон бойваччасини ютиб шартта кесиб ташлаган; ер юзидаги ҳамма эшаклар йиғилиб, минг йил уринганда ҳам битта китобни ўқиёлмайди, барон ўзи якка етти йил мобайнида «Юз эллик фокус» ҳамда «Ужда атрофида турган француз офицерининг кундалик дафтари» деган икки китобни ўқиб ташлаган.

Барон тўғрисида гапирмоқчи бўлиб, гапни эшакдан бошлашимизга сабаб ана шу китобларининг иккинчиси бўлди.

Барон Фон Ринг бир куни шундай ўйлаб қараса, дунёда туришининг ҳеч ҳам қизиғи қолмабди: йигирма ёшдан бу ёғида кўрганлари ва кўраётганлари йигирма ёшгача кўрганларининг такрорланишидан иборат! Такрорнинг жаззаси «ва ҳоказо» деб, қўя қолиш. Барон ўз ҳаёти тўғрисида «ва ҳоказо» деб ўзини ўлдирадиган бўлди. Мол-мулк, бойликлари ҳақида васиятнома ёзди,

ўзини осгани арқон қидириб юрганида қўлига ҳалиги китоб — «Ужда атрофида турган француз офицерининг кундалик дафтари» тушиб қолди. Барон китобни шундай очиб қараса, эҳе... Офицер бундоқ деб ёзибди:

«...Агар шу давлатим билан Европада турсам уч кунда ўзимни осиб қўяр эдим, чунки бор давлатим ҳар куни янги бир қаср бино қилгани имкон бермайди. Бу ерда бу ваҳший араблар орасида ҳозирги қасрим ҳар куни менинг учун янги қаср... Ёввойи араб қизларининг ўрнини ҳар йили Калифорнияга боришни одат қилган Париж таннозлари боса олмайдими, дерсиз? Йўқ, боса олмайди! Париж таннозларидан бир кунда ўнтасини олиб келсам, қасримга ўн хил ўзгартириш кирмайди, чунки ҳаммасига бир ҳилда, Европа киборлари расмича муомила қилишга мажбурман; араб қизларидан биттасини олдириб келсам-чи, қасримга ўн хил ўзгартириш киради, чунки унга муомала қилиш расмларини ўзим, истаганимча ўйлаб чиқараман...»

Фон Ринг ўйланиб қолди.

Бу китоб унинг жонига оро кирди.

Шарқий фронт.

Барон Фон Ринг Украина қишлоқларидан бирида «ибрат» йўли билан фашистча «тартиб» ўрнатди; эри партизан гумон қилиниб осилган ёшгина бир жувон тинирчилаётган вақтида оёғига уч ярим яшар қизчасини остирди; бу манзарани кўриб «ибрат» олсин учун қишлоқнинг ёш-қари, эркак-аёл бутун аҳолисини ҳандатиб келди. Мана энди «С» шаҳарчасида ҳам шундай «тартиб» ўрнатгани кетаётибди. У, автомобилда ҳил суриб бормоқда: «Уруш ҳадемай тугайди. «Ойдин Водий» Урта Осиёнинг қаерида? Бу водийнинг ҳокимлигини Фюрердан сўрайман. Мармардан қаср солдираман. Урта Осиёда неча хил миллат бор? Ҳар ҳолда тентак француз офицерига қараганда менинг ишим йирик бўлади...»

Даҳшатли бир портлаш.

Нима бўлди?

Нима бўлганини барон Фон Ринг икки соатдан кейин ҳушига келиб, ўзини бир ертўлада кўрганида билди. Нима биландир машғул бўлган лейтенант бароннинг ҳушига келганини кўриб:

- *Хуш келибсиз!* – деди.

Барон ўрнида туриётиб, хушомад тарзида не машаққатлар билан илжайди – устки лабини кўтариб, бурнини жийирди. Улган отнинг кўзига ўхшаган хира кўзларидан «Мени ҳўкиз ўрнида қўшга қўсанг қўш, лекин ўлдирма» деган маъно англашиллар эди.

Қирқ минутдан кейин асирни штабга элтиш тўғрисида буйруқ бўлди. Икки аскар ҳарчанд қилади, барон ертўладан чиқмайди – олиб чиқиб отади, деб қўрқади. Ҳозир «Фюрер»нинг ўзи келиб «мен сени «Ойдин Водий»га ҳоким қилдим, ўзбек, қирғиз, тожик, қозоқ, туркман қизлари сени мрамар қасрда кутиб ўтиришибди» деса ҳам чиқмайдиган кўринар эди. Аскарлар унинг қулоқлари йўқ эканини пайқашмаган экан, кўриб қолиб кулишди. Бу кулги уни ўлим ваҳмасидан бир оз халос қилди. Барон ким гапирса оғзига қараб, ким бундайроқ ҳаракат қилса, қуёндай ҳуркиб ертўладан чиқди; шофернинг ёрдами билан автомобилга чиқар экан, шундай ўйлаб қараса... ўйлашнинг ҳеч ҳам қизиғи қолмабди... 1942 йил.

Тавсия: Ушбу машқни бажариш учун дастлаб, гуруҳдаги иқтидорли талабалардан бирига матнни ифодали қилиб ўқитинг. Матн ва унинг муаллифи ҳақида талабалар билимини синаб кўринг. Бунинг учун қуйидагидек саволлардан фойдаланинг: *Ушбу матн муаллифи ким? У қачон ва қаерда, қандай муҳитда яшаган? Унинг яна қандай асарларини биласиз? Ушбу матннинг маънавий ва маърифий аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз? Матннинг кинояга асосланган ифода услубидан қандай мақсад кўзланган деб ўйлайсиз? Мазкур матн бугунги кун нуқтаи назаридан қандай аҳамиятга эга? Лисоний таҳлилни машқ шартига мувофиқ амалга оширинг.*

Гуруҳдаги иқтидорли талабалар учун қўшимча машқ:

Таҳлил учун машқ. Матнни шакллантирувчи воситаларни аниқланг ва тема-ремастик муносабат ҳақида маълумот беринг.

Муҳаммад Раҳимхоннинг Тозабогдаги сайргоҳ боғи. Унинг бир чеккасидан иккинчи чеккасигача айланиб

чиқиш амри маҳол, киши чарчаб қолади. Катта ҳовлининг орқасида қирғоқларига мрамар ўрнатилган хон ҳовуз. Ундаги зогора балиқ, чўртан балиқ, лаққа балиқлар гоҳ сув юзига чиқиб ташланган нонларни ер, гоҳ билтанглаб ўйнаб шўнғиб кетарди. Ҳовузнинг тўрт томонида йўғон — йўғон қайрағочлар, таналари қулочга сиғмайди. Хоразмда ҳовуз деса, дарҳол кўз олдинга катта — катта гуҷумлар — қайрағочлар келади. Бу дарахтлар гўё азамат дубни эслатади. Ҳовуз лабига ҳусн бериб турганлар ҳам ўшалар. Уларнинг кичкина — кичкина барелари орасидан қуёш нурлари мўралайди. Аммо улар қуёш ҳароратини ўзида синдириб, настега танга — тангадай оқ шуълаларини туширарди. Улар кишига ором беради. Ҳовуз атрофига оқ мрамарлар терилган, сув сениб, чинни косадай топ — тоза қилиб қўйилган. Ҳовуз ёнида. энг баланд жойда хон ўтирадиган катта каравот, ундан исридаги ерга лола ранг така туркман гиламлари тўшалган. Уларнинг ҳар бири хон боғи учун махсус тўқилган бўлиб, эни йигирма газ, узунлиги ўттиз газдан ошиқ. Кўпинча эрталаб ва кечқурунлари хон шу ҳовуз бўйига чиқиб ўтиради. Ҳозир туш маҳали бўлгани учун ҳовуз ёнида ҳеч ким йўқ, нарироқда райҳоннинг хушбўй ҳидлари димоққа урилади. Бу ерда ҳар хил гуллар бор: номозишомгул, гулсафсар, қамчинеуллар, қизил, сариқ, оқ атиргуллар, карнайгул, гулбеор, самбитгул... Уларнинг баъзилари эса эрталаб очилиб, кечқурун юмилар, баъзилари кеч пайтлари турли — туман рангларда очилиб, муҳташам боққа ҳусн беради. Гулзорнинг нариги томонида турли узум ишқомлари: даройи, ҳусайни, якдона, чарос, кишмиш... Хон узум билан олмани яхши кўрарди: бу ерда оқ олма, қизил олма, ун олма, кузги, қишки олмалар ҳосилини кўтаголмай шоҳлари синай — синай деб турганидан, уларга катта — катта тирговичлар қўйилган. Анжирзор, шафтолизор... олхўри, нашвати, беҳизорлар қатор — қатор. Товлашиб турган чиройли патларини ёйиб товуслар қичқиради. Ким билсин Ҳиндистонданми, Цейлонданми келтирилган, уларга тақлид қилгандек тўтилар ҳам қичқириб юборадилар. (Ж. Шарипов)

ТЎРТИНЧИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Бадиий матннинг лексик – семантик хусусиятлари.

Режа:

1. Янги сўзлар.
2. Шева сўзлари.
3. Чет ва ҳақорат сўзларининг услубий хусусиятлари.
4. Барқарор бирикмалар ва уларнинг бадиий матндаги ўрни
5. Агнонимлар.

Назарий савол ва топшириқлар:

1. Янги сўзлар бадиий матнда қандай вазифа бажаради?
2. Шева сўзларининг эстетик вазифаси ҳақида маълумот беринг.
3. Чет ва ҳақорат сўзлари нима мақсадда бадиий матнга олиб кирилади?
4. Барқарор бирикмалар деб нимага айтилади?
5. Агнонимлар деб нимага айтилади?

Тавсия: Назарий савол ва топшириқлар асосида талабаларнинг билимини синаб кўринг. Талабаларнинг фаоллигига ўз муносабатингизни мунтазам билдириб боринг. Уларнинг назарий билимларини ўзлари топиб келган бадиий асар матни мисолида изоҳлашларини талаб қилинг. Суҳбат тарзини тез-тез ўзгартириб туринг. Чунки бир хиллик талабалар фаоллигига салбий таъсир кўрсатади. Баҳолашда ҳар доимгидек адолатли бўлишингизни тавсия қиламиз.

Таҳлил учун машқ. Матннинг ифода мақсади ва мазмунига кўра типларини аниқланг. Матннинг лексик-семантик хусусиятлари бўйича таҳлил қилинг. Матндаги бадиий тасвир воситаларини аниқланг.

Тонг саҳар – сут оқармаган вақт.

Тонг саҳар – оқ ин билан қора инни ажратиб бўлмас вақт.

Ботир фирқа зироат сувлади.

Шланг билан настарларига сачратиб сув сенди. Атир гулларига сачратиб сув сенди. Сувни ток жўяси бошидан оқизиб қўйди.

Ўзи зироат айланди.

Саҳар салқин бўлди. Сувли зироат саҳардан-да салқин бўлди.

Шу вақт кўчадан иккита оппоқ соя ўтди. Соялар зироат қабатлаб-қабатлаб ўтди. Гангир-гунгир гаплашиб ўтди:

- Манави боғда кимдир юрибди.

- Ким бўлади, эгаси-да.

- Ўзи, кимни боғи бу?

- Эсонов деган бор-ку, ўшаники.

- Ҳа, Қизил денг, Қизил!

- Қизилки... айтгили йўқ. Қизил байроқ!

- Шугина қизилда олам-жаҳон боғ бор-а?

- Қизиллар умрида қўлини совуқ сувга урмаган. Авом халқни ишлатиб боғ яратган.

Оппоқ соялар ўтиб кетди.

Ботир фирқа уларни кетидан қараб қолди.

«Ажабо, булар нега бундай оппоқ либосда юрибди? — дея ўйлади. — Арвоҳ-а, арвоҳ. Ўзи, булар бемаҳалда қаердан келяпти?»

Ичкари кирда. Кўрганларини кампирига айтиб берди.

- Биламан, кўзим тушган, биламан, — деди кампири.

- Арвоҳга ўхшайди-я? Оғирроёқ аёл дуч келса... бўйдан тушириб қўяди.

- Ҳаммаёқ мусулмонобод бўлиб кетди, раис бова, мусулмонобод бўлиб кетди. Мусулмонлар ана шундай кийнади. Сизгаям шунақа уст-бош олиб берайми?

- Ўзи, у қанақа кийим бўлди?

- Оппоқ иштон-кўйлак. Нима қипти?

- Бошидаги... тувакка бало борми?

- Тувак?

- Ҳа, ёш болани тагига қўядиган тувак.

Кампири ҳиринг-ҳиринг кулди. Тиззасига уриб-уриб кулди.

- Така, раис бова, така! — деди.

- *Такая? У нима энди?*
- *Мусулмончилик белгиси.*
- *Энди шуларни киймаса нима қипти?*
- *Такая киймаса мусулмон бўлмайди, раис бова. Олиб бер десангиз олиб бераман.*
- *Уларни кийиб нима қиламан?*
- *Мусулмон бўласиз, нима қилардингиз, мусулмон бўласиз.*
- *Т-фу-у-у!*
- Кампирини дами ичига тушди. Дарҳол гапни бурди.*
- *Айтдим-қўйдим-да, раис бова, - деди. — Сиз катта одамсиз, партия ветеранисиз. Сизга ярашмайди.*
- Ботир фирқа кампирини гапидан тинчланди. Ўзича бош ирғади.*

Тавсия: Ушбу машқни бажариш учун дастлаб, гуруҳдаги иқтидорли талабалардан бирига матнни ифодали қилиб ўқитинг. Матн ва унинг муаллифи ҳақида талабалар билимини синаб кўринг. Бунинг учун қуйидагидек саволлардан фойдаланинг: *Ушбу матн қайси асардан олинган? Асар нима ҳақида? Асарнинг бош қаҳрамони ким ва у қандай одам? Асар муаллифи қачон ва қаерда, қандай муҳитда яшаган? Унинг яна қандай асарларини биласиз? Ушбу матннинг маънавий ва маърифий аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз? Матннинг кинояга асосланган ифода услубидан қандай мақсад кўзланган деб ўйлайсиз? Мазкур матн бугунги кун нуқтаи назаридан қандай аҳамиятга эга? Лисоний таҳлилни машқ шартига мувофиқ амалга оширинг.*

Гуруҳдаги иқтидорли талабалар учун қўшимча машқ:

Таҳлил учун машқ. Матнни шакллантирувчи воситаларни аниқланг ва тема-ремастик муносабат ҳақида маълумот беринг.

Ўзинг шифо бер

- *Уҳ... оҳ... вой, вой, вой-е, вой-дод... олло... олло... ўламан. Ҳой, Мавлонқул, кел, оғзимга сув томиз... Вой, одам бўлишим гумон, уҳ...*

- Кўйинг, ота, шунақа деманг.
- Йўқ, сен билмайсан, ишим қийин, ўламан, Мавлон. Бор, бор, ғунажсинингга қара, тугиб қўйди... Ҳой Хайрулло, оқпадар, қулоғингга пахта тиқдингми?
- Лаббай, отажон?
- Кўрпачанинг тагидаги пулдан 5 тийин олиб чиқиб пол очириб кел. Вой, оҳ, ху-уудо...
- Ота, полчига нима дейман?
- Вой, бу оқпадар мени жудаям кўйдириб кукун қилди-да, нима дер эдинг: отам касаллар, бир пол қаранг, дейсан, вой-е, вой; вой-эээ, шуни ҳам билмайсан. Марг сендек тарбиясиз туғилгонингга, вой... а, уҳ, вой... худо. Суйган банданга дард берасан, суюклик бандангдан дардни олсанг, нима бўлар экан, вой, вой...
- Ота полчи пол кўриб туриб айтдики, Кўҳинқорининг тескари пири тегибдир. Бир қора қўй сўйиб, худо йўлида хомталаш қилса, кўрмагандек бўлиб кетадир, деди.
- А, нима дединг, бир қўй худойи? Хайрулло, 5 тийинниг ҳаммасини тутқаздингми?
- Ҳ-ҳаммасини.
- Вой ер ютсин, икки дунёда ҳам одам бўлмайсан. Вой, вой, худо, ўзинг шифо бер. Бор, Мавлонни чақир. Уҳ. Қўй сўяр эмишман. Бели оғримаганнинг нон ейишига қара, вой, қўй, вой-ээ, қўй, қўй.
- Ҳа, ота, нима ишингиз бор?
- Вой, вой... Уғлим Мавлон, бор, домла поччангни чақириб кел, вой, уҳ... Олло. Менга дам солиб қўйсинлар. Вой, жоним.
- Ассалому алайкум. Аҳмаджон, баҳай...
- Уҳ... Бир оз тобим қочди, тақсир.
- Худо сақласин. Майли, зарари йўқ, худо суйган қулига дард берадир. Қани келинг, бир дам солиб қўяй. Тангри хоҳласа кўрмагандек бўлиб кетасиз. Кал Ражабникида худойи бор экан, мени кутиб турибдирлар. Тезроқ бормасам бўлмайдир.
- Ҳўп, тақсир, уҳ...
- Фе гўспандоллокун ва ала хала жойин. Муродатун дангалун, куф... Оғдарма қилиб гунг солуйсуф... Қалай, Аҳмадали, тузук бўлий дедингизми?

- *Ҳа... та...қ...сир.*
 - *Болам Мавлон, дўхтир-пўхтирға кўрсатмадин-гизми?*
 - *Йўқ.*
 - *Яхши, ақлик иш қилибсиз. Дўхтир ҳаром ўлдириб қўяр эди. Мен дам солиб қўйдим, худо хоҳласа эрта — индин юриб кетадир. Хайр.*
 - *Шошманг, тақсир, мана, назрни олинг.*
 - *Койиб нима қилар эдинг, ўғлим.*
 - *Хайр.*
 - *Хайр, тақсир, яна эртага бир дам солиб кетасиз-да.*
 - *Ота, отажоним...*
 - *Вой, дунёдан ўтдилар, меҳрибоним отам, ғамгузорим отам...*
- Инноллиоҳи ваинноллоҳи ражинун. (А.Қаҳҳор).*



БЕШИНЧИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Бадиий матннинг морфологик хусусиятлари.

Режа:

1. Морфологик параллелизм.
2. Аффиксал синонимия.
3. Аффиксал омонимия.
4. Аффиксал антонимия.
5. Субъектив баҳо шакллариининг бадиий матндаги ўрни.
6. Сифат, сон, олмош ва феъл сўз туркумида экспрессивликнинг ифодаланиши.

Назарий савол ва топшириқлар:

1. Бадиий матннинг морфологик хусусиятлари деганда нимани тушунасиз?
2. Ижобий ва салбий бўёқдор сўзларнинг эстетик вазифаси деганда нимани тушунасиз?
3. Антропонимларнинг услубий хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.
4. Морфологик параллелизм деб нимага айтилади?
5. Қўшимчалардаги синонимия, омонимия ва антонимиядан бадиий матнда нима мақсадда фойдаланилади?

Тавсия: Назарий савол ва топшириқлар талабаларнинг билимини синаб кўриш учун берилган. Улар маърузада ўрганган билимларини мустақил равишда амалиётга татбиқ этаолишлари лозим. Бунинг учун ўқитувчи томонидан уларга шароит яратилиши лозим. Талабаларнинг баҳс-мунозараларда фаол иштирок этишлари учун уларнинг ҳар бир иштирокига рағбатлантирувчи муносабатингизни аямаслигингиз керак. Уларга савол бераётганда гўё уларни сўроққа тутаетгандек вазиятни юзага келтирмасликка ҳаракат қилинг. Талабалар билан маълум масалада фикрлашаётгандек ҳис қилинг ва бошқаларга ҳам шуни ҳис қилдинг. Уларнинг фикри сиз учун гоят қадрли эканлигини ўрни билан билдириб боринг.

Таҳлил учун машқ. Матннинг ифода мақсади ва мазмунига кўра типларини аниқланг. Матнни шакллантирувчи боғловчи воситалар ҳақида маълумот беринг. Матнни тил сатҳлари бўйича таҳлил қилинг.

Нутқ

«Кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган» нотиқлардан бири ишдан қайтиб келганида хотини бўйнига осилиб, кўзига ёш олди.

-Сиз мени яхши кўрмайсиз... Турмушимиздан хурсанд эмассиз... Шу соатгача, шу минутгача кутдим, бир оғиз айтмадингизки, бир ёстиққа бош қўйганимизга бир йил бўлди...

Нотиқ ҳақиқатан бунини унутган эди, лекин гап тонди:

- Ие, - деди, - ҳали тўйимизга бир йил бўлдими! Бир йил? Шундай роҳат турмушимиздан, шундай ширин умримиздан дарров бир йил кетдими! Оҳ, дод дейман...

Хотин илжайиб, турли ноз - неъмат, гуллар билан безатилган столни кўрсатди. Эр - хотин ўтиришди. Хотин рюмкаларга вино қўйиб...

- Қани, - деди, - бир нима демайсизми?

- Бир нима деяйми? ...

- Вой, ҳали индамасдан ичмоқчимисиз?

Нотиқ рюмкани олиб ўрнидан турди. Қошлари чимирилди, ранги бир оз ўзгарди, аввал рюмкага, кейин уйининг бурчагига қараб сўз бошлади:

- Уртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга!

Хотин бу муқаддимани ҳазил гумон қилганлиги учун қийқириб чапак чалди. Нотиқ яна ҳам жиддийроқ қиёфада давом этди.

- Бундан 365 кун муқаддам сиз билан биз ўз ҳаётимизда қатъий бурилиш ясаб, зўр синовлар шароитига бевосита қадам қўйдик. Илгариги вақтда фақат эркак, эндиликда эса ҳам эркак, ҳам хотин бошчилик қиладиган оила масаласи ўзингизга маълум бўлганлиги учун бунга кенг равишда тўхтаб ўтиришни лозим кўрмайман.

Нотиқ оила тўғрисида ўз фикрини баён қилганидан сўнг «Хотин ва социализм» деган китобнинг бир еридан

уч, яна бир еридан икки, яна бир еридан ярим саҳифа ўқиб берди. Хотин бу орада икки марта оғзини очмасдан эснади, қўлидаги рюмкани столга қўйди. Потиқ давом этди:

- Сиз билан биз бир йиллик оилавий фаолиятимиз натижасида қандай ютиқларга эришдик? Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб қолдик. Иккинчидан, ўртоқ рафиқам, оиламизни ташкилий хўжалик жиҳатидан мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамладик. Мен бу бобда фактларга мурожаат қилиб ўтирмайман, чунки орденли онангиз ўзларининг ҳар бир тарихий келишларида бу нарсани айрим равишда қайд қилдилар.

Нотиқ сув бўлмаганлиги учун винодан бир ҳўплаб давом этди.

- Хўш, бу ютуқларимиз камчиликларимизни қоплаб, бизни хотиржамликка солиши мумкинми? Агар биз камчиликларимиздан бевосита кўз юмиб, яшасинчилик кайфиятларига берилиб кетадиган бўлсак, хато қилган бўламиз. Бизда камчиликлар борми? Бор, оз эмас! Масалан, июль ойининг биринчи ярмида озик — овқат маҳсулотларини сақлашда йўл қўйган жиддий нуқсонларимизни олайлик. Бу масалага икковимизнинг ҳам жинояткорона совуқ қарашимиз орқасида қатор чиришлар, бузилишлар, кўкаришлар юз бердими? Факт! Буни нима билан оқлаш мумкин? Ҳеч нарса билан!

Нотиқ қизишиб кетди.

- Иккинчи масала, яъни ички имкониятлардан фойдаланиш масаласини олайлик. Узингизга маълум, бизда юқори сифатли мис чойнак бор. Шу чойнакнинг қопқоғи бугунги кунда йўқ. Бу ҳақда биз бир — биримизга сигнал бердикми? Йўқ! Агар биз ўзибўларчиликка узил — кесил барҳам бериб қопқоқ масаласини кун тартибига кўндаланг қўйсак, агар биз шу чойнакни ўз вақтида тегишли қопқоқ билан бевосита таъмин қилсак, самоваримиз сафдан чиққан кунларда ҳал қилувчи роль ўйнар эди. Афсуски, биз бу масалага муросасозлик кўзи

билан қарадик. Бугунги кунда чойнагимиз қопқоққа эга эмас, мутлақо эга эмас.

Хотин секин уҳ тортди. Нотиқ бун пайқаб «тўсатдан қаттиқроқ танқид қилдим, шекилли» деган андишага бориб, сўзини йўқотиб қўйди, шунинг учун сўзининг охирини юмшатишга тиришди:

- Лекин бу камчиликларга қарамай, турмушимизни аъло даражада олиб бораётганлигимизга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан қисқача сўзимни тамом қилиб, оиламиз бундан кейин ҳам шарафлар билан қопланажагига тўла ишонч билдиришга ижозат беринг! Бу рюмкани мана шунинг учун кўтаришдан бурун ўз муҳаббатимни яна бир марта амалий суратда изҳор қилгани руҳсат беришингизни талаб қиламан.

Хотин унинг ҳаракатидан «ўпич бер» деган маънони англади-да:

- Упичми? Ҳеч бўлмаса шуни тўғри айта қолсангиз нима бўлар экан! – деди.

- Қандай, - деди нотиқ ҳайрон бўлиб, - битта ўпични деб нутқимни бузайми?

Нотиқ ўтирди. У ўтирганида яна аслига қайтди. Хотин унинг ҳар бир сўздан завқланар, кулар эди.

Тавсия: Берилган машқни бажариш учун дастлаб, гуруҳдаги иқтидорли талабалардан бирига матнни ифодали қилиб ўқитинг. Матн ва унинг муаллифи ҳақидаги талабалар билимини синаб кўриш учун 2-3 дақиқангизни аяманг. Бунинг учун қуйидагидек саволлардан фойдаланинг: *Ушбу асарнинг бош қаҳрамони ким ва у қандай одам? Асар муаллифи қачон ва қаерда, қандай муҳитда яшаган? Унинг яна қандай асарларини биласиз? Ушбу матннинг маънавий ва маърифий аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз? Матннинг кинояга асосланган ифода услубидан қандай мақсад кўзланган деб ўйлайсиз? Мазкур матн бугунги кун нуқтаи назаридан қандай аҳамиятга эга? Лисоний таҳлилни машқ шартига мувофиқ амалга оширинг.*

Гуруҳдаги иқтидорли талабалар учун қўшимча машқ:

Таҳлил учун машқ. Матннинг ифода мақсади ва мазмунига кўра типларини аниқланг. Матнни

шақллантирувчи боғловчи воситалар ҳақида маълумот беринг. Матнни тил сатҳлари бўйича таҳлил қилинг.

Адабиёт муаллими

Узининг айтишига кўра «нафис адабиёт муаллими» ўртоқ Боқижон Бақоев оғилга кириб таъби хира бўлди: сизирнинг қулоғига яна кана тушибди! Канадан ҳам кўра сизир унинг аччиғини келтирди: канани терай деса қўймайди — бошини силкийди, пишқиради.

- Ҳайвон! Сизир эмас, ҳайвон! — деди оғилнинг эшигини қаттиқ ёпиб. — Ҳайвон!

Хотини Мукаррам ҳовлида самоварга сув қўяр эди.

- Ҳайвон! — деди Бақоев. — Бу сизирни сотиб пулига чўчқа олиш керак!

- Шаҳарда чўчқа асраш мумкин эмас, - деди Мукаррам самоварга кўмир солаётиб.

- Нима учун? Тақиқ қилинганми? Ким айтди? Мен айтиб эдимми? Тўғри мумкин эмас... албатта, мумкин эмас...

- Уйга киринг, Ҳамида келди.

Ҳамида ўн олти ёшлардаги тийрак, қувноқ қиз, поччасини кўриб севиниб кетди.

- Сиз уйда экансиз, билсам дафтаримни олиб келар эканман... эсизгина...

Ўртоқ Боқижон Бақоевнинг таъби очилди. - Сизирнинг қулоғидаги кўм — кўк кана, ғўқиллаб тумшуғи билан ариқ ёқаларини бузиб юрган чўчқа кўз олдидан кетди.

- Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим, ростанми? - деди. - Ҳмм... яхши қилибсан. Рабфакка ўт, деб мен айтиб эдим шекилли? Ҳмм... Ауфф, зарда бўлибман... Рабфак яхши. Мен бир борган эдим. Канцеляриянинг эшигига практикум деб ёзиб қўйибди. Тўғри эмас. Практикум, минимум, максимум булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен шахсан шундай деб биламан.

Бир оз жим қолишди.

- Боқижон ака, - деди қиз уялиброқ, - бир нарсани сиздан сўрамоқчи эдим: биз синфда Чеховнинг «Уйқу устаги»ни ўқидик, гўдакни ўлдирган қизни суд

қилмоқчимиз. Даъвогар гўдакнинг онаси — Раҳима бўлади, қораловчи — Шарифжон. Судьялар ҳам бўлади. Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хўжайинига ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман. Мана шу... Шунан ёздим. Шу тўғрида сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Чехов шундай демоқчи эмасми?

Уртоқ Боқоев уйлаб туриб, сўради:

— Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради? Ҳақимов? Аҳмоқ одам! Уз устида ишламайди. Савол аломати ҳамма вақт «ми» дан кейин қўйилади десам, кулади. Гап бунда ҳам эмас...

Мукаррам самовар кўтариб кирди. Ҳамида ирғиб туриб, самоварни опасининг қўлидан олди ва столга қўйди. У ҳомиладор хотинига самовар кўтартириб ўтирган поччасидан ўпкаламоқчи эди, бироқ уялди, индамади. Уртоқ Боқоев жуда чанқаб турган экан, устма — уст тўрт пиёла чой ичди ва терлади.

— Чуварадан кейин чой жуда яхши кетади-да, - деди юзидаги терни артиб. — Ҳмм... сақол ҳам ўсинти, сартораши бўлмаса одамлар маймун бўлиб кетар эди. Маймун, жуни тўкилиб, одам бўлган. Бу ҳақда Энгельснинг фикри бор...

— Ҳалигини айтмадингиз, Боқижон ака, - деди қиз. - Чехов шундай демоқчи эмасми?

Уртоқ Боқоев яна бир пиёла чой сўради.

— Чеховми? Ҳмм... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиши керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан — оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни...ҳмм... Мукаррам, товукқа мояк қўйдингми? Қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товукдан аҳмоқ жонивор йўқ — мояк қўйсанг туғади! Нима учун мояк қўйсанг туғади? Хўроз нима учун саҳарда қичқиради? Ажойиб психология? Биология ўқийсизларми?

Ҳамида биологиядан нималар ўқиганини, бу ўқиш йилида яна нималар ўтиллажагини сўзлаб берди ва ўзининг оқлаш нутқида физиологик асослар ҳам кўрсатиш нияти бор эканини айтиб, яна сўзни Чехов устига бурди.

- Ҳмм, - деди Бақоев, - Чехов тўғрисида ўзимнинг фикрим бор. Бошқалар нима деса десин, ҳар ҳолда унинг дунёга қарашида... Унинг дунё қараши Пушкин ва Лермонтовларнинг дунёга қарашидан фарқ қилади. Бир давр, бир синф, бир мамлакат ёзувчилари бўлишларига қарамасдан мутлақо фарқ қилади!

- Чехов Пушкин билан бир даврда яшаган эмаску, — деди Мукаррам, - бизнинг кутубхонада унинг Максим Горький билан олдирган сурати бор. Чехов 1904 йилда ўлган бўлса керак.

- Сизлар қайси Чехов тўғрисида гапираётибсизлар? Чойдан қуй!.. Бу Чехов ҳақидами? Тўғри, бу 1904 йилнинг биринчи яримидами, иккинчи яримидами ўлган... Бошқа рўмолча бер, бундан пиёз ҳиди келаётибти. Мен ана у Чехов, илк буржуазия реализмининг намоёнаси бўлган Чехов ҳақида сўзлаётиман.

— «Уйқу истаги» қайси Чеховники? — деди Ҳамида.

— Ҳеч шубҳасиз бу Чеховники. Бу нарса биринчи марта «Современник» журналида босилган.

Шундан кейин ўртоқ Боқижон Бақоев узундан — узоқ сўзлаб кетди. Унинг нима тўғрида сўзлаётганини Ҳамида билмас эди. Детирдинг деган аллақандай машҳур танқидчи Шеллинг деган ёзувчига «сен дастёрга зор бўлгунча ўғлинг дастёр бўлади» деб хат ёзган; Маркс Добролюбовни Меринг билан бир қаторга қўйган; Стендинг деган аллақандай бир драматург ўлар чоғида Демпинг деган бир танқидчига: «Агар бутун жониворларни худо яратган бўлса, мен унинг завқига қойил эмасман, эчкиэмар ҳам жонивор бўлдимиз?» деган... Ҳамиданинг боши оғирлашиб кетди: икки марта секин билдирмасдан эснади.

Ҳамида мезбонлар билан хайрлашиб кўчага чиққанда қоронғи тушган эди; «Уйқу истаги» тўғрисида поччасидан ҳеч қандай фикр ололмади. Унинг сўзларидан нима олгани ҳақида ўзига ҳисоб берар экан, гуввиллаб турган бошида шундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди: практикum, минимум, максимум; Детирдинг, Стендинг, Шеллинг, Меринг, Демпинг... (А.Қаҳҳор).

ОЛТИНЧИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Бадиий матннинг синтактик хусусиятлари

Режа:

1. Синтактик параллелизм.
2. Эмоционал гаплар.
3. Риторик сўроқ гаплар.
4. Инверсия.
5. Эллипсис.
6. Градация.
7. Антитеза.
8. Фарқлаш.
9. Ухшатиш.
10. Метафора.
11. Метонимия.
12. Синекдоха.
13. Киноя.
14. Перифраза.
15. Муболага ва кичрайтириш.

Назарий савол ва топшириқлар:

1. Синтактик параллелизм деганда нимани тушунасиш?
2. Эмоционал гап деб нимага айтилади?
3. Риторик сўроқ гап деб нимага айтилади?
4. Инверсия деб нимага айтилади?
5. Эллипсис ҳақида маълумот беринг.
6. Градация деганда нимани тушунасиш?
7. Антитеза ва оксюморон бадиий матнга нима мақсадда олиб кирилади?
8. Фарқлаш тасвирий восита сифатида қандай услубий вазифа бажаради?
9. Ухшатиш ҳақида маълумот беринг.

Тавсия: Назарий савол ва топшириқлар талабаларнинг билимини синаб кўриш учун берилган. Улар маърузада бадиий матннинг синтактик хусусиятлари бўйича ўрганган билимларини мустақил равишда амалиётга татбиқ эта олишлари лозим. Бунинг

учун ўқитувчи томонидан уларга шароит яратилиши керак. Талабаларнинг баҳс-мунозараларда фаол иштирок этишлари учун уларнинг ҳар бир иштирокига муносабат билдиришни унутманг. Уларга савол бераётганда гўё жавобини сиз биласизу улар билмайдигандек вазиятни юзага келтирмасликка ҳаракат қилинг. Талабалар билан ўртага ташланган масалада самимий фикрлашишга ҳаракат қилинг ва уларга ҳам шуни ҳис қилдинг. Уларнинг фикрига аҳамият бераётганингизни сезишса масалага яна-да жиддий муносабатда бўлишади.

Таҳлил учун машқ. Берилган матннинг синтактик хусусиятларини аниқланг. Матнни шакллантирувчи воситаларни аниқланг. Тема-рематик муносабат ҳақида маълумот беринг.

Оппоқ қор.

Осмонни булут қоплаган. Қор ёғяпти, оппоқ майин қор... Кампир каравотга суяниб кўрна қавияпти. Чол дереза олдида, букчайган, юзида кексалик хорғинлиги, бағрида сочлари жингалак, қўғирчоқдайгина қизалоқ. Қизча кафтини яхлаган ойнага босиб ташқарига талпинади. Чол уни бир олдинга, бир орқага тебратиб, хихиллаган товуш чиқаради. Кампир аҳён – аҳёнда уларга қараб қўяди. Чоли хи-хилаб куляптими, йўталаптими билмайди.

Чол кулади. Лекин кулар экан, нафаси тиқилиб, йўтал тутади. Қор учқунларига тикилганича, йироқ хаёллар банд этади уни.

Осмон шундай булутли ва рутубатли эди ушанда ҳам. Худди шундай оппоқ, майин қор ёғарди...

Чопонларининг чоки, мўйлови ва қошларига кўмир чанги урган, ёши қайтган, аммо ўзи анчайин бардам чол Нуъмонхон ота вакзалдан пойи-пиёда юриб, уйга келди. Дарвозани очиб, нимқоронги йўлакка киргач, елкаларидаги қорни силкитиб, телпагини қўлига олиб қоқди.

Хонада ҳеч ким йўқ. Аёли фабрикада.

Нуъмонхон ота туника печь устига мис чайнакни қўйди – да, печга ўт қалади. Бир дамдан сўнг биқирлаб

чой қайнади. Стол устида пиёла, чойнак, ўроғлик дастурхон. Чол чой дамлаб дастурхонни очди. Дастурхонда нон ушоқлари, ярим буханка қора нон. У ушоқларни кафтига тўплаганча, оғзига ташлаб, чойдан хўплай бошлади.

Чолнинг икки ўғли бор эди! Бири ўлган, болалигидаёқ. Иккинчиси мўйлови сабза урганда жангга жўнади. Мана неча ойдирки, на хат бор, на хабар – хуллас: дом-дараксиз.

Нуъмон ота ҳозир ўғлини эслаб, хўрсиниб қўйди. Дарвозанинг тарақлаб очилганини эшитди-ю, деразадан ҳовлига кўз ташлади. Қор устига майда қадам ташлаб қўшни қиз Майрам келарди. Эшик очилиб, Майрам жун рўмол билан тангилган бошини ичкарига суқди:

- Амаки, мен келдим... унинг кўзлари чўккан, ранги ўчган ва нима учундир лаблари сезилар - сезилмас титрарди.

- Кел, қизим, - деди чол. Бу қиз унга ўғлидан ҳар гал хат келганда ўқиб берар, биргаллашиб мард ўғлонни эслашарди. Анчадан бери остонага оёқ қўймаган қиз кўрингандаёқ чолнинг юраги дукиллаб бошлади: «Қанақа гап топиб келди экан?!...» Қизнинг ранги - рўйини кўрди - ю, юраги орқага тортди... Бироқ чолнинг ҳолатини ўзидан бўлак ким билибди?!

- Нима, касалмисан, қизим, рангинг... - сўради у ва гўё юрагини бешафқат панжа ғижимлай бошлади.

- Ҳа, мазам йўқроқ, - деди Майрам.

«Ёлғон гапиряпти», - ўйлади чол. - Ол, нондан ол, - деди қизга. Майрам бир бўлак нонни қўлига олиб кавшана бошлади.

- Вокзалда ишингиз тузукми, амаки? - сўради қиз ўзини зўр билан бепарволикка солиб.

- Ҳа, - ҳа... дуруст, - деди чол. «Ниманидир яширяпти бу қиз», - деган фикр кечди хаёлидан.

- Дадам, амакинг йигитчадай, ҳали бақувват, - дейдилар. Қувонаман шундай десалар... Қиз жилмайиб қўймоқчи эди, беихтиёр лаби қийшайди. У бошини бир силтади - да, кипригида ёш томчиси йилтиради.

- Айт, нима бўлди? - пичирлади чол нафаси ичига туюиб.

- Ҳеч нима, амакижон, ҳеч нима. Үзим...

- Айт! - деди чол болалардай ялинган оҳангда. Унинг қуюқ қошлари кўзларини тўсиб турар, кўзлари ўт бўлиб ёнарди...

- Шундай... хат олдим, - сўз бошлади қиз бу кўзларга жавоб бермаслик мумкин эмаслигини сезиб. - Балки ёлғондир? Ишонмадим...

- Рост! - Нуъмонхон ота ички дард билан қичқирди. Унинг оғир, мўсафид боши қуйи эгилди. Майрам дока хўллаб чолнинг пешонасига қўйди, қўлтиғидан ушлаб ўринга ётқизди. Чол печка биқинидаги кўрпада, кўзлари ярим юмук ҳолда чўзилиб ётар, нималарнидир пичирлар эди.

- Хўп, мен кетай, - деди Майрам секин. Унинг хаёли паришон, ўзи ниҳоятда гаранг эди. - Балки ёлғондир, ишонмадим. Хат ёзилган - да... ёлғондир, - ўзига -ўзи сўзларди гўё у.

Чол индамасди. Майрам эшикка йўналди. Остонада сўррайиб туриб қолди. Чолга қайрилиб қаради-да, бирдан кесагига суянганча хўнграб йиғлаб юборди. Нуъмонхон ота оғир кўзғалиб ўтирди.

- Ёлғон! - деди секин. Майрам бошини кўтариб ҳайронлик билан қаради. Худди орадан ҳеч гап ўтмагандай, жилмайиб ўтирибди чол. Атайин, сохта жилмайганини сезмади Майрам. - Қизим, биламан, ёлғон... Мениям тобим йўқроқ эди, ҳаммаси шундай. Қарабмизки, эрта - индин келади. Бу кунлар эсдан ҳам чиқиб кетади, қизим...

Майрам бошини тик кўтарди. Жун рўмолининг учи билан кўзини артиб қор устига майда қадамлар ташлаганча, ҳовлидан чиқиб кетди. Нуъмонхон ота ўрнидан туриб чопон ва этагини кийди - да, кўчага йўналди. Энди нима қилиш керак?! Кимни ўйлаш керак, кимни кутуш керак?! Йўқ, йўқ, йўқ!

Йўлларни қалин қор босган. Катта - кичик, турли - туман излар, ўнга, сўлга, тўғрига кетган излар... Бир бўлакчаси юрагини титталаётган улкан аламни елкасидан улоқтирай деб югириб - елиб юрган одамлар изи...

Чол бозорни бир қур айланди. Нон магазини олдига одам кўп. Қўлтиқтаёқли ярадорлар, хотин - халаж, бола

- чақа, бу ерда бир дам оғир сукунат чўкади, бир дам эса чуввос кўтарилади. Сотувчининг терлаган, озгин, рангсиз юзи узоқдан бир парча тахтага ўхшаб кўринади. Унинг кўли - кўлига тегмайди.

Чопони йиртиқ, юз суяклари дағалгина бир бола у ёнга - бу ёнга ўтиб гоҳ одамларга, гоҳ магазинчига термулади. Бола нима истар экан?!

Чол бошини қўйи солиб, магазиндан узоқлашди. Йўл бошида бир тўпга бириккан ва аридай ғувилаб латта-путта сотаётган аёлларга қараб турди-да, жигғиниб уйи томон йўл олди.

Йўлда, боя магазин олдида уймалашиб юрган чопони йиртиқ болани кўрди чол. Бола тепалик тагида кўзларини юмиб, жунжикиб ўтирибди. Нўъмонхон ота унга яқинлашди:

— Нега бу ерда ўтирибсан, болам?

— Отам ўгай. Ҳайдади... Нон бермайди, онамни уради. Ҳайдади... Совуқ едим, амакижон.

Нўъмонхон отанинг қалбига босилган оғир тош устига оғирроқ тош босилди. Аммо бу алам тошлари қанчалик вазмин бўлмасин, уларни бир силтаниб, улоқтириб ташлади чол.

— Юр. болам, меникига юр.

Нўъмонхон ота, боло каттагина эканлигига қарамай уни кўтарди-да, кекса елкасига миндириб уйига олиб келди. Печка биқинидаги кўрпачага ўтиргизди, дастурхон ёзди: — Ол, болам, ол.

Бола совуқдан музга айланган, титраётган қип-қизил кўлчаларини шошилиб нонга чўзди, қитирлатиб апил-тапил чайнай бошлади. Нўъмонхон ота даҳлизга чиқиб ўғлининг телпагини олиб кирди. Боланинг бошидаги эски дўппини бир томонга улоқтирди, телпакни кийгизди. Телпак бошини қулоқларигача яширган бола унга меҳрибонлик ва хайронлик билан боқар, содда ва беғубор кўзларида бахт, қувонч норлар эди. Чол болада рўй берган бахтиёр ҳолат қаршисиде ўзини ортиқ тутиб туролмади. Уни бағрига тортиди-ю, кўзларидан ёш қуйилди...

Ииллар ўтди. Уғил улғайди. Чол келинли, неварали бўлди... Ииллар ўтди!!! Бундан сўнг яна кўп марта одамлар аламларини енгиб, шодлик ва саодат топдилар...

*Бундан сўнг яна кўп марта ҳароратли ер кўксига оппоқ,
майин қор ёғди...*

Тавсия: Берилган машқни бажариш учун дастлаб, гуруҳдаги иқтидорли талабалардан бирига матнни ифодали қилиб ўқитинг. Матн ва унинг муаллифи ҳақидаги талабалар билимини синаб кўриш учун вақт ажратинг. Бунинг учун қуйидагидек саволлардан фойдаланинг: *Асар муаллифи ким? Унинг яна қандай асарларини биласиз? Ушбу матннинг маънавий ва маърифий аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз? Мазкур матн бугунги кун нуқтаи назаридан қандай аҳамиятга эга?* Лисоний таҳлилни машқ шартига мувофиқ амалга оширинг.

Гуруҳдаги иқтидорли талабалар учун қўшимча машқ:

Таҳлил учун машқ. Ўрганганларингиз асосида берилган матн парчаларини таҳлил қилинг. Хиазматик конструкциялар ҳақида маълумот беринг.

1. Биз тирик эканмиз, руҳимиз ўлик
Биз ўлик эканмиз, руҳимиз тирик.
2. Айтганингнинг ҳаммасини қил
Қилганингнинг ярмини айт.
3. Адолат Кучга бўйсунган юрт-вайрон юрт
Куч Адолатга бўйсунган юрт-бўстон юрт.
4. Тарикдек савобни-тарвуздек дема,
Тарвуздек гуноҳни-тарикдек дема.
5. Созим – менинг овозим,
Овозим – менинг созим.
6. Кулиб турган одамнинг олдида йиглама,
Йиғлаб турган одамнинг олдида кулма.
7. Йўқлик бир армондир,
Армон бир йўқлик.
8. Болаликда дунё кенгу кийим тор
Кексайганла кийим кенгу дунё тор.
9. Агар огоҳсен сен шоҳсен, сен,
Агар шоҳсен сен огоҳсен, сен.
10. Ейиш учун яшаш керак эмас,
Яшаш учун ейиш керак.
11. Товушларнинг рангига қаранг
Қаранг тез рангларнинг товушига.

ЕТТИНЧИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Бадний матни таҳлил қилиш методологияси.

Режа:

1. Таҳлил типлари.
2. Тематик ва комплекс таҳлил.
3. Шакл ва мазмун бирлиги тамойили.
4. Макон ва замон бирлиги тамойили.
5. Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойили.
6. Лисоний табдил усули.
7. Матн вариантларини қиёслаш усули.
8. Луғатларга асосланиш усули.
9. Лисоний бирликлар индексини тузиш усули..

Назарий савол ва топшириқлар

1. Мазкур курснинг методологияси қандай қонуниятга асосланади?
2. Лисоний таҳлилнинг қандай тамойил ва усуллари бор?
3. Шакл ва мазмун бирлиги тамойили деб нимага айтилади?
4. Макон ва замон бирлиги тамойили деб нимага айтилади?
5. Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойили деб нимага айтилади?
6. Илмий мушоҳада усули деб нимага айтилади?
7. Лисоний табдил деганда нимани тушунасиз?
8. Матн вариантларини қиёслаш усули деб нимага айтилади?
9. Луғатларга асосланиш усули деб нимага айтилади?
10. Тематик таҳлил деб нимага айтилади?
11. Комплекс таҳлил деб нимага айтилади?

Тавсия: Назарий савол ва топшириқлар асосида талабаларнинг билимини синаб кўринг. Талабаларнинг фаоллигига ўз муносабатингизни мунтазам билдиришга ҳаракат қилинг. Уларнинг назарий билимларини ўзлари топиб келган бадний асар матни мисолида изохлашларини талаб қилинг. Сўхбат ёки баҳс-мунозара

самимий ва дўстона ўтишинини таъминлаш сизнинг зиммангизда. Талабалар адолатли баҳони ёқтиришини ёдингиздан чиқарманг.

Таҳлил учун машқ. Куйидаги матнни ўқинг ва унда ишлатилган дублетларнинг ҳамда кўп қўлланилган «—гоҳ» аффиксининг услубий аҳамиятини изоҳланг.

Жамоа - колхоз идораси ёнидаги ҳовлимиздан чиқиб, қишлоқ шўроси - қишлоқ совети - қишлоқ кенгашигача пиёда келдим. Йўл четида турган эдим «Тез тиббий ёрдам» машинаси секин келиб тўхтади. Қарасам, шароб — май — ароқ - вино заводида бош муҳандис - инженер бўлиб ишловчи қудамиз Асқар аканинг куёви ҳаким — табиб — дўхтир - врач Қосимжон экан. Йўл бўлсин, деди. Денара — ноҳия — туман - район марказигача ола кетинг, дедим. Бир зумда белгиланган манзилгоҳ — унвон - адресига етиб келдик. Сўнг «Алдар кўса» номидаги Дехқон бозори ёнидан тайёрагоҳ — қўналға - учини майдони - аэропортга қатновчи тезюрар - экспресс автобусига ўтирдим. Ҳайрият, тайёра - учқич - учоқ - самолёт - аэропланга чипта - билет - чек сероб экан.

Эсон-омон Тошкентга ҳам келиб тушдим. Ҳамма ёққа давлат тили мақоми берилгани сезилиб турибди... Низомий номли олийгоҳ — дорилмуаллимин - пединститутга етиб келдим. Жиянни суриштирдим. Ётоқхона — хобгоҳ - общежитийда дейишди. У ерда ҳам йўқ экан... Таксигоҳга келиб такси ёлладим. Ҳайдовчига, тўғри олийгоҳ — дорилмуаллиминга ҳайданг дедим. Тушунмади. Пединститутга, дедим. Э, бундай демайсизми, ака деди. Ҳа, шунақа, деб ғулдирадим, тилимизга давлатгоҳ, олийгоҳ, мақомгоҳ берилган, шунақа бўлди, акагоҳ, дедим... Яхшиям эсияним кутиб турган экан овқатланмоқчи бўлдик. Кафегоҳга кирсак шароби йўқ экан. Ресторангоҳга кира қолайлик, дедим. Овқатланиб, ётоқгоҳга қайтдик. Хобгоҳга чўзилиб бошимга чойшабни тортдим. Ётган еримда овознигор — радиони қўйиб, бироз қўшиқ нигор — концерт эшитдим. Овознигорнинг унолгич — сўзолгич — микрофони яхши ишламас экан. Учириб қўйдим. Сўнг мизчироқ — стол лампани ёқиб, чошгоҳ олганим мажалла — ойнома —

жарида — рўзнома — ҳафталик — уч ойлик — олти ойлик...ларни варақлай бошладим.

Тавсия: Берилган машқни бажариш учун дастлаб, гуруҳдаги иқтидорли талабалардан бирига матнни ифодали қилиб ўқитинг. Матн ва унинг муаллифи ҳақидаги талабалар билимини синаб кўриш учун 2-3 дақиқангизни аяманг. Бунинг учун қуйидагидек саволлардан фойдаланинг: *Матннинг кинояга асосланган ифода услубидан қандай мақсад кўзланган деб ўйлайсиз? Мазкур матн бугунги кун нуқтаи назаридан қандай аҳамиятга эга?* Лисоний таҳлилни машқ шартига мувофиқ амалга оширинг.

Гуруҳдаги иқтидорли талабалар учун қўшимча машқ:

Таҳлил учун машқ. Берилган матннинг изоҳли луғатини тузинг ва бугунги лисоний меъёрлар асосида матнни қайта насрий баён қилинг. Ўрганган назарий билимларингиз асосида мазкур асарни лингвопоэтик таҳлил қилинг.

Сайдинг қўябер, сайёд...

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат

*Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.*

*Кес риштаниким, қилсун чапнақлар отиб жаста,
Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари ҳаста.
Тоғларга чиқиб бўлсун ёри билан пайваста,
Кел, қўйма бало дори бирла они по баста
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.*

*Беш кун сени даврингда бечора хиром этсун,
Оҳулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,*

Ёмғир суви тўлганда, тоғ лолани жом этсун,
Ҳаққингга дуо айлаб, умрини тамом этсун,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Саргашта бу водийда бир бошига раҳм эткил,
Йўқ тоқати бандингга, бардошига раҳм эткил,
Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшига раҳм эткил,
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошига раҳм эткил,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,
Ахир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса?
Чиқмай деса жойидин, узлатда фигур ўлса,
Гар чиқса баногоҳи домега дучор ўлса,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Бечорани зулм айлаб, қўл — буйинини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб — судраб, ўлдиргали чоғлабсан,
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан,
Сот менга, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан.
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Йўқ ҳуши, пари теккан девонага ўхшайдур,
Кўз ёши яна тўлган паймонага ўхшайдур,
Гам сели билан кўнгли вайронага ўхшайдур,
Фурқатда бу Саъдулло ҳайронага ўхшайдур,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.



ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Бадий матннинг лисоний таҳтили фанидан маъруза ва амалий машғулотларни ташкил этишда қуйидаги **янги педагогик технологиялар**дан фойдаланиш тавсия қилинади:

«3 in 1» (учтаси бирда) методи

Бу метод мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунда таълимда муваффақият билан кенг қўлланиб келинаётган учта методни бирлаштириб қўллашни назарда тутди. Яъни: ақлий ҳужум, форум ва инференс методлари. Дарс жараёнида баъзан биргина методни қўллаш етарсиз бўлади. Талабалар қизиқишини инobatга олиб бошқа методларни ҳам бир дарс мобайнида меъёрни унутмаган ҳолда қўллаш яхши самара бериши мумкин. Маълумки кўпгина методлар мактаб ўқувчилари савиясига мўлжаллаб ишлаб чиқилган. Университет талабалари мактаб ўқувчисидан мустақил фикрлаши, воқеликка танқидий, мантиқий ва шахсий муносабатини билдира олиши ҳамда илмий савияси билан фарқ қилади. Шуларни ҳисобга олиб дарсда турли методларни синтезлаш, самарадор жиҳатларидан эркин ва ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. **«3 in 1» методининг** яхши тарафи шундаки, дарс материални ҳисобга олиб турли метод элементларини ихтиёрий равишда бирлаштириб қўллаш имконияти мавжуд.

«3 in 1» методининг афзалликлари

1. Ўқитувчининг дарс мавзусига мос методларни танлаш ҳуқуқига эгаллиги.

2. Ўқув жараёнида қўлланиладиган техник воситаларнинг мавжудлиги ва шароитга мослашишнинг қулайлиги.

3. Талабалар тайёргарлиги, мавзунини қай даражада қамрай олишига кўра энг маъқул методларни танлашга қулайлиги.

4. Талабалар сонидан келиб чиқиб метод танлаш имконининг мавжудлиги.

5.Вақтни ҳисобга олиб мавжуд методларнинг энг муҳим элементларини танлаш имкониятининг мавжудлиги.

6.Ўтилаётган мавзуга талабаларнинг эркин муносабат билдира олиши.

7.Талабаларнинг воқеликка фарқли жиҳатлардан ёндашиш мумкинлигини англашига ёрдам бериши.

8.Ўзиги ишонч билдирилаётганлигини мунтазам ҳис қилиши натижасида талабаларда илмий муносабат билдириш малакасининг шаклланишига ёрдам бериши.

«3 in 1» методининг камчиликлари

1.Ўқитувчи-талаба муносабати ва ўртадаги фарқ сақланиб қолади. Ўқитувчининг хулосаси муҳим бўлиб қолаверади. Муаммолар ечимида ўқитувчи муносабати етакчилик қилади.

2.Гуруҳдаги барча талабаларнинг фаоллигини таъминлашнинг имконсизлиги.

3.Мунозаралар сабабли юзага келадиган шовқиннинг мавзунинг тушунилишига салбий таъсир кўрсатиши.

«3 in 1» методини қўллаш учун ўқитувчиларга тавсиялар

1.Талабани мустақил шахс сифатида эътироф этишингизни билдиринг ва ўзингиз бунга биринчи навбатда амал қилинг.

2.Талабанинг заиф томонларини сезганда унга эътиборлироқ бўлинг.

3.Талаба фикр билдираётганда уни эътибор билан тингланг ва дастакланг.

4.Талабалар масаланинг ечимини топгунича сабр билан кутинг.

5. Талабаларни нотўғри фикри учун жазоламанг, камситманг.

6.Таъқиқлашда нимани қилмасликни эмас нега қилмаслик кераклигини тушунтиришга ҳаракат қилинг.

7.Муваффақиятли ҳаракат ва яхши фикр эгаларини, фаол талабаларни мунтазам рағбатлантириб боринг.

8.Талабаларнинг зерикишига имкон берманг.

9.Ҳар бир талабанинг фаол иштирок этишига имкон яратинг.

10. Ҳеч қачон «сенинг фикринг нотўғри» деманг.

11. Дарсдаги муаммонинг ечими ҳақида дарсдан сунг ҳам мунозара давом этишига эришинг.

12. Талабаларни ҳеч қачон «аълочи» ва «иккичи» каби тоифаларга ажратманг.

13. Осон тушуниладиган, адабий раvon тилда сўзланг. Овоз оҳангини мавзуга мос равишда ўзгартириб боринг.

14. Хулоса чиқаришга шошилманг.

15. Дарсингизни ва талабаларингизни ҳурмат қилинг.

«Ақлий ҳужум» методи

Ақлий ҳужум методи талабаларнинг ўртага ташланган масалага фаол муносабат билдиришларини таъминлашга имкон яратадиган, фойдаланишга қулай методлардан биридир.

Бу метод қўлланилаётган пайтда талабалар ўзларини эркин ҳис қиладилар ва шахсий фазилатларини намоён қиладилар. Бунда аввал мунозара учун танланган мавзу умумий тарзда қисқача изоҳланади ва талабалар ҳукмига ташланади. Талабалар кичик гуруҳларга ажратиблиб масала юзасидан ўз муносабатларини ўртага қўядилар. Кичик гуруҳлар томонидан маъқул кўрилган фикрлар доскага белгилаб борилади. Турли қарашлардан иборат умумий фикрлар платформаси ҳосил қилинади. Ҳар бир кичик гуруҳнинг хулосасига алоҳида рағбат кўрсатилади.

Ақлий ҳужум методини қўллаш бўйича саволлар:

1. Бир сўз матн бўла оладими? Жавоб вариантлари: 1. Ҳа, бир сўз матн бўла олади. Изоҳ. 2. Йўқ, бир сўз матн бўла олмайди. Изоҳ.

2. Ҳажмига кўра матн неча типга бўлинади? Жавоб вариантлари: 1. Иккига: минимал матн, максимал матн. Изоҳ. 2. Учга: кичик матн, ўрта матн, йирик матн. Изоҳ.

3. Лингвистик таҳлил билан лисоний таҳлил тушунчалари ўртасида фарқ борми? Жавоб вариантлари: 1. Бор, биринчиси тил фактларига соф лингвистик ҳодиса сифатида ёндошади, иккинчиси тил фактларига нутқий жараёнда қўлланишига кўра ёндошади. 2. Йўқ, ҳар иккиси ҳам бир сўзнинг икки тилдаги кўриниши. Биринчиси Европа тилларидан ўзлашган, иккинчиси араб тилидан ўзлашган.

«Форум» методи

Бу методни ҳам кичик гуруҳлар тарзида амалга ошириш мақсадага мувофиқ. Форум учун аввалдан фаннинг энг мунозарали масалалари бўйича кичик маъруза (5 дақиқа) тайёрланади ва ўқиб эшиттирилади. Маърузада хулоса берилмайди, ечим кўрсатилмайди. Кичик гуруҳлар ўз доираларида масалани муҳокама қилишади ва мунозара натижалари бутун гуруҳга ўқиб эшиттирилади. «Энг долзарб масала», «энг фаол кичик гуруҳ», «энг фаол иштирокчи», «энг оригинал муносабат», «энг янги фикр», «энг равон сўзловчи», «энг таъсирчан нутқ» каби номинациялар бўйича баҳолаб борилади. Баҳолаш талабалар билан биргаликда ўтказилади.

Форум учун тавсия қилинадиган мавзулар: 1. Бадиий асар тилининг ўрганилиш муаммолари. 2. Матн бирликларини аниқлаш муаммолари. 3. Абзац матннинг энг кичик бирлиги бўла оладими? 4. Матн компонентларини боғловчи воситалар қайси жиҳатларига кўра тасниф қилинади? 5. Матн компонентлари ўртасидаги семантик муносабатларни қандай аниқлаш мумкин? кабилар.

«Инференс» методи

«Инференс» инглиз тилида «хулоса» деган маънони билдиради. Ушбу методни ҳар қандай мавзуга қўллаш мумкин. Ўқитувчи мавзунини тушунтириб бўлгач, талабаларга бўш карточка тарқатади. Талаба мавзунини бўйича ўзини тушунган нарсани бўш карточкага ёзади. Карточкага ҳеч қандай исм-шариф ёзилмайди. Ўқитувчи учун бу фикрнинг ким ёзганлиги эмас, мавзунини талабанинг қандай тушунгани ва уни қандай хулосалай олгани муҳим ҳисобланади. Кейинги дарснинг такрорлаш қисмида ўқитувчи талабаларнинг ўтган дарс юзасидан билдирган хулосаларига муносабат билдириб боради.

«Илмий мунозара» методи

Ўтиладиган дарс юзасидан маълум бир муаммони ўқитувчи талабалар эътиборига ҳавола қилади. Ва бу масала юзасидан шу кунгача айтилган фикрлар мутлақ тўғри хулосалар эмаслигини, бирёқлама эканлигини, масала ҳалигача тўлиқ очилмаганлигини айтиб ўтади. Музокара

учун вақт ва музокарада иштирок этувчилар учун регламент белгиланади. Фикрлар хилма-хиллигига эътибор берилади. Бунда танланган масалага турли томондан ёндашиш мумкинлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Бадиий матннинг лисоний таҳлили фанида илмий мунозара асар тили бўйича журнал ва илмий тўпламларда берилган мақолалар бўйича ўтказилади. Бу метод талабаларнинг илмий мушоҳада малакасини оширишга хизмат қилади.

«Workshop» методи

Бу метод бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида кенг қўлланиб келинаётган методларидан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, Россия, Америка, Хитой, Туркия ва Исроил давлат университетларида синалган ва юқори баҳоланган метод ҳисобланади.

Бу методда ҳам талабанинг эркинлиги, ҳар қандай қуйма-қотма фикрлардан ҳоли бўлиши, шахсий фикрини тортинмай айтиши инобатга олинади.

Workshop методини қўллашда олдин ишчи гуруҳ ташкил қилинади. Ишчи гуруҳ 4 ёки 5 талабадан иборат бўлади. Улар дарсда ўтилган мавзу бўйича талабаларнинг ўзлаштиришини кузатадилар ва уларнинг муносабатини ўрганадилар. Ишчи гуруҳ ўзига бириктирилган талабалар фикрини умумлаштиради ва муҳокамага олиб чиқади.

«Лингвопоэтист» методи

Бу метод икки этапдан иборат. **Биринчи** этапда талабаларга бадиий асардан маълум бир парча ифодали ўқиб эшиттирилади. Асар муаллифи ва асар номи ҳақида маълумот берилмайди. Имкон қадар нотаниш ёзувчиларнинг асарларидан парча олинса талабаларда субъектив тўсиқлар кам бўлади. Матндаги асосий фикрни аниқлаш ва унга муносабат билдириш талаб қилинади. «Агар сиз ушбу фикрни айтмоқчи бўлсангиз уни қандай ифодалаган бўлардингиз?» мазмунидаги савол ўртага ташланади. Ҳар бир талаба ўз ифода тарзини ёзма тарзда билдиради ва ўқиб эшиттиради. Муҳокама асосида энг яхши ифода аниқланади, таҳлил қилинади.

Иккинчи этапда эса фикр ўқитувчи томонидан айтилади ва шу асосда матн яратиш талаб қилинади. Фикр бир сўздан иборат бўлиши ҳам, сўз бирикмаси ёки гап шаклида бўлиши ҳам мумкин. Асосий эътибор талаба онгида берилган сўз ёки гап қандай тасаввурни уйғотгани ва унинг қандай ифодаланганлиги ҳисобланади. Масалан: **ёмғир** сўзи берилди. «Шу сўз сизга нимани хотирлатади?» мазмунидаги саволлар билан талабага кўмак бериш мумкин. Матн тузиш учун маълум вақт белгилаб олинади. Ўқиб эшиттирилган матнлар ичида энг яхшилари аниқланади.

«Эпистол» методи

Бунинг учун бирор бир машҳур ёзувчининг ҳикояси олинади ва талабаларга ўқиб эшиттирилади. Ҳикоя ҳақидаги муносабатини талаба ёзувчига мактуб шаклида ёзиши керак. Бидамизки, ўз яқинларига, ёру биродарларига мактуб ёзаётган одам нисбатан эркин бўлади. Дилидагини, ўйлаганларини иккиланмай ёза олади. Юзма-юз туриб айтолмаган гапларинини бемалол айтиш имконига эга бўлади.

Мактубда талабалар асарнинг муваффақияти, камчилиги, қаҳрамонлар нутқи ва қиёфаси, лисоний хусусиятлари каби жиҳатлар ҳақида ўз муносабатларини билдиришлари зарур. Ҳар бир мактуб ўқитувчи томонидан эътибор билан ўқиб унга шахсий фикр жавоб тарзида ёзилади.

Бу метод талабанинг ёзма нутқини шакллантиришга ёрдам бериш билан бирга ўй-кечинмаларини тартибли ифодалаш, ўз фикрини мустақил билдириш малакасини ривожлантиради.



ИФОДА ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АЙРИМ СИНТАКТИК ВОСИТАЛАР

АЛЛЕОТЕТА. Бир грамматик шаклнинг бошқа грамматик шакл ифодаси учун қўлланилишига аллеотета дейилади. Масалан: *Неча маҳал деманг – обу овқат тайёр.* (Э.Аъзам). Бу гапда *демоқ* феълнинг бўлиши, II шахс, кўplik шакли (*десангиз*) ўрнига оғзаки нутқда учраб турадиган бўлишсиз шакл (*деманг*) танланган. Аллеотетик ифодага энг яхши мисолни А.Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясида кузатишимиз мумкин. Амин нутқидаги сўроқ гап ўрнига буйруқ гап ёки буйруқ ифодаси учун мажҳул нисбат, II шахс ўрнига III шахс шаклининг қўлланилиши аллеотетага мисол бўлади: - *Ўзи қайтиб келмасмикин?.. Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб кўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин! (...)* – *Суюнчиси нима бўлади? Суюнчидан чашна олиб келинмадими? (...)* – *Ҳа, ҳўкизни уйларига элтиб берилсинми?! Ахир, борилсин, арз килинсин-да! Фуқаронинг арзга бориши арбобнинг иззати бўлади!*

Бу суҳбатнинг қаерда ва қандай одамлар ўртасида бўлиб ўтаётганига эътибор берилса аллеотетик ифоданинг мақсади равшанлашади. Савол берувчининг воқеликка арзимас нарсага қараётгандек бепарво муносабати, феъл-атворидаги кибр ва манманлик танланган морфологик шакллар орқали беҳад аниқ ифодаланган. Айни морфологик шакллар амин нутқидаги пичинг, кесатиқ ва масҳара оҳангининг юқори даражада эканлигини ҳам намоён қилган.

Кўplik кўшимчаси номи билан юритилувчи *-лар* аффиксининг кесатиқ, ҳурмат каби маъноларни ифодаташи учун қўлланилиши ҳам аллеотета ҳисобланади.

-Хў-ўш, – дея терговни бошладим, – ишлайдиларми, ўқийдиларми? (Э.Аъзам)

Кўлимдаги сувни аллақачон ичиб бўлган эдим, аммо Жавлибойга бир найза суқмай бу ердан кетолмаслигимни сездим.

-Жавлибой, – дедим, – бу, қачон энди аспирант бўладилар? (Э.Аъзам)

АЛЛЮЗИЯ. Кўпчиликка маълум бўлган асарлардан олинган ибораларнинг қаҳрамонлар нутқида муайян мақсад билан қўлланиши. Масалан: *Бировга яқинлашай, биров билан дўстлашай дейман, аммо тарки одат – амри маҳол, беихтиёр яна сеvimли «кўзгум»ни ишлатиб юбораману икки кунда мендан безадилар –қоладилар. Шунда шоир Вознесенскийга қўшилиб: «О тангерим, ўзимга ўхшаган тагин бир одамни яратгин», деб муножот қиламан.* (Э.Аъзам.)

Эркин Аъзамнинг «Отойининг туғилган йили» деб аталган қиссасидаги ўта қайсар, қизиққон талаба Асқар Шодибековнинг ички нутқида келтирилган ушбу аллюзия унинг руҳиятига ниҳоятда мос тушган. Мазкур аллюзиядан кўриниб турибдики, қаҳрамон учун тўқис, идеал инсон йўқ. У ҳаммадан бир айб топади, шубҳаланади. Шу боис ўзи истаса ҳам ҳеч ким билан узоқ дўстланишиб, суҳбатлаша олмайди. У заҳар-заққум гаплари, кесатиқлари билан атрофидагиларни тез бездириб қўяди. Шундай пайтларда қаҳрамон ўзига ўхшаган инсоннинг йўқлигидан нолий бошлайди. Унинг бу ҳолатини Вознесенскийдан олинган иқтибос – аллюзия бениҳоя аниқ акс эттирган.

Мутахассислар аллюзия ҳақида гапирар эканлар, унинг китобхон учун аввалдан маълум бўлиши лозимлигини таъкидлашади. Агар келтирилган аллюзия китобхон учун нотаниш бўлса, кутилган эффеkтга эришилмаслиги мумкин. Шу билан бирга, айтилмоқчи бўлган фикр ўз таъсир кучини йўқотиши мумкин. Аслида, маълум бир аллюзияни матнга олиб киришдан мақсад, ифоданинг таъсирчанлигини таъминлаш бўлади. «Муаллиф ўз асарида аллюзани қўллаганда уни китобхонга таниш деб билади ва унга изоҳ бермайди» (2/87)

АМФИБОЛИЯ. Икки хил талқин этиш, икки маънода тушуниш мумкин бўладиган гап. *Бу //аҳмоқ одам эмас. Бу аҳмоқ // одам эмас. Маймун етаклаган одам.*(1.Маймунни етаклаган одам. 2.Одамни етаклаган маймун.)

АНАДИПЛОЗИС. Бир гап охиридаги сўз ёки сўз бирикмасининг иккинчи гап бошида такроран қўлла-

ниши. Шарқ адабиётшунослигида радд-ул-аруз ил-ал ибтидо деб аталган. Шеърый матнда алоҳида эстетик вазифа бажаради. Биринчи мисранинг охирида келган сўз иккинчи мисранинг бошида такрорланади ва ўзига хос оҳангдорликни юзага келтиради.

Ер ўз ўқидан айрилар, инон.

Инон, осмонидан айрилар қуёш,

Агар биз айрилсак.

Насрий асарда ҳам анадиплозисни истаганча кузатишимиз мумкин. Масалан: *Тўртинчи кун дарсга чиқиб, тушдан кейин француз тилидан синов бўлишини эшитдим. Эшитдимۇ кайфиятим бузилди: «Ана энди Дилора Жўраевна мендан ўчини олади.»* (Э.Аъзам) *Санаб бўлиб чўнтагига жойлагач, бошини кўтариб, нарироқда ёғоч тўсиққа суянганча ҳиринглашиб турган атлас кўйлакли икки қизга кўзи тушди. Кўзи тушдию япалоқ бети сув очган ҳамирдек ёйилиб, улар билан қуюқ саломлашди.*

АНАНТАПОДАТОН. Нутқ жараёнида гап мазмуни (йўналиши)нинг турли сабабларга кўра тезкор тарзда ўзгартирилишига анантаподатон дейилади. Бундай ўзгариш натижасида фикр ифодасида изчиллик бузилади, нутқда мазмуний парокандалик юзага келади. Лекин бу ҳолат воқеалар ривожини тезлаштиришга ҳамда диалогда кескинликни юзага келтиришга хизмат қилади. Шунга кўра буни муаллифнинг диалогни шакллантириш стратегияси сифатида баҳолаш мумкин. Бадиий асарда нутқ вазиятининг кескинлиги ва мавзунинг бу тарзда ўзгарувчанлиги аниқ бир мақсадга буйсундирилган бўлади.

Ниҳоят, қўнғироқ чалиниб, йўлак ғала-ғовурга тўлди. Эшикдан чиқиб, у ёқ-бу ёққа аланглаган Акбарова мени кўрдию чопқиллаб олдимга келди.

-Нега унақа қилдингиз? - деди ҳансираб. — Домламинг...

-Домлангизни кўйинг! — дедим зарда билан. — Дўгонангиздан гапиринг!

-Нимасини гапирай? — деди ялтираган бечора Акбарова оғир аҳволда қолгандек жонсарақланиб. Такдир экан... Хафа бўлманг, яхши қизлар кўп...

- Таъзияга мўхтож эмасман! Айтинг, ким экан у валлажат? (Э.Аъзам)

АНАЛОГИЯ. (юн.analogia – мувофиқлик, мослик, ўхшашлик) Тилшуносликда тил унсурларининг (сўз ясалиши, шакл ясалиши) ўзаро қандайдир муносабат таъсирида ўхшашлик касб этишига нисбатан аналогия дейилади. Бадиий матнда эса халқ тилида мавжуд бўлган мақол ва матал қолипида ясалган янги, индивидуал паремаларнинг қўлланилишига нисбатан айтилади. Мисол: - *Ахир биттаси оппоқ сочи билан менга тегишди-да! Сочинг оқарса ҳам тиниб ўлмас экансан-да, деса, сочим оқ бўлса ҳам кўнглим қора, дейди.* (А.Қаҳҳор. Майиз емаган хотин.) Бу мисолдаги *сочим оқ бўлса ҳам кўнглим қора* ибораси тилимизда кўп қўлланиладиган *ўзим қора бўлсам ҳам кўнглим оқ* иборасига аналогия йўли билан ҳосил қилинган. Бу ибора ҳикоя қаҳрамони Мулла Норқўзининг лисоний лаёқатини, маънавий дунёсини бениҳоя кинояли тарзда тасвирланишига хизмат қилган.

Тилимизда «қолганини ўзинг биласан», «йўлингдан қолма» маъносида қўлланувчи «катта кўча» бирикмаси бор, асосан, ибора таркибида келиб, мулоқот-мунозарани яқунлаш мазмунини билдиради: *Олсанг ол бўлмаса катта кўча!* Машҳур қизиқчи Абдулла Акбаров ҳажвияларидан бирида мазкур бирикмага аналогия йўли билан ҳосил қилинган «катта кимсасиз орол» бирикмасини қўллайди. Ҳажвия қаҳрамонлари – икки дўст кимсасиз оролга тушиб қолишади. Икковининг ҳам қўлида биттадан чемодан: Мамарайимнинг чемоданида тўла пул, Абдирайимникида эса озиқ-овқат эмиш. Абдирайим Мамарайимга нарсаларини қиммат нархда сота бошлайди. Мамрайим бунга эътироз билдирса, Абдурайим унга жавобан дейди: *-Бозорда, можбит бериши мумкин. Аммо бу ер кимсасиз орол бўлса, қачон қутқариб олишлари гумон, очликдан ўлиб кетишинг ҳам мумкин. Олсанг шў, олмасанг катта кимсасиз орол!*

Бадиий асарларда аналогия йўли билан ҳосил қилинган бирликлар истаганча топилади. Масалан, *оёғи куйган товўқдек* бирикмаси бир жойда хотиржам, тинч

туролмай қолиш ҳолатига нисбатан ишлатилади. Назар Эшонкул айни қолипдан фойдаланиб *оёғи куйган чумчуқдек* ўхшатиш конструкциясини ясайди, тўғрироғи, мавжуд қурилма таркибидаги бир сўзни алмаштиради. Бу эса ёзувчига севганидан айрилган қаҳрамонининг ҳеч қаерга сиғмай қолганлиги, бирор жойда муқим тура олмаслиги, қўнимсизлиги, дарбадарлиги қўйинги, бор ҳаловатидан айрилиши ҳолатини нисбатан аниқроқ тасвирлаш имкониятини яратган: *Мен Ҳосиладан айрилган кундан бери оёғи куйган чумчуқдек шохма-шоҳ учиб – қўниб юрибман. Кўнглим зардобланиб – зардобланиб, охири қуртлаб кетди.* (Н.Эшонкул)

АННОМИНАЦИЯ. Контакт такрор кўринишларидан бири. Ўзакдош сўзларнинг кетма-кет такрорланишидан ҳосил бўладиган услубий фигура ҳисобланади. Поэтик нутқда, халқ оғзаки ижодида ва кундалик оғзаки нутқда кўп қўлланилади. Бадий асарда қаҳрамонлар нутқининг жонли чиқишини таъминлаш мақсадида ишлатилади. Айниқса диалогик нутққа ўзига хос таъсирчанлик бағишлайди: *–Бундан бу ёғига бирор ишқал чиқса, ўзингиздан кўрасиз, жўра, – деди Раҳматилла лоқайдгина.*

- *Кўрсак кўраверамиз-да!* (Э.Аъзам)

- Сенмидинг? – деди енгимдан тортиб. – Мана бу ёққа ўтайлик.

Ён-веримда қараб турган қизларга изза бўлгим келмай, ўзимнинг ҳам жўжахўрозлигим тутиб:

- *Ўтсак ўтдик.* - *дея унга эргашидим.* (Э.Аъзам)

Бироқ, учинчи йили андишасизликни ҳаддан ошириб юбордим. Оширишга оширдим-у, кейин ўқиндим – бу галгиси хийла қимматга тушган эди. (Э.Аъзам)

АНТАПОДОЗИС. Бадий матнда айрим сўз ва тушунчаларга изоҳ берилиши, изоҳ ва шарҳлаш асосида ҳосил қилинган ёйиқ метафора ёки рамзий ифодага нисбатан антаподозис дейилади. Масалан: - *Архитекторман. Келаси йил битираман. Пианино*

чалишимни айтяпсиз-да, шундайми? Музыка мактабида ўқиганман. Эшитгандирсиз, архитектура – тошдаги музика, деган гап бор..(Э.Аъзам) Ким эшитибди буни – Аҳмадхоновми ёки сенми, Бўстон?! Ахир Машраб – ажойиб исёнкор шоир, ўтли ғазаллар муаллифи, оғир қисматга маҳкум этилган бахтиқаро инсон. (Э.Аъзам). . –Энди-и, дўстим, ижод – мураккаб жараён. Биласизми... (Э.Аъзам).

АНТИТЕЗА (antithesis – қарама-қарши қўйиш, зидлаш) деб мантиқий жиҳатдан қиёсланувчи фикр, тушунча, сезги ва тимсолларни қарама-қарши қўйиш, зидлаш ҳодисасига айтилади. Воқеа-ҳодисалар моҳиятидаги зиддиятни очиш учун асосан, бадий нутқда зид маъноли қўшимчалар, зидловчи боғловчилар, сўз ва иборалардан фойдаланилади. «Зидлашда воқеа, ҳодиса, белгиларни ўзаро зид қўйиб шулардан бирининг белгиси алоҳида таъкидланади. Зидлаш ҳодисаси ҳам икки компонентдан иборат бўлади ва кейинги компонентдан англашилган мазмун таъкидланади. Демак, зидлашда икки қисм мавжуд: зидловчи қисм ва зидлаш асосида таъкидланувчи қисм.» Зидлаш асосан боғланган ва боғловчисиз қўшма гап шаклларида кузатилади. Бадий матнни лисоний жиҳатдан таҳлил қилишда зидлантиришдан ёзувчининг кўзда тутган мақсади нима эканлигини аниқлаш талаб қилинади. Ёзувчининг маҳорати зидлантирилаётган воқеликлар учун танланган ифода материалида янада аниқ кўринади. Масалан: *Нонингни йўқотсанг йўқот, номингни йўқотма!* (Ў.Ҳошимов) Бу мисолда бир-бирига алоқаси бўлмаган иккита тушунча - нон ва ном зидлантириляпти. Нега? Ёзувчи нима учун бу икки тушунчани қарама-қарши қўйяпти? Аслида нон – ҳаётнинг, тирикликнинг ажралмас бўлаги. Бир парча нон топиб ейиш учун одамзод меҳнат қилади, тер тўқади. Аммо ҳаётда ўша бир парча нонни топаман деб ўз номига, шаънига доғ тушираётганлар ҳам учраб туради. Нон зарур, лекин ном ундан ҳам муҳим эканлиги мазкур мисолда таъкидланмоқда. Ҳақиқатан ҳам нонини йўқотган уни қайтиб топини мумкин,

лекин ўз номига, шаънига дог туширса-чи? Уни қайтиб тиклаб бўлмайди. Бу мисолдаги «нон»ни «ҳаёт учун керак бўлган ҳамма нарса, мол-дунё» маъносида ҳам тушуниш мумкин. Ёки: *Нодонлар даврасида кар бўл. Донолар даврасида соқов бўл...* (Ў.Ҳошимов) Бу мисолда антитезанинг ифода материали сифатида нодон – доно, кар – соқов бирликлари келтирилган. *Болаликда дунё кенгу кийим тор. Кексайганда кийим кенгу дунё тор...* (Ў.Ҳошимов) Зидланишни юзага келтираётган бирликлар (болалик – кексалик, кенг – тор, кенг дунё – тор дунё, тор кийим – кенг кийим) хиазматик конструкция шаклида келиб контрастликни янада бўрттириб ифодалашга хизмат қилган.

БЛИЦ-ПОРТРЕТ – публицистикада мақола қаҳрамони ҳақидаги қисқа, энг муҳим маълумотлар блиц-портрет дейилади. Бадиий нутқда эса у ёки бу қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси, ички дунёси, аҳволи-руҳияси, қизиқишлари, касби ва мавқеи билан алоқадор маълумотлар мажмуига нисбатан ишлатилади. Масалан:

Мастон кулди.

- *Калтакесак тушган овқат еганмисан?*

- *Йўқ, эшитганман. Аммамнинг қизи Абдураззоқ дўппи-фурушга тушган эди... Бунга ўн йилча бўлди. Дўппифуруш элликка бориб қолган одам. Қиз – ғунчадаккина. У вақтда ҳамма ихтиёр ота-онада эди-да... Ҳеч иложини қилолмагандан кейин «пес бўлсам қўйиб юборади» деб атайлаб овқатига калтакесак солиб еган экан. Калтакесак еса одам пес бўлади деб эшитган экан... (А.Қаҳҳор. Мастон.)*

Мулла Норқўзи ҳар куни бозордан қайтиб самоварга чиқади ва кўнгли тортган одамларни атрофига тўплаб, ярим кечагача шариятдан юз ўгирган хотинлар тўғрисида шундай вайсаб ўтиради, баъзан панжасини ёзиб, ўзи билган оилаларни санаб чиқади:

- *Сотиболдининг хотини дорихонада ишлайди, ҳар куни мингта одам билан жавоб-муомала қилади (...)* *Мелиқўзининг хотини автобусда кондуктор, баъзан ярим кечада келади. (...) Иззатилланинг синглиси бўлса*

артист — халойиққа қараб муқом қилади. Норбўтанинг қизи докторликка ўқийди, мингта ойнаси бор десангчи! (А.Қаҳҳор. Майиз емаган хотин.)

ГРАДАЦИЯ (лот. gradatio — зинапоя, босқичма босқич кучайтириш) Нутқ бирликларидан бири иккинчисининг маъносини кучайтириб боришидан иборат услубий жараён. Бадиий адабиётда ҳолатларни, туйғу ва кечинмаларни қиёслашда, ҳис-ҳаяжонлар жунбушини тўлиқ ифодалашда градация усулидан фойдаланилади. Адабиётларда градация хусусиятларига кўра турлича тасниф қилинади: моҳиятига кўра: **кўтарилувчи градация** (климанс) ва **пасаювчи градация** (антиклиманс); ифода усулига кўра: **мантиқий**, **эмоционал** ва **миқдорий градация**; ифода материалига кўра: **лексик градация** ва **синтактик градация**.

Мен надоматларни унутганман. Мен мерос довламайман. Мен молпараст ҳам эмасман.

Лекин қани менинг етти маъдандан эритиб қуйилган дарвозам?

Жахоннинг бир мўъжизаси?

Олтин, темир, қурч, қалай, пўлат, мис, қумуш дарвозам?

Бибихоним дарвозаси?

Йўқолган дарвоза...

Ўғирланган дарвоза...

Танга қилиб майдаланган дарвоза... (И.Ғафуров)

Келтирилган мисолда дастлаб шахсий сифатлар босқичма — босқич кучайтириб тасвирланяпти. Кейин, дарвоза билан боғлиқ сифатлар тасвирида пасаювчи градацияни кузатиш мумкин: мўъжизавий дарвоза — олтин дарвоза — темир дарвоза — қурч дарвоза. Ортиви дарвозанинг кимга тааллуқли эканлиги айтилади ва **кўтарилувчи градациядан** фойдаланиб дарвозанинг **гойиб бўлиш сабаби** ошкор қилинади: дарвоза йўқолган — (аслида) ўғирланган — (ва) танга қилиб майдаланган.

Тадқиқотчи С. Қурбонова Ҳамид Олимжон шеърларида қўлланилган градация тадқиқига бағишланган мақоласида шундай фикрни илгари суради: «Адабиёт-

ларда градацияга таъриф берилар экан, уни *бирликлар мазмунининг тобора кўтарилиб бориши* дейилади. Ушбу ҳодиса климанс (кўтарилиш), антиклиманс (пасайиш) турларига бўлинади. Шу ўринда бир оз чалкашлик юзага келгандай, назаримизда. Антиклимансда белгилар тобора пасайиб борар экан, уни кўтарилиш мазмунини берувчи градациянинг таркибига киритиб бўлмайди. Мазмуннинг пасайиб бориш жараёнини унга мос равишда **деградация** деб аташ мақсадга мувофиқдир. Бу сўз лотинчадан *пураш, пасайиш* деган маъноларни билдиради. Масалан, *он (сония), дақиқа, соат, кун, сутка, ҳафта, ой, йил* кетма-кетлиги градацияга, унинг акси эса, яъни *йил, ой, ҳафта, сутка, кун, соат...* деградацияга мисол бўлади.»(19/31) Маълумки, терминлар шартлилик хусусиятига эга бўлади. Ҳамма терминлар ҳам ўзи атаётган ҳодисанинг бутун моҳиятини тўлиқ ифодалайвермайди. Градация термини ҳам ўзи англатаётган ҳодисага нисбатан у қадар мос эмасдек туюлади ва буни тадқиқотчи тўғри пайқаган. Бироқ, у таклиф қилаётган деградация атамаси ҳам айна ҳодисага нисбатан мувофиқ эмас. Чунки, *де-* олд қўшимчаси лотинчадан ўзлашган сўзлар таркибида «олиш», «ажратиш», «айириш» деган маъноларда қўлланилади. Масалан: десемантизация — *маъносизлантириш*; деэтимологизация — *этимологик боғланишнинг йўқолиши* каби. Шунга кўра, деградация атамаси *градациянинг йўққа чиқарилиши, градациясизлик ҳолати* каби маъноларни юзага келтириши шубҳадан ҳоли эмас. Аслида, белгининг поғонали тарзда пасайиб бориши бизга «маъно пасайиши» сифатида кўрингани билан натижа эътибори билан экспрессияга хизмат қилади. Экспрессия нутқнинг таъсирчанлик ҳолати бўлиб, оддий нутққа нисбатан ифода таъсирчанлигини таъминловчи воситалар билан тўйинтирилган, бойитилган, демакки, кучайтирилган нутқдир. Шу маънода антиклиманс ҳодисасининг градация таркибида ўрганилиши гоаят мантиқлидир. Масалан: *Китобдаги оҳанг аста-секин ойлар, ҳафталар, кунлар, дақиқаларимни истило қилиб, ҳар лаҳза, ҳар сония жисму-жонимни қатлкор қадамлари остига олар, сўнг чекиб бўлинган тамаки каби яхшилаб,*

эзгилаб ўтар, бу ҳолат деярли ҳар кун такрорланарди. (Н.Эшонқул) Бу мисолдаги вақтни ифодаловчи бирликлар (*ойлар – ҳафталар – кунлар – дақиқалар – лаҳза – сония*) кетма-кетлиги пасаяувчи градацияни (антиклиманс), бошқа ажратиб кўрсатилган бирликлар эса (*жисм – жон, қадамлари остига олмоқ – яхшилаб, эзгилаб ўтмоқ*) кўтариловчи градацияни (климанс) ташкил этади. Ёзувчи *оҳанг аста-секин бутун вақтимни истило қилди* демоқчи, лекин у фикрини бундай ифодаламайди. *Оҳанг* сўзидаги талаффуз тарзи билан боғлиқ ўзига хос осудалик, оҳисталикни ҳис қилган адиб вақт қамровига кирувчи узвларни атайин бирма-бир санайди. Бу билан истило жараёнининг секин-асга, оҳисталик билан амалга ошганлигига эътиборимизни тортади. Табиийки, *аста-секин* сўзи ҳам мазкур ниятни таъкиллашга хизмат қилган. Келтирилган парчада жисм ва жон жуфтлигидан иборат градация ҳам мавжуд. Бунда кўтариловчи градацияга хос белгини кузатишимиз мумкин. Яъни, аввал жисм, кейин жон: жисмга нисбатан жон иккиламчи ҳодиса. Яратилиш эътибори билан (жисм пайдо бўлгандан сўнг жон ато этилиши) даражаланганда ҳам жисм биринчи, иккинчи босқичда жон келади. Демак, бу жуфтликни кўтариловчи градация (климанс)га киритиш маъниқан асосли бўлади. Айни парчадаги *қадамлари остига олмоқ – яхшилаб, эзгилаб ўтмоқ* мисолида ҳам ифоданинг босқичма-босқич кучайиб боришини кузатишимиз мумкин. *Қадамлари остига олмоқ* феълида *босиш, оёқлари остига олиш* ҳаракатининг бажарилганлиги ҳақидаги информация ифодаланган. *Эзгилаб ўтмоқ* феълида, айниқса, *яхшилаб* кучайтиргичи билан келганда *босишнинг кучли шакли, атайин, бир неча бор, давомли тарзда, майдалаб ташлаш, майдалангунга қадар* каби маъно қирралари ҳам ифодаланган. Демак, *қадамлари остига олмоқ* ва *эзгилаб ўтмоқ* феъллари биргаликда градациянинг икки учи ҳисобланади.

ГРОТЕСК. Муболага йўли билан комик эффект яратишнинг яна бир усули гротеск деб аталади. «Гротеск французча сўз бўлиб, кулгили, гайри табиий деган

маъноларни билдиради. Гротеск сатирада ҳақиқий ҳолни фантазия билан қўшиб ваҳимали ҳамда кулгили тарзда бўрттириб тасвирлашдир. Гротеск ҳақиқатни инкор этмайди, балки ҳақиқатни ҳақиқатсимон ғайри табиий шаклларда яна-да таъсирлироқ ифодалаш санъатидир». Абдулла Қаҳҳорнинг кўпгина фелетонларида турмушда учраб турадиган салбий ҳолатлар, ижтимоий ва маънавий иллатлар гротеск усулида ошкор қилинади. Адибнинг «Билдириш» деб номланган фелетонида ўзини дуохон ва табиб деб атаб одамларни лақиллатишни касб қилиб олган “Чўлоқ домла” ҳақида сўз боради. У қабул қиладиган касаллар ҳам, тавсия қиладиган дори-дармон ҳам, иш тарзи ҳам ғайри табиий тарзда ифодаланади: *Қабул қиладиган касаллар: Киндигига бод тўхтаган, кўкраги шишган, туғмайдиган хотинлар, ишқ дардига мубтало бўлган лайлилар, мажнунлар, парилар, юк ташлаган келинлар. Айниқса, хазонрезги, тошқизиғи вақтида қайталанадиган жинни ҳамда арвоҳ урганлар ва бошқалар... Дорилардан намуналар: Кўзқориннинг барги, ҳавонинг ёғи сўнгра мўрининг қуруми, чилимнинг суви, араванинг ғиж-ғижси ва бундан бўлак турли-туман атторнинг қутисида йўқ дори-дармонлар.*

Жинниларни тузатиш борасидаги икки сўнгни тажрибамиз Қўқоннинг Миртоҳир маҳалласидаги донгли бир жинни устида бўлади. Ташреҳ учун саккизта белкурак, еттига кетмон буюрилади. Дори учун энг муносиб Ҳамроқулов қорининг ашула айтганда чиқарган тери лозим кўрилади.

ДИАФОРМА. Такрорнинг бир кўриниши ҳисобланади. Матндаги бирор сўзнинг бошқа бир маънони юзага чиқариш мақсадида такрорланишига диаформа дейилади. Бунда қўлланилган сўзлар бирига қарама-қарши бўлмаслиги лозим. Қуйидаги парчада остига чизилган юлдуз сўзи икки маънода ишлатилган. Биринчиси ёр маъносида, иккинчиси эса самовий жисм – ўз маъносида қўлланилган.

Юлдузлар бунча ҳам беҳисоб

Юр, юлдузим, юлдўз санаймиз.

Юр, шу ёниқ ўтларга қараб

Жўнаймиз, истасанг, жўнаймиз. (Р.Парфи)

М.Кўшжонов ўзининг бир мақоласига қуйидагича сарлавҳа қўйган: «Ўткан кунлар» бошидан ўтган кунлар. Бунда ўтган кунлар бирикмасининг бир жумланинг ўзида бошқа - бошқа маъноларда такрорланиши натижасида диформа ҳосил бўлган.

ИНВЕРСИЯ деб гап бўлақларининг ўрин алмашилиши, ёки гап бўлақлари жойлашиш тартибининг маълум бир мақсад билан ўзгариши ҳодисасига айтилади. Инверсия оғзаки нутққа хос хусусият. Бадиий матнда қаҳрамонлар нутқини жонли нутққа яқинлаштиришда, уларнинг тилини индивидуаллаш- тиришда мазкур усулдан фойдаланилади: *Болангни олиб кетсанг-чи! Кўрмаётинсанми, бу ерда одамлар ишлаб ўтирипти!* (А.Қаҳҳор) – *Ташла у тошни! – деб дўқ қилиб қолди онам. Кўчанинг ўртасидан ҳайдатиб кетдим аравани. – Биласизми, нимага эргашдим сизга? – деб қолса бўладими шунда.* (Ш.Холмирзаев)

Шеърятда эса ифодалиликни, оҳангдорликни ва таъсирчанликни таъминловчи муҳим услубий восита сифатида кўп ишлатилади: *Бозорга ўхшайди асли бу дунё,*

Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.

Иккиси ичра ҳам кўрмадим *асло,*

Молим ёмон деган бирор кимсани. (А.Орипов)

Мутахассислар инверсияни икки турга ажратишади: Поэтик инверсия ва композицион инверсия. «Гарчи битта термин билан «инверсия» билан аталса-да, композицион инверсия билан поэтик инверсия бир-биридан фарқ қилади.

1. Поэтик инверсия – поэтик синтаксисга дахлдор бўлиб, у шеърда сўзларнинг одатдаги тўғри грамматик тартибда эмас, балки шеър тузилиши талабларига мос тарзда ўрин алмашинуви туфайли юзага келади. У фақат шеърда эмас, насрнинг айрим турларида ҳам (хусусан, ўз тузилишига кўра, шеъринг шаклга яқин бўлган турларида, масалан, наср билан назм ўртасидаги оралиқ шаклларда, сажъда) учрайди.

2. **Композицион инверсия** эса баён тарзи билан боғлиқ ходиса бўлиб, бунда муаллиф баёндаги изчилликни атайлаб бузади ва баён занжиридаги муҳим бир ҳалқани ташлаб кетади. Натижада, сюжет воқеаларининг рўй бериш вақти билан боғлиқ кетма-кетликда ўрин алмашинув содир бўлади, ана шу ташлаб кетилган нуқтада юз берган воқеа ўқувчи учун ҳам, қаҳрамонлар учун ҳам сир бўлиб қолади. Кейинги воқеалар ана шу сир билан боғлиқ равишда ривожланади. Мазкур усул замонавий адабиётда, ҳикоя ва қиссаларда кўп қўлланилади, хусусан детектив жанрида ижод қилувчи алибларнинг севимли усули ҳисобланади. Шунини қайд этиб ўтиш зарурки, айрим тадқиқотчилар ушбу усулни прозаик инверсия деб ҳам атаганлар.

Бир гал университетдаги қайсидир эътиборли шахс ҳақида кескинроқ фикр билдирганимда, «Гапларингиз умуман тўғри. Асқаржон, лекин хафа бўлманг-у, сизда андак анцишасизлик бор», деб, подшо ва доно вазир тўғрисида нақл қилувчи машҳур ривоятни айтиб берган эди.

Подшо бир кеча алоқ-чалоқ туш кўриб, эргаси аёнларидан таъбир сўрабди. Аёнлари тушни таъбирлаб: «Барча қариндош-уруғингиз қирилиб, дунёда ёлғиз ўзингиз қоларкансиз», дейишибди. Подшо уларни ўлимга буюрибди. Шунда доно бир вазири бу машғум тушни шарҳлаб: «Шоҳим, сиз ҳамма қариндош-уруғингиздан узоқроқ умр кўраркансиз», - дебди. Хурсанд бўлиб кетган подшо унга бош-оёқ сарпо тўхфа қилган экан.

Бунини эшитиб, мен дарҳол тесқари мазмундаги бир ривоятни айтиб берган эдим. Убайдулаев елка қисди ва: «Келинг, яна биттадан чекайлик», деди...

Асқар айтган ривоят қиссанинг охиригача сир сақланади.

Қадимда ўтган бир подшо ҳар кеча бир хил туш кўрар экан. Ҳар кеча тушида қуёш юзини қора парда тўсиб, оламни зулумот босар экан. Бир гал шундай туш кўриб алаҳлай-алаҳлай уйғониб кетса, ғойибдан: «Эй, осий банда! Кунинг битиди — эртага қуёш тугилади, салтанатинг ер билан яксон бўлади. Наҳот йўлини ёлғиз Озодбош деган оғулдурвоқи дарवेश билади», деган ваҳий келибди. Дарҳақиқат, эртаси қуёш тугишиб, дунёни қоронғилик

ютибди. Ваҳимага тушган халойиқ тому тошга чиқиб, қўлга илинган нарсани тарақлатганча худога илтижо қила бошлабди. Подшо чора истаб вазиру вузаро, фозилу фузалоларни йиғибди. Улар: «Шаҳаншоҳим, барчаси бекор, ана, қаранг — қуёш чарақлаб турибди!» дея жсон сақлашибди. Шундан кейин подшо кимки «Қуёш тутилди», деса, бошини танидан жудо қилишга фармоч берибди. Буни эшитган халойиқ тому тошдан тушиб: «Қуёш чарақлаб турибди, қуёш чарақлаб турибди!» дея қўл қовуштира бошлабди. Аммо, барибир, қуёш юз кўрсатмабди, мамлакатни зулмат қоплаб тураверибди. Подшо не қиларига боши қотганида ҳузурига жулдур кийимли бир дарвеш келиб, ўзини Озодбош деб таништирибди ва: «Эй шоҳ, сенинг фуқарога ўтказган зулминдан ғазаблангани, уялгани учун қуёш юзига парда тортди. Токи, салтанатингда зулм ҳукм сурад экан токи мамлакатдан макру риё, хушодаду ёлгон аримас экан, қуёшни кўрмайсан, тоабад игнанинг учидек нурга зор ўтасан. Тезроқ кўзингни оч, йўқса, салтанатинг яқсон бўлади», дебди. Подшо дарवेशга ҳаёт вағда қилиб сузидан қайтишни сурабди. Бироқ дарвеш: «Ёлгон билан жсон сақлаб юргандан — рост айтиб, ҳур ўлган яхши», деб жавоб қайтарибди. Ғазабланган подшо уни қатлга буюрибди. Эртаси ҳузурига Каъбадан қайтаётган етти зиёратчи келиб, саҳрода бошдан-оёқ оппоқ кафан ёпинган бир одам: «Қуёшнинг юзи қора! Қуёшнинг юзи қора!» дея хайқирганча машиққа қараб кетаётганини айтибди. Буни эшитган подшо: «Эвоҳ, барибир салтанатни дарвеш айтган иллатлардан халос этолмасман. Бас, гўристондек саройда кўршапалак бўлгандан ҳур дарवेशу девона бўлиб бош олиб жунаганим афзал», дея тожу тахтини тарк этиб, жулдур либосда саҳрога чиқиб кетган экан... (Э.Аъзам)

КИНОЯ деб «тил бирлигини унинг ҳақиқий маъносига қарама-қарши маънода, кесатиқ, қочирим, пичинг билан ишлатишдан иборат кўчим»га айтилади. Киноя қадимдан адабиётимизда таъсирчан ифодалар яратишда қўлланилиб келинган. Европа адабиётшунослигида бу ҳодиса «ирония» атамаси остида умумлаштирилади. Унинг антифраза (масҳара, у ёки бу ижобий хусусиятни кулги, калака йўли

билан инкор қилиш) ҳамда сарказм (заҳарханда таъна, истеҳзоли пичинг, шама) деб аталувчи кўринишлари фарқланади. Моҳир сўз устаси, халқимизнинг ардоқли адиби Абдулла Қаҳҳор асарларида киноянинг нодир намуналарини учратиш мумкин. У «Майиз емаган хотин», «Адабиёт муаллими», «Нутқ» каби ҳажвий ҳикоя ва фелъетонларида киноянинг турли кўринишларидан фойдаланган ҳолда бетакрор образлар яратган. Масалан адибнинг «Майиз емаган хотин» ҳикоясидаги ироник бўёқларда тасвирланган Мулла Норқўзи образи ана шундай образлардан ҳисобланади: *«Аёл киши эркакка қўл бериб сўрашдими, бас!.. Рўза тутган киши оғзини чайқаса, сув томоғига кетмаса ҳамки, рўзаси очилади – шу оғиз чайқашдан баҳра олади-да! Абдулҳакимнинг қизига уста Мавлоннинг ўғли бир ҳовуч майиз берганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳаё борми шуларда? Шариат йўли – ҳўп йўл. Ун бир яшарида паранжи ёпинмаган қиздан қўлни ювиб қўлтиққа ура беринг. Паранжи ҳаёнинг нардаси-да!»*

КОРРЕКЦИЯ. Сўзловчи ўзи айтган гапига нутқ жараёнида тегишли ўзгартишларни киритишига, таҳрир қилишига коррекция дейилади. Бундай таҳрир маънони кучайтиришга, нутқ таъсирчанлигини таъминлашга қаратилган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришилади. Коррекция, асосан, оғзаки нутқда кузатилади. Куйидаги мисолда кузатилган коррекция орқали Камолхоновнинг хушомадгўйлиги, лаганбардорлигини аниқ-равшан тасаввур қиламиз:

- Қалай? – деди Сулаймонов трубкани қўйиб, - умрингизда шундай қаймоқ егмисиз?

- Ҳақиқатан... Сизирда бир гап бўлса керак. Мен энг яхши қаймоқни Марғилонда еган эдим, бунинг олдида уки ун аталанган сўт деса бўлади. Хушбўйлигини айтинг..

Сулаймонов қаймоқдан бир қошиқ олиб ичди-да, бирдан афтибзурушди, туфлагани жой излади, туфлади.

- Э, ўлмабсиз, - деди у оғзини артиб, - ахир бу жатик/ку!

Камолхонов бир иргаб тугиди, гангиди:

–Йўғ-е, ростданми? – деди шошиб ва қошиқдаги юкни ялаб узоқ таъмини олди, - хакикатан катикка ўхшайди. (...) - Дарҳақиқат, ачиган қатик, - деди Камолхонов ва яна ялаб кўрди,- йўк, бузилган каймоқдир. Мен хали бетини еган эканман-да. Яхши катикнинг бети каймоқдай бўлаи-ку! (А.Қаҳҳор. Икки ёрти бир бутун.)

Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг «Халқа йўлдан ҳў-ў нарида» деб аталган ҳикоясида қаҳрамон руҳиятидаги сентиментал туйғулар ифодаси учун коррекцияли нутқ шаклидан фойдаланади. Қаҳрамон ўз нутқини давомли коррекция (тахрир) қилиб бориши қайсидир маънода унинг воқеликка энг муносиб баҳони мунтазам қидириши ва уни топишга бўлган чексиз иштиёқини билдиради. 1. Ҳа бир неча кундан бўён, хатто, неча ойлардан бери хаво иссиқ эди, айниқса, шу кунни тун баттарин дим бўлди, кўчага чиқдимۇ совуқ шабада эсаётганини илғадим. (...) 2. Йўл йўдим-чуқур, хатто, тойғончик эди, бир неча бор йиқилаёздим. (...) 3. – Мана!.. Мана!.. Ниҳоят!.. яланглик ёқалаб зич ўсган адлқомат тераклар орасидан ўтдимۇ... оппоқ, паға-паға қор ёғаётганини кўрдим... қор эмас – нур ёғяпти, нур эмас – момиқ ёғяпти...

Юқорида келтирилган биринчи мисолда қаҳрамон аввал ҳавонинг бир неча кундан бери иссиқлигини айтади ва шу заҳотиёқ буни тўғрилашни лозим топади. Ҳавонинг бир неча ойдан бери иссиқ эканлигини таъкидлайди. Иккинчи гапда йўлнинг ўйдим-чуқурлиги айтилади, лекин тойғоқлигини ҳам таъкидлашни истаган қаҳрамон олдин айтган гапини тахрир қилишни лозим топади ва коррекция қилинган қисмда йўлнинг яна бир белгиси ойдинлаштирилади. Учинчи гапда ҳам коррекциянинг ўзига хос кўринишини кузатишимиз мумкин. Бу гапни ўқиб қаҳрамон руҳиятидаги ўта ҳиссийликни тасаввур қилишимиз қийин эмас. Паға-паға ёғаётган оппоқ қорни кўрган қаҳрамон, дастлаб, уни нур деб атайди, кейин эса момиқ деб ўзгартиради. Бу эса ўзига хос тарзда ҳикоянинг давомида тасвирланадиган воқелик учун замин ҳозирлайди. Қаҳрамон парқу тўшак мисол ястаниб ётган қорда чалқанча ётади, думалайди ва ҳоказо. Агар «қор эмас нур» коррекцияси билан чекланилганида бу жумла

қахрамоннинг қорда ётиб юмаланиши ҳақидаги потик тасвир билан уйғунлашмаган бўларди.

КЕСИШ. Мумтоз адабиётимизда кесиш деб аталувчи бир усул бор. Бу усул моҳиятини Абдурауф Фитрат шундай изоҳлайди: «Инсонда баъзи фикрлар, туйғулар бўладиким, уларни билдирмак учун сўзланган сўзлар ҳалигиларнинг таъсирини йўқотмоқдан бошқа бир фойда бера олмайди. Одатда ҳам «мен бу фикримни онглата олмайман, буни онглатмоқ учун сўз етишмайди», деганимизда шундай фикрлар, туйғулардан хабар берамиз. Мана шундай фикрлар, туйғулар тўғрисида ортуқча сўзламакнинг фойдасиз бўлганини сезган шоир бирдан сўзини кесади, ўзини сўйлашдан ожиз қолганин онглатмоқ йўли билан туйғуларининг кучини кўрсатмак истайди. Бунга адабиёт тилида кесиш (қатиъ) дейилади.» Демак, қахрамоннинг ўта ҳиссий ҳолати, ҳаяжони туфайли унинг нутқида юзага келадиган узилишларни кесиш атамаси остида ўрганиш мумкин. Масалан:

Йўқ... йўқ... Тангри ҳаққи учун йўқ!.. Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан! (Фитрат). Зулм занжирлари билан боғланган қўлларинг нечун ҳар ёнга узатиладир, нима тилайсен?.. Оҳ... Билдим... билдим... Англадим! (Фитрат).

Бу мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, қахрамон нутқи ўта эмоционал, пафосли нутқ. Шунинг учун ифодада узилишлар юз берган. Кесишнинг сукутдан фарқи ҳам, аслида, шу билан белгиланади. Яъни туширилган ёки яширилган бўлак ҳақида китобхон ўйланмайди. Зеро бунга эҳтиёж ҳам сезилмайди. Фақат қахрамон руҳиятидаги ўта ҳиссийлик унинг нутқида узилишларни ҳосил қилади ва бу табиий равишда ифодада кўп нуқта орқали акс эттирилади. О.С.Ахманованинг лингвистик терминлар луғатида шу ҳодисага яқин бир синтактик усул ҳақида маълумот бор. Апозиопезис деб аталувчи бу усул инглиз филологиясида aposiopesis ёки stop-short sentence деб юритилади. Бунда қахрамон нутқининг қутилмаганда, қаттиқ кўркув, кучли ҳаяжон ёки қандайдир бошқа сабаблар билан узилиб қолиши назарда тутилади.

ЛОГОГРИФ. Графемаларни услубий қўллашга асосланган тасвирий восита. Рус услубшунослигида логогриф атамаси муштарак ҳарфли сўзлар асосида ҳосил қилинган янги маъноли сўзга нисбатан ишлатилади. Масалан, қуйидаги сўзлар ўзидан олдинги сўзнинг бошланғич ҳарфи туширилиши натижасида ҳосил бўлгандек тасаввур уйғотади: *оклад, клад, лад, ад*. Аслида бу сўзлар этимологиясига кўра ҳам, маъно англатиши жиҳатидан ҳам бутунлай фарқли сўзлардир. Улар фақат ҳарфий муштараклигига кўра танлаб олинган. Ўзбек тилида ҳам бундай сўзларни топиш мумкин. Масалан: *абад, бад; асира, сира, сир; битим, итим, тим, им; бичим, ичим, чим, им* ва ҳоказо. Шу тарздаги сўзларни шунчаки асарга олиб кириш билан логогриф ҳосил бўлавермайди. Бунда муштарак графемали сўзларнинг асарга қай мақсад билан олиб кирилганлигига эътибор бериш зарур бўлади. Қуйидаги мисолда кулги чиқариш мақсадида логогриф усулидан фойдаланилган:

- *Янги шеър ёздим, эшитгин оғайни!* – унга хитоб қилибди шоир.

- Қани ўқи-чи! – дебди дўсти.

- Хаёл кетиб аёлга, аёл келди хаёлга.

Аёл келиб хаёлга, хаёл кетди аёлга.

- Бу шеърингни мендан олдин ҳам бирортасига ўқиб берганмидинг?

- Ҳа, ўқиб бергандим, - шоир хайрон бўлиб қолибди.

– Қайдан билдинг?

- *Кўзингнинг ости кўкариб турибди-ю!* – дермиш дўсти. (Абдулла қизиқ нима дейди?)

Сўз бўғинларининг муштараклиги асосида ҳам логогриф ҳосил қилиниши мумкин. Масалан: *ҳазил, зил; маош, ма/ош, ош* каби: *Шу тариқа ҳазил зилга айланаёзганда, менга ҳомий курс раҳбаримиз Убайдуллаев орага тушиб, гуноҳимни енгиллаштирди: яна бир ҳайфсан билан қутилдим.* (Э.Аъзам)

- «Тавба» дег, жонингиз омон қолганига шукр қилинг. Фақат уйдаги ўгриларингиз нима қилади, энди?..

- Сабр қилади, онаси. Ҳадемай яна маош беришади, ма, ош... (Х.Дўстмуҳаммад)

Логогриф ҳарфларга алоҳида маъно юклаш орқали ҳам ҳосил қилинади. Одатда, бутун сўз ёки гап бош ҳарфлар билан ёзилади:

Куйлаяпман сўнгни бор жўшиб,

Кўзим юмиб ўларман, ўлсам.

Шукр, мендан қолари – КЎШИК

Шукр, мендан қолари – СЕНСАН. (М.Ҳамроева)

*ОВОЗ, сўнгни пайтда ўша даъватли ОВОЗгина
Равшанга чора, таскин бағишлар, куч-қудратини
синар, ўзлигини излашга ундар, у МЕНдан қочиб ва
МЕНга яқинлашиб борар эди. (Ражаббой Ота Турк)
Лекин, муҳими – охирига қадар бўйин эзмадим. Демак...
МУМКИН ЭКАН! (Э.Аъзам)*

ОКСЮМОРОН грекча сўз бўлиб, «ўткир лекин бемаъни» деган маънони билдиради. Улар айрим адабиётларда «окказионал бирикмалар», «ноодатий бирикмалар» ёки «ғайриодатий бирикмалар» деб ҳам юритилади. Бундай бирикмалар индивидуаллиги, янгилиги, кўникилмаганлиги ва оҳорлилиги билан тасвир ифодалилигини таъминлайди: *Сокин ҳайқириқ* (М.Али). *Оташин муз, ёнғинли дарё, сўқир ломакон, қора нур, яланғоч шуур, яхлаган сароб* (Р.Парфи), *оппоқ тун, сўзсиз суҳбат* каби бирикмалар оксюморонга мисол бўлади. Бундай ғайриодатий бирикмалар антитезанинг бир кўриниши сифатида талқин қилинади. Маълумки, исталган икки сўзни бириктириш билан оксюморон юзага келавермайди. Бундай бирикмалар ёзувчининг бадиий тафаккур маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ғайриодатий бирикмаларни мантиқсизлик билан боғлаш мумкин эмас. Уларга эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш зарур. Ўзаро боғланмайдиган сўзларни боғлаётган куч нимада? Уларнинг бирикиб бадиий эффект бериши учун қандай ифода имконияти мавжуд? Ёзувчини бундай «маромсиз» бирикмалар яратишга нима мажбур қилди? каби саволлар билан мазкур ҳодиса моҳиятига кириб бориш мумкин.

ПАРАНТЕЗА. Киритма конструкцияларнинг бадиий матнда маълум бир мақсадлар билан қўлланилиши.

Парантеза бадий асарда муаллиф ва қаҳрамонлар нутқида келиши мумкин. Айтилмоқчи бўлган фикрга алоқадор изоҳлар, қўшимча маълумотлар қавс ичида бериб борилади. Интонацион, график ва синтактик жиҳатдан мустақил бўлган киритма конструкциялар асарда нутқнинг тўла англаниши учун зарурий информацияларни бериш, тингловчи ёки китобхон учун ноаниқ бўлган ўринларга аниқлик киритиш, изоҳлаш, эслатиш, ҳис-туйғуларни ифодалаш каби мақсадларда қўлланилади. Асар қаҳрамони билан китобхон ўртасида ўзига хос «сирдошлик» иллюзиясини яратади. Қаҳрамон «айтмаса бўлмайдиган» гапини қавс ичида бериш орқали гўё китобхоннинг қулоғига пичирлаётгандай муҳит яратади. Бу эса китобхоннинг қаҳрамонга нисбатан ишончини орттиради ва яқинлаштиради. Парантеза функциясига кўра турлича бўлади. Айримлари китобхонни «парда ортидаги сир»дан огоҳ қилишга хосланган бўлса, айримлари янги информацияга тайёрлаш вазифасини бажаради. Айрим парантезаларда воқеликка нисбатан муаллиф ёки қаҳрамоннинг ижобий муносабати ифодаланган бўлса, айримларида киноя ва кесатик юкланган бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, парантеза муайян фикр билан боғлиқ янги қўшимча информацияни ифодалайди. Шунга кўра матннинг конституенти - «қўшимча рематик маркази» ҳисобланади.

Парантеза маттни шакллантириш хусусиятига эга. Кириш конструкциялар матннинг структурал, мазмуний ва функционал жиҳатдан яхлитлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Курдошларимдан Эшқобил, Шаҳоб, Нурмамат ва Рустам қалб амри билан студентлар зарбдор қурилиш отряди сафида Қорақалпоғистонга кетишган – давримизнинг улкан иншоотларидан бирини бунёд этишда қатнашгани (акча ишлаб келиб бойваччалик қилгани); Самад, Жўра ва Назар қишлоқларига – «бобой-момой»ларига кўмаклашгани (бултўр ўзлари бориб тиклаб келган деворни кулатиб, кайтадан кўтаргани); Эльвир, Арофат ва Барно соғломлаштириш лагерига – пахтадан ҳам оқ баданларини эсиндек бўлса-

да қорайтиргани (ўқиш бошлангач, танаффус пайти йўлакда «шоколадранг тери» ҳақида қизгин баҳслашгани). Мен эсам, мен Навоий номидаги кутубхонада ўтирибман... адабиёт тарихидан қайта имтиҳон топширгани! (Отўйининг туғилган йилини аниқлаш учунгина эмас, албатта!) (Э.Аъзам)

Эркин Аъзам ўз ҳикояларида қаҳрамон нутқини индивидуаллаштириш, унинг ўй-хаёлларини, ички дунёсини бутун икир-чикиригача тасвирлаш мақсадида парантезадан фойдаланади. Куйидаги парчада парантеза қаҳрамоннинг ички нутқида берилади. Асар қаҳрамони суҳбатдошининг гапларини хаёлидан ўтказиш жараёнида унга, унинг ҳар бир гапига нисбатан ўз муносабатини билдириб боради. Бунда парантеза параллел нутқ кўринишида намоён бўлган.

Айтишича, оилада атиги икки фарзанд эканлар – биттагина укаси бор экан (демак, сени урولмайди, акаси бўлганда бошқа гап эди!); ўзи ёлғиз қиз, эрка қиз экан – «Адам нима сўрасам олиб берадилар» (демак, сен ҳам олиб беришинг, қозон-товоқни ўзинг қилишинг керак!); адаси асфальт заводининг директори экан (демак, асфальт керак бўлса – марҳамат!); буни қаранг, машиналари ҳам бор экан – «Яп-янгигина турибди, ҳеч ким ҳайдамайди, адам «Движение катта», деб қўрқадилар» (демак, бемалол, асфальтнинг титиғини чиқариб бемалол минаверасан!); дарвозахоналарида эса, уларини ва ўзларини қўриқлайдиган каттакон бир олапарлари бор экан (демак, у ҳам кирган-чикканга таржимаи холини айтиб бераверади!)... (Э.Аъзам)

ПАРОНОМАЗИЯ. Паронимларнинг бадиий матнда маълум бир мақсадларда қўлланилиши.

Бадиий адабиётда ўхшаш сўз (пароним)лар қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш, уларнинг маънавий ҳамда лисоний савиясини кўрсатиш учун ҳам ишлатилади. Куйидаги парчада паронимлардан комик эффект яратиш мақсадида фойдаланилган. Қаҳрамон **компот** (мевалардан тайёрланадиган шарбат) ва **компост** (чиқиндилардан ачитиб тайёрланадиган органик ўғит)

пароним сўзларининг маъносини билмаганлиги учун кулгили вазиятга тушади: *«Айланиб юриб тўртинчи бригада даласида жанжал устидан чиқиб қолибман. Бўлим бошлиғи Урмон ака билан бригадир Раҳимжон ака нима тўғрисидадир қўлларини паҳса қилишиб баҳслашмоқда эди. Мени кўриши билан бўлим бошлиғи:*

- Ўртоқ агроном сиздан бир илтимосим бор, -деб қолди.

- Агар малол келмаса, мана бу Раҳимжонга, унинг аъзоларига **компост** тўғрисида гапириб берсангиз. Булар ҳалигача ҳеч нарса тушунмас экан.

- Марҳамат, -дедимда, у ёқ-бу ёққа қараб олгач, лекция ўқишга тушиб кетдим:

- *Ўртоқлар, компот жуда фойдали ичимлик, уни асосан мевадан тайёрлашади. Меваларнинг хили қанчалик кўп бўлса, у шунча ширин бўлади. Бизнинг Фарғона томонларда компотни ўрик, шафтолиқоқи ва олчанинг қуруғидан тайёрлашади. Хуллас, компот ичмабсиз, дунёга келмабсиз... Гапимни тугатмасимдан ўтирган одамлар шарақлаб кулиб юборишди. (Х.Тўхтабоев)*

Саид Аҳмад ўзининг «Синовчи учувчи» деб номланган ҳажвиясида ҳам ўхшаш талаффузли сўзлар воситасида парономазияни юзага келтирган: *Мухбир (микрофонга). Азиз радио тингловчилар! Ҳар бир корхонанинг маҳсулоти сифатини аниқлайдиган ўз синовчилари бўлади. Масалан: янги самолётни биринчи учириб берадиган учувчини синовчи-учувчи дейдилар... Мана, қаршимизда турган барваста қоматли, қарашни бургут нигоҳини эслатадиган, бутун вужудидан куч-ғайрат, садоқат, вафо сезилиб турган киши мана шу заводнинг синовчи-ичувчиси дир...*

Биринчи парчадаги парономазияда иккита ўхшаш сўзнинг қаҳрамон тарафидан фарқланмаслиги, яъни иккита алоҳида сўз маъноларининг қориштирилиши натижасида кулгили ҳолат юзага келган. Иккинчи парчадаги парономазияда эса қаҳрамон кулгили вазиятни юзага келтириш учун атайин ўхшаш талаффузли янги конструкцияни ҳосил қилади.

Куйидаги мисолда *шўро-шўра-хўра* пароним сўзларидан қаҳрамон дунёқарашини кўрсатишда ишлатилган. Ёзувчи шўроларга нисбатан қаҳрамоннинг

салбий муносабатини ўхшаш талаффузли сўзлар орқали аниқ ифодалай олган. *Шўро* сўзига оҳангдош сўзлар кўп, лекин ёзувчи, айнан, *ёввойи (шўра)* ҳамда *очофат (хўра)* семасига эга бўлган сўзларни танлайдики, бу икки хусусиятни *шўрога* нисбатан ҳам тааллуқли эканлигини таъкидламоқчи бўлади: *Мана энди, шўро... Зулфиянинг ўйлови қоқилди. У эслашга уринди: «Шўромиди?... Шўра-ми? Шў-ро... Йўқ, Хў-ра, йўғ-а, шў-ра... Шў-ро... Ҳа-ҳа, шўро-шўро! Отинг қурсин-а... Хўра бўлсаям, шўра бўлсаям бировнинг жойига кўз олайтирдими, бас, бир гўр-да!..»* (Х.Дўстмуҳаммад)

ПАРЦЕЛЯЦИЯ. Оғзаки нутқда, матнда баъзан мулоқот талабига кўра яхлит бир жумлада узилиш содир бўлади. Сўзловчи тингловчига бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бераётганда мана шу хабар ичидаги энг муҳим фикрни бошқаларидан ажратиб, алоҳида таъкидлаб айтишга ҳаракат қилади. Маълумки, таъкид оғзаки нутқда оҳанг, пауза, мантиқий урғу каби воситалар ёрдамида амалга оширилса, матнда парцеллятив тузилмалар - матн компонентларини экспрессив-стилистик мақсадга кўра қайта тартиблаш орқали намоён бўлади. Масалан: 1. *Хуррият ва адолат учун курашиш керак.* Ёки: 2. *Курашиш керак. Хуррият учун. Адолат учун.* Биринчи гап одатдаги тартибда тузилган содда гап ҳисобланади. Иккинчи гап эса парцелятли тузилма ҳисобланади. Уч компонентли бу қурилмада биринчи қисм - асос, қолганлари эса парцелят бўлак ҳисобланади. «Парцелятли тузилмалардаги тартиб моҳият эътибори билан таъсирчан сўз тартиби бўлиб, услубий жиҳатдан бетараф тузилмали гап қисмларини коммуникатив мақсадга мувофиқ тарзда гуруҳлаш, синтактик жиҳатдан қайта ўринлаштириш сифатида рўёбга чиқади. Гап тузилмасини бу хилда қайта қуриш (унинг қисмларини синтактик жиҳатдан қайта тартиблаш) маълум қисмни мантиқий жиҳатдан ажратишга асосланади ва ўзига хос экспрессив ифода шакли ҳамда функционал - семантик муносабатлар таркиб топади».

Ўзбек тилшунослигида парцеллятив конструкцияларни ўрганиш XX асрнинг 60-йилларида бошланган. Ф. Исҳоқов, В.Маскапов каби тилшунослар маз-

кур ҳодисани илова конструкциялар номи остида тадқиқ қилганлар. В.Маскапов илова конструкцияга қуйидагича таърифлайди: «Ифода жараёнида фикр нисбий тугалланган даражада айтилган бўлади. Шундан кейин унга олдиндан ўйланмаган ниманидир қўшиб баён этиш сўзловчи назарида зарур туйилади. Ана шу қўшимча изоҳ тугалланган паузадан сўнг баён этилади. Олдиндан ўйланмаган, бироқ қўшимча равишда баён этилган шу кейинги ифода илова конструкция ҳисобланади.» Масалан: *У жодугар экан. Ўзи замонавий кийинган, кирк-кирк беш ёшларда. Кўзлари оловдек ёнармиш. Кўркинчли* Лекин бадиият талаби билан атайин гап таркибидан ажратиб олиб алоҳида гап тарзида берилиши ҳам мумкин. Мутахассислар бундай конструкцияларнинг асосий вазифаси сифатида ўзидан олдин келган гапнинг ифода мазмунини кенгайтириши, тўлдириши ва аниқлик киритиши эканлигини кўрсатишади.

Жалил ака дераза тагида ётарди(1). Тўшакда(2). Болиши баланд(3). Унга суяниб, бошини кўтарса, боғни кўради(4). Ўзи обод қилган боғ у(5). (Ш.Холмирзаев).

Бу матн парчаси бешта гапдан ташкил топган. 1-гап асос, 2-гап парцелят. Асосдаги ўрин ҳоли конкретлаштирилмаганлиги учун парцелят бўлак сифатида ажратилган. 3-парцелят гап ҳам асосдаги ўрин ҳолини таъкидлашга хизмат қилган. Шунингдек, 4-гап билан 1-гап ўртасидаги алоқани зичлаштирган. Яъни, қаҳрамон дераза тагида ётибди. Тўшакда ётибди. Баланд болишли тўшакда ётибди. Унга суянса ўзи обод қилган боғни кўради. 5-гап 4-гапнинг парцеляти ҳисобланади. Яъни асос(4) даги тўлдирувчи(боғ)ни аниқлашга хизмат қилган.

ПЕРИФРАЗА (ёки перифраз) деб аталувчи тасвирий ифодалар ҳам бадиий нутқнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминловчи услубий воситалардан ҳисобланади. Перифраза деб «нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, уларни характерли белги — хусусиятлари асосида тасвирий усул билан ифодалаш»га айтилади. Шунини унутмаслик керакки, ҳар қандай нарса — ҳодиса номини бошқа ибора билан атайвериш кутилган

эффектни бермайди. «Алмаштирилган ном билан тасвирий ифода ўртасида мазмуний жиҳатдан қандайдир боғлиқлик, яқинлик бўлиши керак. Шу билан бирга, номи алмаштирилаётган нарсанинг муҳим, аҳамиятли томони, хусусияти тўғрисида ўқувчи ёки тингловчида аниқ тасаввур ҳосил бўлиши лозим.» Ана шундагина бундай алмаштиришнинг экспрессив аҳамияти намोён бўлади. Масалан, *учувчилар – само лочинлари, акула – сув ости ҳукмдори, шер – ҳайвонлар султони, Самарқанд – Шарқ дарвозаси, театр – маънавият ўчоғи, ёшлик – севги фасли каби.* Истеъдодли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг «Жозиб» деб номланган ҳикоясида самолётга нисбатан *темир калхат* перифразасини қўллайди. Самолёт, одатда, *темир қуш* перифразаси билан алмаштирилади ва бунинг ўзига хос мотивацион асоси бор. Қуш сўзи хосланиш нуқтаи назаридан нейтрал, бундан ташқари қуш сўзи орқали ифодаланадиган мавҳумлик унинг қўлланиш қўламини кенгайтиради. Калхат сўзида эса, айна номдаги қушнинг йиртқичлиги биринчи планда туради. Шунинг учун *темир калхат* перифразасида объектга нисбатан салбий муносабат аниқ сезилиб туради. Сўзларнинг боғланиш қонуниятини чуқур идрок этган маҳоратли ёзувчи *темир калхат* перифразасини қўллар экан, биринчи навбатда қахрамоннинг руҳиятини, унинг самолётга нисбатан нафратини ҳисобга олган ва нутқий вазиятга мувофиқлаштирган. Чинорбек Маъмиров самолётда чет элга сафар қилиш чоғида Жозиб исмли стюардесса қизни ёқтириб қолади, шунинг учун самолётнинг сира қўнмаслигини истайди, масофани қисқа фурсатда босиб ўтганлигидан қаттиқ ранжийди. Ана шу ранжиш оқибатида самолётни темир қуш деб эмас темир калхат деб атайди. Стюардесаларга нисбатан эса *само фаришталари, осмон фаришталари* перифразаларини қўллайди: *Чинорбек Маъмировнинг тили тутилди. Ҳа, ҳадемай, ҳадемай, ҳадемай... самолёт ерга қўнади, бу темир калхат қўнади-ю, ҳаёт тўхтайдди!.. Ҳамма йўловчилар қатори у ҳам самолётдан тушади, зина пойида кўтиб турган автобусга минади, автобус силлиққина юриб, уни самолётдан узоқлаштириб, самолётдан,*

самолётдагилардан узиб кетади, самолётда қолган қизлар, осмон фаришталари, Жозиба... зина тепасидаги супадада турганича қўл силкиб қолади...

Инглиз адабиётшунослигида перифразага нисбатан кеннинг (kenning) атамаси ҳам қўлланилади. Перифразада камида иккита сўз иштирок этиши талаб қилинади: *найғамбар ёши, баҳор элчиси, ўрмон маликаси, кўкнинг фонуси, уйғониш фасли* каби.

ПРОЗАПОДОСИС дистант такрор
кўринишларидан бири. Бунда гап бошидаги айрим сўз ва бирикмаларнинг гап охирида такрорланиши тушинилади. Такрорланувчи сўз ва сўз бирикмалари (баъзан бутун гап) грамматик жиҳатдан ўзгариши мумкин. *Кизлар... Ота-оналари ҳисобига яшайдиган боқибегам, сип-силлиқ, олифта йигитчаларни ёқтирадиган кизгиналар!* (Э.Аъзам) *-Ҳо-о, дур бу! Чиғанокнинг ярасидан бўлган, денгиз чиғаногининг ярасидан!* (Э.Аъзам) *«Топдим! – дейман ичимда ҳайқириб. – Топдим!..» «Топди-инг! – дея садо беради икки ёндаги баланд иморатларнинг пештоқлари, осмон, ёришган кўнгилдек оппоқ булутлар.. – Топди-инг!..»* (Э.Аъзам)

РИТОРИК СЎРОҚ ГАПЛАР. Тасдиқ ва инкор мазмунига эга бўлган, тингловчидан жавоб талаб қилмайдиган гаплар риторик сўроқ гап дейилади. Риторик сўроқ гаплар ҳам бадий матннинг эмоционал-экспрессивлигини таъминловчи услубий воситаларидан ҳисобланади. Бундай гаплар таркибида *наҳотки, ахир* каби таъкидни кучайтирувчи сўзлар келади. Улар нутққа кўтаринки руҳ бағишлайди ва тасдиқнинг кучли эмоция билан таъкидланиши учун хизмат қилади. Бундай гап шакллари қаҳрамоннинг ҳайратланишини, қувончини, ажабланишини, шубҳа ва гумонсирашини, ғазаб ва нафратини ифодалашда жуда қўл келади. Ички ва ташқи нутқда, монологик ва диалогик нутқларда кенг қўлланилади. Ардоқли шоир Абдулла Ориповнинг «Оламонга» деб аталган қуйидаги шеъри риторик сўроқнинг гўзал намунаси бўла олади:

*Машираб осилганда қаёқда эдинг?
 Чўлпон отилганда қаёқда эдинг?
 Суриштирганмидинг Қодирийни ё
 Қалқон бўлганмидинг келганда бало?
 Ҳукмлар ўқилур сенинг номингдан,
 Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.
 Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?
 Нечун томошага бунчалар ўчсан?
 Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
 Қачон халқ бўласан, эй, сен — оломон?!*

СИНТАКТИК ПАРАЛЛЕЛИЗМ. Бадиий матнда синтактик жиҳатдан бир хил шаклланган гаплар кўп қўлланилади. Тилшуносликда бундай қурилмалар параллелизм атамаси остида ўрганилади. Параллелизм (юнонча, *parallelos-ёнма-ён* борувчи) ёнма-ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлиши. Масалан: *Оишхона тараф қулоқ тутади. Дарвоза тараф қулоқ тутади. Молхона тараф қулоқ тутади. Овоз қаердан келяпти — билолмайди* (Т.Мурод). «Параллел бирликларнинг асосий вазифаси фикрга изоҳ бериш ва, энг муҳими, унга тингловчини тўла ишонтира олишдан иборат. Улар тил услубий воситаларининг бойиши манбаларидан бири бўлиб, поэтик нутқда кўп қўлланадиган, энг маҳсулдор ва таъсирчан синтактик birlik ҳисобланади». (15/73) Бир хил шаклланган гаплар бадиий нутқ таъсирчанлигини бойитиш билан бирга маънони кучайтиришга ва фикрнинг батафсил - атрофлича ифодаланишига, тасвир объекти билан боғлиқ маълумотлар фондининг кенгайиб боришига хизмат қилади. Масалан: *Қўшчи калондимоғ — калондимоғ қадам босди. Кибор — кибор қулоч отди. Керма қош — керма қош боқди.* (Т.Мурод) Бу мисолда қаҳрамоннинг уч хил ҳаракати бир хил шаклланган гапларда ифодаланган, яъни, қадам босмоқ — қулоч отмоқ — боқмоқ. Қуйидаги мисолда эса бир ҳаракат билан боғлиқ маълумотлар фонди параллел гапларда кенгайиб боради: *Том бош — адоғилаб қадамлади. Вазмин — вазмин қадамлади. Олсларга доно — доно боқиб қадамлади. Ёки: Қўшчи қўллари кетида тағин қадам олди. Мағрибга боқиб қадам олди. Маширикқа боқиб қадам олди.* (Т.Мурод)

СУКУТ деб, «сўз ёки сўзлар гуруҳининг гап охирида тушириб қолдирилиши»га айтилади. Бадиий асарда қаҳрамонларнинг маълум бир сабаб билан жим қолишидан алоҳида мақсадларда фойдаланилади. Адабиётларда сукут эллипсиснинг бир кўриниши сифатида талқин қилинади. Инглиз тилшунослиги ва адабиётшунослигида мазкур услубий фигура *passing over in silence* ёки *preterition* атамалари остида ўрганилган. Қаҳрамоннинг жим қолиши китобхон эътиборини тортади ва бунинг сабабини мушоҳада қилишга, айтилмай қолган гапнинг давомини ўзича тахмин қилишга ҳаракат қилади. Шу тарзда китобхонни фаолиятга чорлайди, унинг асар қаҳрамони билан мунтазам муносабат ўрнатишини таъминлайди. Табиийки, муайян мақсадга қаратилган сукутгина бадиий қиммат касб этади. Қаҳрамоннинг аниқ бир мақсадга бўйсундирилмаган жим қолиши тасвири унинг ожизлигини кўрсатибгина қолмай, асарнинг умумий пафосини ҳам тушириб юбориши мумкин.

Бу усулдан бадиий матнда қуйидаги мақсадларда фойдаланилганлигини кузатишимиз мумкин: 1. Қаҳрамон нутқининг бирор-бир сабаб билан узилиши ва тугалланмай қолганлигини ифодалашда:

– *Нўқ, бормаймиз, ойи, мен у ердан кетдим...*

Шарофат хола шум хабар эшитгандек, ичидан қалтираб кетди.

– *Бутунлай-а?*

– ...

– *Бошлиқларинг билан чиқишолмадингми?*

– ...

Нега ахир, болам?

– ...

– *Ё бир иш қилиб қўйдингми? (А.Мухтор)*

2. Тингловчи эътиборини тортиш мақсадида сўзловчининг атайин жим қолишини ифодалашда:

– *Гап лўндаси... Шветсия вазири Фалончиев жан. лари айтганларидай, бу тупроқ Урусия тожидаги олий қиммат дур, ҳа, дур! (Т.Мурод).*

Хуллас... Қурбонали ўз саноғига биноан ўн иккинчи бекатда автобуслдан тушиб, кўчанинг ўтиш жойига

келганида қандайдир нотаниш нусха ўзига мўлтайиб қараётганини сезди. (Х.Дўстмуҳаммад)

3. Қаҳрамоннинг маълум муддат ўйланиб қолганлигини, ниманидир эслаши ёки эслашга уринишини тасвирлашда:

– *Ўзи... пошшо каттами, вазир каттами?* (Т.Мурод).

– *Болаларим... – дейди. Оппоқ соч одам лабларини чўччайтириб-чўччайтириб ўйлаб қолади. – Болаларим... – дейди. – Мен сизларни бола дейишгаям тилим бормаяпти. Сизлар катталар ҳаётини бошдан кечиряпсиз.* (Т.Мурод).

– *Уч-тўрт ой, уч-тўрт ой... (Т.Мурод). Оти... оти Юсуф Ялангтўш!* (Т.Мурод), *Биродарлар, онт ичаманки, шу жонивор жўжалигида шу ерда тузоққа туширилган. Кечағдай эсимда... – У чиндан ҳам ҳайратланиб ҳамроҳларига бир-бир қаради.* (Ш.Холмирзаев).

– Менга қаранг, мулла...

– Абдулаҳад.

– *Мулла Абдулаҳад, бу ғоят тўғри талаб! – Лев Николаевичнинг қонсиз, дағал бармоқлари узун соқолининг кумуш тўлқинлари орасида қалтираб кеза бошлади, юзи нурланди.* (А.Мухтор)

– *Илёсвой?.. Қайси...*

– *Э-э, яшанг! – деди нотаниш таниш.* (Х.Дўстмуҳаммад)

Одатда, қаҳрамоннинг сукути (жим қолиши) кўп нуқта билан белгиланади. Лекин, шуни унутмаслик керакки, кўп нуқта билан тугалланган ҳамма гаплар ҳам сукутга мисол бўлавермайди. Кўп нуқта бадий асарда бир неча функцияларни бажаради. Хитоб, чақириш, ҳайқириш, ҳақорат, сўкиниш, ялиниш, афсусланиш, ҳасрат, ачиниш каби маъноларни ифодалашда кўп нуқта алоҳида услубий вазифа бажаради. Масалан:

Аёлимиз товонлари... қон-қора бўлди! Аёлимиз товонлари... тилим-тилим бўлди! (ачиниш, афсусланиш, ҳасрат), *-Ай... дедим оҳиста.* (чақириш) (Т.Мурод).

Ёки қаҳрамон маълум бир вазият талаби билан кимнидир ҳақоратламоқчи бўлиб ножоиз иборани ишлатса, ибора таркибидаги дағал сўз ўрнига кўп нуқта қўйиб кетилади:

– Отангни илигига!.. – дедим. – Дупта-дуруст ойнаижаҳонни бузган отангни илигига!.. (Т.Мурод). Бобомиз чапараста-чапараста сўкади: – Хе. эна...! (Т.Мурод).

Бунда қаҳрамон жим қолмайди, кўп нуқта билан беркитилган сўз ёки иборани айтади, фақат этикет нуқтаи назардан ўша сўз ёзувда ифодаланмайди. Баъзан муаллифнинг ўзи қаҳрамоннинг жим қолиши ва унинг бу ҳолати билан боғлиқ сабабни баён қилади. Бундай вазиятда экспрессив эффект сезиларсиз даражага тушади:

Хотини нима деса “йўқ” дейдиган сўфи бу сафар бирданига “йўқ” демасдан, хаёлга кетди. Сукут узоққа чўзилгандан_кейин Қурвонбиби энди бу сафар жиддий бир чеҳра билан: –Нимага индамайсиз? Хўп денг! Катта одам, уят бўлади. Бир яхши хотинлари, бир отинча қизлари борки... (Чўлпон).

Бундан аён бўладики, сукут икки йўл билан ифодаланади: 1. Махсус пунктуацион белги (кўп нуқта) билан. 2. Лексик-грамматик воситалар билан. Кўп нуқта бевосита қаҳрамон нутқи узилган жойга қўйилади ва қаҳрамоннинг жим қолишига тўғридан-тўғри ишора қилади. Лексик-грамматик воситалар эса қаҳрамон нутқида ҳам муаллиф нутқида ҳам келиши мумкин. Юқорида келтирилган Қурвонбиби нутқида Раззоқ сўфининг жим қолиши ҳақидаги информацияни ўзида ташувчи бирликлар мавжуд. –*Нимага индамайсиз? Хўп денг! Катта одам, уят бўлади. Бир яхши хотинлари, бир отинча қизлари борки...*

ТАКРОР. Биринчи гапда қўлланган айрим аффикслар, сўз, сўз бирикмаси ёки гапларнинг кейинги компонентлар таркибида такроран қўлланиши орқали матн шакллантирилиши мумкин. Такрор усулидан айтилаётган фикрни алоҳида таъкидлаш, тасдиқлаш, кенгроқ, батафсилроқ ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Такрор ёрдамида нутқнинг таъсирчанлиги ортади. «Лексик такрорлар, олмошлар ва синонимлар ёрдамида ҳосил қилинадиган алоқа занжирли алоқа, бир хил грамматик формалар билан бошланувчи ёки тугалланувчи компонентлар йиғиндисидан ташкил топадиган алоқа параллел алоқа дейилади.» (9/18) Қуйидаги матнда грамматик

жиҳатдан бир хил шаклланган сўз, сўз бирикмаси ва гаплар такрорланиб, параллел алоқани юзага келтирган:

- Истеъдодсиз истеъдодсизни ёмон кўрса, нима бўлади?
- Ҳеч нима бўлмайди!
- Истеъдодсиз истеъдодлини ёмон кўрса, нима бўлади?
- Ҳеч нима бўлмайди!
- Истеъдодли истеъдодсизни ёмон кўрса, нима бўлади?
- Ҳеч нима бўлмайди!
- Истеъдодли истеъдодлини ёмон кўрса, нима бўлади?
- Фожиа бўлади! (У.Ҳошимов)

Такрорнинг бир неча кўринишлари бор, улар ҳам матн ташаккулида услубий вазифа бажаради: фонетик такрор, лексик - семантик ва грамматик такрор. Фонетик такрор деганда товушларнинг матн таркибида алоҳида мақсад билан такрорланиши тушунилади. Лексик - семантик такрор деганда сўзларнинг айнан ёки маъно такрори назарда тутилади. Масалан:

- Кечирадилар!.. — деб чақирди Фалончини ва низилаб унинг ёнига қайтиб келди-да, секин сўради:
- Ноўрин гап қилдимми?

Фалончи мударрани тушунмай елка қисди, Уматович эса сийрак сочи силлиқ таралган каттакон бошини салгина қийшайтириб, кўзини чақчайтирганча суҳбатдошига синовчан разм солди.

- Оғзимдан бехос чакки сўз чикмадимми? — деб сўради у яна. (Х.Дўстмуҳаммад)

Грамматик такрорда эса сўз бирикмаси ва гапларнинг такрорланиши тушунилади.

Дастлаб, такрорланувчи бирликнинг таркибига кўра ўзгаришли ва ўзгаришсиз такрорларни фарқлаб олишимиз керак. Бу такрорнинг барча кўринишлари учун талукли хусусият ҳисобланади. Такрорлар қўлланиш ўрнига кўра горизонтал ва вертикал такрорларга бўлинади. Бундай такрорлар айниқса, шеъринг матнларда ўзига ҳос оҳангдорликни юзага келтиради. Шунингдек, такрорланувчи бирликнинг қайси туркумга мансублигига кўра от такрори, сифат такрори, олмош такрори, феъл такрори кабиларга бўлинади. Синтактик табиатига кўра сўз бирикмаси такрори ва жумла такрори ҳам фарқланади. Мазкур бирликларнинг жойлашини ўрни ва ўргадаги масофасига

кўра контакт (масофасиз, яқин ўринли), дистант (масофали, узоқ ўринли) такрорларга ажратилади.

О.С.Ахманованинг лингвистик терминлар талқинига бағишланган лугатида такрорнинг ўндан зиёд кўриниши ҳақида маълумот берилган. Масалан: антиметабола, инклюзион, эпимона, редупликация, реприза, амредита, эмоционал такрор, синонимик такрор, симметрик такрор, полиптот, эколалия, эпаналепсис каби ҳодисалар изоҳланган. Буларнинг бари матннинг композицион бутунлиги учун хизмат қилади.

УЛАБ КЕТИШ. Маълумки, суҳбат жараёнида қаҳрамонлар нутқида у ёки бу тарздаги узилишлар, бўлинишлар содир бўлади. Бу узилишларни тадқиқотчилар турли номлар остида ўрганишган, лекин, негадир, узилган қисмнинг уланиши билан боғлиқ ҳолатларга эътибор берилмаган. Суҳбат жараёнида сўзловчининг гапини тингловчи охиригача эшитмай, бўлиб қўйиши ва ўзи давом эттириб кетиш ҳолатларини кўп кузатганмиз. Эътибор бериш керак бўлган томони шундаки, узилган ва давом эттирилган қисмда бир мавзу ёритилган бўлиб, яхлитлик ҳосил қилсагина муайян бутунлик ҳақида гапириш мумкин бўлади. Аксинча, сўзловчининг гапи тингловчи томонидан бўлиниб, бутунлай бошқа мавзуга ўтиб кетилса, бундай ҳолатни улаб кетиш деб бўлмайди. Бадиий асарда бир қаҳрамон нутқидаги узилишнинг иккинчи қаҳрамон нутқи орқали компенсация қилиниши ёзувчининг алоҳида эстетик мақсади билан боғлиқ бўлади. Жавоб ёки улаб кетиш мазмунидаги нутқ юзага келган синтактик парокандаликни бартараф қилади ва бир мазмуний бутунликни юзага келтиради. Масалан:

– *Расми шу, ука. Ариза. Тушундинг? Ёз. Ўзим сени уч-тўрт ойдан кейин...*

– *Ишга оласизми?*

– *Оламан! — деди Келдиев деразага қараб.*
(Ш.Холмирзаев)

Мисолдан англашиладики, натижани эшитишга муштоқ тингловчи позициясидаги қаҳрамон сўзловчининг гапини сабрсизлик билан давом эттиришга, яқунлашга ва ўз тахминини билдиришга

ҳаракат қияпти. Баъзан бир қаҳрамон иккинчисининг гапини тузатиш мақсадида сўзини кесади. Сўзловчи нутқининг чала қолган қисми тингловчи нутқида тузатиш йўли билан тўлдирилади. Шу тарзда бир мазмуний бутунликка эришилади. Масалан:

–Неварани ўпиб қуйинг... Бобосига кетипти. Раҳматли падарингиз подачиликдан бошқа нарсани билмас эди. Эсимда «Ошало-ол!» деб келганлари...

– «Ошалол» эмас, «оши ҳалол!» – деб тузатди мусиқа муаллими. – Ёлингиз оқариб кетипти-ю, шу сўзниям тўғри айтолмайсиз. (Ш.Холмирзаев)

Бурчакдаги креслода тулки нўстинга ўралиб оқ пийма кийган қалам мўйловли ёшгина бойвачча керилиб ўтирар, кимгадир уқтирар эди:

– Граф ўзининг «Душанба» деган асарида...

– «Душанба» эмас, тақсир...

– Ҳа, «Душанба» эмас, «Чоршанба» деган романида фоҳишалар ҳаётини тасвир этади. (А.Мухтор)

Бу ҳодисада ҳам гапнинг якунланмай қолиши, узилиши, бўлиниши содир бўляпти. Лекин, ифодаланмаган қисм иккинчи қаҳрамон нутқида давом эттириляпти ва тугалланияпти. Демак, сукутда қаҳрамоннинг чала қолган, тўлиқ ифодаланмаган нутқини англаш ва тўлдириш китобхон ихтиёрига қолдирилади. Кесишда эса қаҳрамон руҳияти билан боғлиқ ўта ҳиссийлик ижоби нутқий парокандалик юз беради. Улаб кетиш усулининг ўзига хослиги – битта гапнинг икки киши нутқи орқали тугалланишида кўринади. Шунга кўра бу усулни, асосан, диалогик нутқда кузатамиз. Сўзловчининг нутқи давом эттириш ва тузатиш мақсадида тингловчи томонидан узилади ва уланади.

ФАРҚЛАШ деб икки нарса – буюм, воқеа – ҳодиса ёки ҳолатлардаги дифференциал белгини аниқлашга айтилади. Фарқлаш ҳам қиёс ва чоғиштиришга асосланади. Ифода усулига кўра антитезага яқин, лекин «антитезада мантиқий жиҳатдан қарама-қарши бўлган икки кутб қиёсланади. Бунда бири иккинчисини рад этади ёки инкор қилади» Тасвирий восита сифатидаги фарқлашда белгилар қайси хусусиятига кўра фарқ

қилаётганлиги аниқланади. Ўхшатиш ҳам қиёсга асосланади, бироқ ўхшатишда интеграл белгилар идрок қилинади. Мантиқ фанида тушунчанинг шаклланиши учун асосий омил ҳисобланувчи таққослаш деб аталадиган усул бор. «Таққослаш фақат буюм ёки воқеаларнинг бир-бирига ўхшашликларини аниқлаш билангина эмас, балки буюмлар орасидаги тафовутни аниқлаш учун ҳам хизмат қилади.» Фарқлашда ҳам қиёс асносида ўртага чиқадиган фундаментал тафовутни аниқлаш назарда тутилади. Ўхшатишда бўлгани каби фарқлашнинг ҳам ифода унсурларини қуйидагича тартиблаш мумкин: 1.Фарқлаш субъекти. 2.Фарқлаш нисбати. 3.Фарқлаш асоси. 4.Фарқлашни юзага келтирувчи шаклий белгилар. 5.Фарқлаш натижаси. Масалан: *«Саройнинг тўрида бошқаларга қарағанда кўркамрак бир ҳужра, анави ҳужраларга кийгиз тўшалгани ҳолда бу ҳужрада қип-қизил гилам, утталарда бўз кўрпалар кўрилган бўлса, мунда ипак ва адрас кўрпалар, наригиларда қора чароғ сасиғанда, бу ҳужрада шамъ ёнадир, ўзга ҳужраларда енгил табиъатлик, серчақчақ кишилар бўлганида бу ҳужранинг эгаси бошқача яратилишда. Оғир табиъатлик, улуғ гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабз урган бир йигит. Бас бу ҳужра бино ва жиҳоз ёғидан, ҳам эга жиҳатидан диққатни ўзига жалб этарлик эди.»* (А.Қодирий. Ўткан кунлар).

Аён бўлганидек, парчада ҳужра, ҳужра ашёлари, ҳужра эгалари қиёсга тортилган. Қиёс асносида ҳужранинг қайси белгилари ўртага чиқарилган? Саройда бир неча ҳужра бор. Лекин тасвирда иккига ажратилляпти: λ (битта) ҳужра ва β (кўп) ҳужра. λни βдан ажратиб турувчи белгилар дастлаб умумий тарзда берилган: λ кўркам (β кўркам эмас). Кейин ҳужра ашёларини бирма-бир санаш асносида ўртадаги фарқ кўрсатиб берилган: гилам – кийгиз; адрас кўрпа – бўз кўрпа; шамъ – қора чароғ; Шундан сўнг ҳужра эгаларидаги фарқ санаб ўтилади: λ нинг эгаси оғир табиатлик, улуғ гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабза урган бир йигит.

Внинг эгаларини, табиийки, бу тарзда тасвирлаб бўлмайди. Шу сабабли вдаги барча кишилар иккита белгида умумлаштирилади: энгил табиатлик, серчақчақ. Фарқлашнинг ифода унсурига кўра хужра (λ) – фарқлаш субъекти ҳисобланади. Чунки фарқланаётган предмет бу – хужрадир. Хужралар (β) – фарқлаш нисбати бўлиб хужра(λ)нинг ўзига хослиги бошқа хужралар(β)га нисбатан аниқланыпти. Фарқлаш асоси сифатида «кўркамак» сўзини олишимиз мумкин. Чунки лда мавжуд бўлган кўркамлик вда мавжуд эмас. Шу белги лнинг вдан фарқини таъкидлайди. Фарқлашнинг шаклий белгилари: «бошқаларга қараганда» бирикмаси ёрдамида ўртадаги тафовут янада бўрттирилган. Фарқлаш натижаси ёзувчининг бадиий ниятини аниқлашга олиб келади. Хўш, ёзувчи нима мақсадда бундай таққосни келтиради? Мазкур ифодаларнинг бадиий асар моҳияти билан қай даражада алоқадорлиги бор? Бу каби саволлар асосида фарқлашнинг бешинчи унсурига жавоб изланади. Келтирилган парчада 3 босқичли фарқлар силсиласи мавжудлигини сезиш қийин эмас. 1-босқич: хужра. 2-босқич: хужра ашёлари. 3-босқич: хужра эгалари.

ХИАЗМ. Такрорнинг яна бир кўриниши хиазм деб аталади. Хиазм икки қисмдан иборат бўлиб, иккинчи қисм биринчи қисмнинг тескари такрори ҳисобланади:

Узун тунлар бунчалар маҳзун,

Маҳзун тунлар бунчалар узун... (И.Мирзо)

Мумтоз адабиётимизда такрорнинг бу турига алоҳида санъат сифатида эътибор берилади. Адабиётшуносликда «мутобиқа», «радд ул-ажуз ил-ас-садр» ёки «қайтариш санъати» деб аталадиган санъатнинг элликдан зиёд кўриниши қайд этилади. Хиазматик такрор ҳам «радд ул-акс»нинг бир кўриниши ҳисобланади. Лекин қайтариш билан хиазмнинг ўртасида семантик жиҳатдан катта фарқ бор. Қайтаришда, асосан, шакл ўйини, сўзларнинг ўрин алмашиши кузатилади. Хиазмда эса сўзларнинг ўрин алмашиши маъно ўзгаришини келтириб чиқаради. Бу жиҳатдан хиазм антиметабола (инг. antimetabole)га яқин туради. Антиметаболада ҳам сўзнинг синтактик

вазифаси, ўрни ўзгариши натижасида янги маъно юзага келади. Қайтаришнинг бир кўриниши бўлган қуйидаги мисолда биринчи байтнинг ҳар бир сўзи иккинчи байтда ўзгаришсиз ҳолда тескари такрорланган. Ҳам оҳангдорлик, ҳам поэтик жиҳатдан мукамал композиция юзага келган, бироқ маънода ўзгариш сезилмайди:

Балодур манга ҳажринг, даводур манга васлинг,

Итобинг манга офат, ҳадисинг манга дармон.

Дармон манга ҳадисинг, офат манга итобинг,

Васлинг манга даводур, ҳажринг манга балодур. (Бобур)

Шунинг учун хиазми фақатгина «х» ҳарфи шаклида намоён бўлувчи такрор, биринчи қисм компонентларининг иккинчи қисмда тескари тарзда жойлашуви тарзида изоҳлаш бу ҳодиса моҳиятини у қадар очиб бера олмайди. Бунда ёзувчининг асосий мақсади иккинчи гапда берилган бўлади. Биринчи гап иккинчи гапдан англашиладиган маънони бўрттириб ифодалашга хизмат қилади.

Масалан: *Шижоатли бўл. Бироқ андишасиз бўлма.*

Андишали бўл. Бироқ шижоатсиз бўлма. (Ҳ. Ҳошимов)

«Хиазм поэтик нутқда қуйидаги вазифаларни бажаради: 1. Услубий-семантик вазифа. Бунда икки компонент мазмуни ўзаро зидлик касб этади ёки аксинча, бир-бирини мантиқан тўлдиради. 2. Экспрессив вазифа. Бунда ўқувчи ёки тингловчига завқ бағишлаш, фикрни тез ва узоқ вақт эсда сақлаб қолишига хизмат қилиши назарда тутилади. 3. Эвфоник вазифа. Хиазми юзага келтираётган бўлаклар ўзаро ўрин ва вазифа жиҳатидан алмашинганда оҳанг ҳам шунга мос равишда алмашиниб боради». (12/12)

ЭЛЛИПСИС. (юн. *elleipsis* – тушиш, туширилиш) деб нутқий алоқа жараёнида гап бўлақларининг муайян мақсад билан туширилиши ҳодисасига айтилади. Бундай туширилиш тилдаги лингвистик иқтисод - лисоний тежамкорлик тамойили асосида амалга оширилади. Масалан: – *Авайлаганинг шу бўлса... унинг зардали овози ҳам жонимга тегди.* (Ё. Акрам) *Илтимос тўхтанг... Анавинга қаранг!* (Ш. Холмирзаев) – *Нима қилардингиз шу сассиқ билан тортишиб?* (С. Аҳмад) – *Топамиз-да,*

– дедим. *Талантлар сени редакциянга эмас, редакциям бўлмасаям менга келади.* (Ш.Холмирзаев) Келтирилган мисолларнинг биринчи ва иккинчисида «нарса» сўзи, учинчи ва тўртинчисида «одам» сўзи эллипсисга учраган. Бу жонли нутқ учун табиий ҳол бўлиб, бадий матнга ҳам ҳудди шу – жонли нутққа хос табиийликни таъминлаш мақсади билан олиб кирилган. Бадий матндаги эллипсис текширилганда, қайси гап бўлаги эллипсисга учраганлиги ва бундан қандай мақсад кузатилганлиги изоҳланади.

Эллипсисни мақолларда жуда кўп учратамиз. Сўзларнинг туширилиши натижасида мақол табиатига хос ихчамлик ва ифодалилик юзага келади: *Айрилганни айиқ ер, бўлингanni бўри ер. Яхши билан юрсанг, ётарсан муродга. Ёмон билан юрсанг қоларсан уятга. Яхши хунук либос билан ҳам яхши. Аҳмоқ оғасини танимас, Тўқмоқ тоғасини танимас.*

ЭМОЦИОНАЛ ГАПЛАР. Сўзловчининг ўта хурсандлик ёки ўта хафалик ҳолатларини ёки қаҳрамоннинг ҳис-ҳаяжонини, воқеа-ҳодисага эмоционал муносабатини ифодаловчи гаплар эмоционал гаплар ҳисобланади. Эмоционал гаплар таркибида махсус ижобий ва салбий бўёқдор сўзлар (*чеҳра, ўктам, табассум / турқ, қўпол, тиржаймоқ* каби) мавжуд бўлади. Ўша сўзлар орқали қаҳрамон руҳиятида кечаётган севишиш, кўрқув, ғазаб каби психологик жараёнларни ҳамда ёзувчининг тасвир объектига нисбатан субъектив муносабатини билиб оламиз. Эмоционал гаплар таркибида ижобий ёки салбий бўёқдор сўз ва иборалар, ҳис-туйғу ифодаловчи ундовлар (*оҳ, вой шўрим, эҳ аттанг, бай-бай-бай* каби), муносабат ифодаловчи ундалмалар қатнашади ва улар нутқнинг экспрессивлигини таъминлашга хизмат қилади: *Қандай ёқимли тонг! Тўйиб–тўйиб нафас оласан! Бунча фусункор бўлмаса баҳор! Қишлоғимиз нақадар гўзал–а!* (Газетадан). *Сарваров тўнгилади: –Иккинчи чиқишимда ушлаши керак эди. Биринчи чиқишимдаёқ ушлаб ўтирибди бу мияси айниган чол* (С.Аҳмад). – *Тилимни қичитма, жўжаҳўроз! Айтмадимми, қўзда қийқилаб столнинг тагига кириб*

кетасан, деб... Эҳ-э, сенинг хўроз бўлишинга ҳали ўн тўрт процент бор. Баҳорда қариллаб ҳеч кимга сўз бермагандинг. Менга, кеккайма, дегандай шама қилдинг-а! (А.Қаҳҳор) Эвоҳ, эссиз умр, эссиз қизим!.. Вой бечора! – деди Гулсумбири бирдан. Шўрлик қизга қийин бўлибди ҳаммадан (Ойбек).

ЭПАНАЛЕПСИС – бир сўзнинг кетма - кет жуфт ҳолда қўлланиши. Бадиий матнда экспрессивликни таъминлашга хизмат қилади: *Ойисининг тагин бир эрмак ибораси бор: «Сенларни ўйлай-ўйлай аданнинг сочлари оқариб кетди, мен бу дарди бедавога йўлиқдим.»* (Э.Аъзам) *Шу-шу, осмон деса, самолёт товушини эшитса – тамом, ойисининг ранги ўчиб, дир-дир титраб қолади: юрак ўйноғи.* (Э.Аъзам) *Бўлди-бўлди, ўчир, молни ҳуркитиб юбординг! – дейди Бердибой баттар жаҳл билан.- Жўна энди.* (Э.Аъзам) *Бодилик азал-азалдан қонимизда бор. Боди дегани – тошкентчасига айтганда – олифта.* (Э.Аъзам) *Радиосиям, телефониям, бошқа бало-баттарлариям – ҳамма-ҳаммаси раҳбарлик қилишга, бошқарувни амалга оширишга ёрдам бермоғи керак, вассалом!* (Э.Аъзам)

Шунда у қувса етолмайдиган жойга бордим-да, айтдим. Айтганда ҳам чунонам бошлаб айтдимки, амаки лапанглаб келаётган жойида пешанаси деворга урилгандек такка тўхтади, тўхтади эмас, ҳайкалдек қотди. (Х.Дўстмуҳаммад) *Қамчининг устма-уст тушишига чидолмаган эшак бир чиранишда муздан оёқ ўзди, ўзди-ю, мувозанатни йўқотиб, чайқалиб кетди.* (Х.Дўстмуҳаммад) - *Ётсак-ётаверамиз.* Қорин ҳам сурнай чалапти. (Х.Дўстмуҳаммад)

ЭПИФРАЗ. Матннинг структурси ва оптик-график хусусиятига таъсир кўрсатувчи фигуралардан бири эпифраз ҳисобланади. Эпифраз аслида грамматик ва мазмун жиҳатдан тугалланган жумлага тиркаб қўйилган, илова қилинган қўшимча информация ифодаловчи гап ҳисобланади. Одатда, маълум бир фикр, қандайдир информация асосий гап доирасига сиғмагани ҳолда алоҳида ажратилмаса эпифраз - тиркама жумла

сифатида асосий гап таркибида берилади. Эпифраз қаҳрамонга бир жумла билан кўпроқ информация ифодалаш, воқеликка ўз муносабатини ҳам билдириб ўтиш имконини яратади. *Уни ёмон кўрардим, «ёмон кўрардим». дейиш оз!* (Э.Аъзам) *Ўзи ҳам бунга кўникиб кетган, баъзида дили оғрийди-ю, аммо кимсага сездирмайди: майли, хафа бўлишмасин, мен килсам нима бўпти, бирор жойим камайиб қоладими?* (Э.Аъзам) – *Анув куни арава ёнимдан ўтишини кутиб турдим-да, шартта осилдим, хипчин ширт этиб тушди!* (Х.Дўстмуҳаммад)



**Бадий матннинг лисоний таҳлили фанидан
талабалар билимини баҳолаш учун назорат**

ТЕСТЛАРИ

1. Бадий матннинг лисоний таҳлили курсининг объекти қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Ҳозирги ўзбек адабий тили, ўзбек шеърляти.
- Б. Ўзбек адабий тили тарихи, ўзбек адабиёти.
- В. Ҳар қандай шеърлий матн.
- Г. Ўзбек назмий ва насрий асарларининг матни.

2. Бадий матннинг лисоний таҳлили курсининг мақсади қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Бадий асар матнини лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш орқали талабаларнинг умумфилологик савиясини кўтариш.

Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламларини ўргатиш орқали талабаларнинг касбий маҳоратини кўтариш.

В. Бадий матннинг фонетик-фонологик хусусиятларини таҳлил қилиш орқали ёзувчи маҳоратини аниқлаш.

Г. Бадий матнни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш орқали тил имкониятларини ўрганиш.

3. Қайси жавобда «матн» атамасига тўғри таъриф берилган?

А. Ёзилган, кўчирилган ёки бёсилган илмий-ижодий асарлар ва уларнинг парчаси.

Б. Мусиқага, бирор куй, опера ва романсга асос бўлган шеър, сўз.

В. Полиграфияда йирик шрифтларнинг номи, компьютерда махсус бир формат.

Г. Ҳамма жавоблар тўғри.

4. И. Р. Гальперин таснифига кўра матннинг саккиз категорияси қайси жавобда тўғри берилган?

А. Маълумот бериш, бўлинувчанлик, колезия, континуум, матн қисмлари автосемантияси, ретроспекция ва проспекция, модаллик, матннинг бутунлиги.

Б. Маълумот бериш, бўлинувчанлик, экспрессивлик, эмоционаллик, автосемантия, ретроспекция ва проспекция, модаллик, бутунлик.

В. Информативлик, бўлинувчанлик, ифодалилик, ихчамлик, автосемантия, ретроспекция, проспекция, матннинг бутунлиги.

Г. Информативлик, бўлинувчанлик, яхлитлик, тугалланганлик, синсемантия, проспекция, бутунлик, эмоционаллик.

5. Н.Э.Энквист таснифига кўра матннинг учта асосий белгиси қайси жавобда тўғри берилган?

А. Мавзу, ифодалилик, боғланганлик.

Б. Яхлитлик, бўлинувчанлик, узвийлик.

В. Мавзу, фокус, алоқадорлик.

Г. Экспрессивлик, эмоционаллик, тизимлилик.

6. Ю.Л.Лотман таснифига кўра матннинг учта асосий белгиси қайси жавобда тўғри берилган?

А. Ифодалилик, боғланганлик, бутунлик.

Б. Изчиллик, мотивацион яхлитлик, узвийлик.

В. Тизимлилик, изчиллик, алоқадорлик.

Г. Ифодаланганлик, чегараланганлик, бутунлик.

7. Матн ҳажм ва мазмун белгисига кўра қандай турларга бўлинади?

А. Иккига: ҳажм белгисига кўра матн типлари; ифода мақсади ва мазмун белгисига кўра матн типлари.

Б. Иккига: шакл ва мазмун белгисига кўра матн типлари; мавзусига кўра матн типлари.

В. Учга: ҳажм белгисига кўра матн типлари; ифода мақсади ва мазмун белгисига кўра матн типлари; мотивациясига кўра матн типлари.

Г. Учга: ҳажм белгисига кўра матн типлари; ифода мақсади ва мазмун белгисига кўра матн типлари; эмоционал ва экспрессивлигига кўра матн типлари.

8. Ҳажм белгисига кўра матн типлари қайси қаторда тўғри берилган?

А. Учга: микроматн, макроматн, гиперматн.

Б. Иккига: минимал матн; максимал матн.

В. Учга: ҳикоя мазмунли матн, насиҳат мазмунли матн, ўрта матн.

Г. Иккига: минимал матн, ўрта матн.

9. Ҳажм белгисига кўра матннинг уч типи мавжудлиги ҳақидаги фикр муаллифи ва асари қайси қаторда тўғри берилган?

А. Э. Қиличов. «Матннинг лингвистик таҳлили».

Б. Т. Бобоев «Адабиётшунослик асослари».

В. Ҳ. Жамолхонов. «Бадиий матннинг лисоний таҳлили».

Г. А. Мамажонов. «Текст лингвистикаси».

10. Ҳажм белгисига кўра максимал матн ҳисобланадиган асарлар қайси қаторда тўғри берилган?

А. «Ўткан кунлар», «Икки эшик ораси», «Алпомиш».

Б. «Бу дунёда ўлиб бўлмайдими», «Тилла балиқча», «Гўрўғли».

В. «Садоқат», «Биринчи муҳаббатим», «Қоракўз Мажнун».

Г. «Ўткан кунлар», «Тундаликлар», «Наъмат».

11. Ҳажм белгисига кўра минимал матн ҳисобланадиган асарлар қайси қаторда тўғри берилган?

А. «Ўткан кунлар», «Наъмат», «Алпомиш».

Б. «Уруш ҳақида», «Меҳробдан чаён», «Биринчи муҳаббатим».

В. «Садоқат», «Болалик-пошшолик», «Фарзандларимга ўғитлар».

Г. «Ўткан кунлар», «Тундаликлар», «Елвизак».

12. Абзацни ташкил қилувчи қисмлар тўғри берилган жавобни топинг.

А. Қисқа хабар, боғловчилар, хабарнинг тўлдирилиши, хулоса.

Б. Қисқа хабар, боғловчилар, хабар шакллари, хулоса.

В. Хабарнинг бошланиши, ривожлантирилиши, якунланиши, хулоса ясаш.

Г. Қисқа хабар, тўлиқ хабар, мавзу, режа.

13. Қайси гапда тема-ремастик муносабат тўғри белгиланган?

- А. Дўстимга туғилган кунда // китоб совға қилдим.
- Б. Дўстимга // туғилган кунда китоб совға қилдим.
- В. Дўстимга туғилган кунда // китоб // совға қилдим.
- Г. Дўстимга туғилган кунда китоб совға // қилдим..

14. Берилган гапларнинг қайси бирида тема-ремастик муносабат тўғри белгиланган?

- А. Аҳмад бугун дарсга // келмади..
- Б. Кунлар исиб дарахтлар // куртак ёза бошлади.
- В. Кеча // факультетимизда шоирлар билан учрашув бўлиб ўтди.
- Г. Аҳмад бетоблиги учун // дарсга келмаган экан.

15. Қайси жавобда ўзгармас темали боғланишга мисол берилган?

А. Ойбек дарсга келмади. Шанбаликда ҳам қатнашмади. Байрам тантанасида ҳам, театрда ҳам кўринмади.

Б. Баҳор бу йил ҳар қачонгидан эрта келди. Дарахтлар ҳам шунга монанд эрта куртак ёзди. Дарсларим бугун эрта тугади.

В. Бу хотин бутун кеча бўйи жуда тинч ва хотиржам ухлаганга ўхшайди.

Г. Асрлар бирма-бир ўтар ва ахир, Юксалар қаршимда энг бахтли одам. Қишлоқда ҳамма уни Вали тоға дейди.

16. Қайси жавобда изчил тема-ремастик боғланишга мисол берилган?

А. Севги - илоҳий куч. Қалбида муҳаббат туйғуси бор одам разиллик қилмайди. Дунё шундай экан. Дод солишдан нима маъно?

Б. Илк муҳаббат баҳор осмонидаги булутга ўхшайди. Оппоқ. Покиза. Шаффоф.

В. Эркак билан аёл муносабатида айбни нуқул эркақдан излаш инсофдан эмас. Шам ёнмаса, парвона яқин келмайди.

Г. Тўғри жавоб берилмаган.

17. Ифода мақсади ва мазмунига кўра матн типлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А. Ҳикоя мазмунли матн; тасвирий матн; изоҳ мазмунли матн; насиҳат мазмунли матн; хабар мазмунли матн; буйруқ мазмунли матн; ҳиссий ифода мазмунли матн.

Б. Ҳикоя мазмунли матн; тадрижий матн; изоҳ мазмунли матн; насиҳат мазмунли матн; хабар мазмунли матн; буйруқ мазмунли матн; ҳиссий ифода мазмунли матн.

В. Ҳикоя мазмунли матн; тарихий матн; изоҳ мазмунли матн; насиҳат мазмунли матн; хабар мазмунли матн; буйруқ мазмунли матн; ҳиссий ифода мазмунли матн.

Г. Ҳикоя мазмунли матн; тасаввуфий матн; изоҳ мазмунли матн; насиҳат мазмунли матн; хабар мазмунли матн; буйруқ мазмунли матн; ҳиссий ифода мазмунли матн.

18. Қайси матн типда «муаллиф ёки асар қаҳрамони ўзи бошидан ўтказган, эшитган, ўқиган ёки гувоҳ бўлган бирор бир воқеани ҳикоя қилиб беради» ?

А. Тасвирий матнда.

Б. Ҳикоя мазмунли матнда.

В. Насиҳат мазмунли матнда.

Г. Ҳиссий ифода мазмунли матнда.

19. Қайси матн типда «тингловчига номаълум бўлган бирор киши, жой, ҳайвонот ва наботот оламига мансуб мавжудот ёки қандайдир нарса-буюм ҳамда воқеа-ҳодиса батафсил тасвирланади?»

А. Тасвирий матнда.

Б. Ҳикоя мазмунли матнда.

В. Буйруқ мазмунли матнда.

Г. Тўғри жавоб берилмаган.

20. Қайси матн типда «айтилаётган фикрнинг ишонарлилигини таъкидлаш учун турли далил ва изоҳлар келтирилади?»

- А.Тасвирий матнда.
- Б.Насиҳат мазмунли матнда.
- В.Изоҳ мазмунли матнда.
- Г.Тўғри жавоб берилмаган.

21. Қайси матн типида «асослаш, исботлаш, ўзини оқлашга уриниш ёки ҳимоя мақсадида ҳар хил сабаблар» келтирилади?

- А.Хабар мазмунли матнда.
- Б.Насиҳат мазмунли матнда.
- В.Ҳиссий ифода мазмунли матнда.
- Г.Изоҳ мазмунли матнда.

22. Фикрнинг ишонарлилигини таъкидлаш учун турли далиллар келтириш ҳамда воқеликни батафсил таърифлашга асосланган матн типлари қайси жавобда берилган?

- А.Тасвирий матн, хабар мазмунли матн.
- Б.Насиҳат мазмунли матн, буйруқ мазмунли матн.
- В.Изоҳ мазмунли матн, тасвирий матн.
- Г.Тўғри жавоб берилмаган.

23. Мақол-маталлар ҳамда ҳикматли сўзлар қайси матн типида учрайди?

- А.Дидактик матнларда.
- Б.Насиҳат мазмунли матн ва буйруқ мазмунли матнларда.
- В.Изоҳ мазмунли матн ва тасвирий матнларда.
- Г.Тўғри жавоб берилмаган.

24. Афоризмлар келтириш орқали хулоса чиқаришга ўргатиш қайси матн типига хос?

- А.Буйруқ мазмунли матнларга.
- Б.Ҳиссий ифода мазмунли матнларга.
- В.Насиҳат мазмунли матнларга.
- Г.Тўғри жавоб берилмаган.

25. Бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бериш қайси матн типига хос?

- А.Информатив матнларга.
- Б.Дидактик матнларга.

- В. Насиҳат мазмунли матнларга.
Г. Барча жавоблар тўғри.

26. Бадий матндаги информативликнинг оддий кундалик хабарлардан фарқи нимада?

- А. Фарқи йўқ.
Б. Семантик жиҳатдан фарқли.
В. Грамматик жиҳатдан фарқли.
Г. Тўғри жавоб берилмаган.

27. Бадий матнга хос информативликнинг кундалик ҳаётдаги хабарлардан фарқи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Хабарнинг қай даража аниқлигида.
Б. Хабарнинг ифодаланиш шаклида.
В. Замон ва маконга муносабатида.
Г. Тўғри жавоб берилмаган.

28. Маслаҳат бериш оҳанги қайси матн типига етакчилик қилади?

- А. Информатив матнларда.
Б. Буйруқ мазмунли матнларда.
В. Эмплектив матнларда.
Г. Тўғри жавоб берилмаган.

29. Инсоннинг ички кечинмаларини, воқеликка муносабатини ўзига хос пафос билан ифодалаш мақсадида тузилган матнлар

- А. Ҳиссий ифода мазмунли матнлар дейилади.
Б. Насиҳат мазмунли матнлар дейилади.
В. Хабар мазмунли матнлар дейилади.
Г. Барча жавоблар тўғри.

30. Ифодада ўзига хос кўтаринкилик, бўёқдорлик, тантанаворлик бўртиб турадиган матнлар

- А. Хабар мазмунли матнлар дейилади.
Б. Буйруқ мазмунли матнлар дейилади.
В. Ҳиссий ифода мазмунли матнлар дейилади.
Г. Тўғри жавоб берилмаган.

**31. Ушбу матн қайси усул билан ҳосил қилинган:
Айтганингни ҳаммасини қил, Қилганингнинг ярмини айт.**

- А.Лексик-грамматик такрор орқали.
- Б.Хиазматик конструкция орқали.
- В.Антитеза усулида.
- Г.Тўғри жавоб берилмаган.

32. Парономазия деб нимага айтилади?

- А.Паронимларга асосланган услубий фигурага.
- Б.Ўхшаш талаффузли товушларга асосланиб тузилган матнларга.
- В.Сўз талаффузидаги ўхшашликка асосланиб услубий эффе́кту мақсадли матнларга.
- Г.Барча жавоблар тўғри.

33. Туюқлар ҳосил қилишда...

- А. Шаклдош сўзлардан фойдаланилади.
- Б. Омонимлардан фойдаланилади.
- В. Кўп маъноли сўзлардан фойдаланилади.
- Г. Тўғри жавоб: А ва Б.

34. Парономазияни ҳосил қилишда...

- А. Шаклдош сўзлардан фойдаланилади.
- Б. Омонимлардан фойдаланилади.
- В. Пароним сўзлардан фойдаланилади.
- Г. Тўғри жавоб берилмаган.

35. Мумтоз адабиётшунослигимизда *мутобақа*, *тибоқ*, *татбиқ* деб аталган бадиий санъат ҳозирда нима деб юритилади?

- А.Антитеза.
- Б. Антифраза.
- В. Аллитерация.
- Г. Ассонанс.

36. Мумтоз адабиётшунослигимизда *муттазод, иттизод, такофу* деб аталган бадий санъат Европа филологик анъанасида нима деб юритилади?

- А. Катахраза.
- Б. Оксюморон.
- В. Парономазия.
- Г. Антитеза.

37. Барқарор бирикмалар таркиби қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Иборалар, мақол-маталлар, афоризмлар.
- Б. Оксюморон, антитеза, аллитерация.
- В. Парономазия, антитеза, парема.
- Г. Антитеза, апастрофа, фразема.

38. Тилшунослигимизда *барқарор бирикмалар* деб юритилаётган ҳодиса Европа филологик анъанасида нима деб юритилади?

- А. Парема.
- Б. Пароним.
- В. Парономазия.
- Г. Парафраза.

39. Қайси жавобда паремалар таркиби тўғри кўрсатилган?

- А. Омонимлар, синонимлар, афоризмлар, антонимлар.
- Б. Паронимлар, диалектизмлар, афоризмлар, вульгаризмлар.
- В. Фраземалар, мақоллар, маталлар, афоризмлар.
- Г. Афоризмлар, историзмлар, архаизмлар, фраземалар.

40. Шеъринг мисраларнинг бошида ёки насрий асар-дағъа гапларнинг олдида бир хил жаранглаган товуш, оҳангдон сўз ва ибораларнинг такрорланиб келиши...

- А. Анафора деб аталади.
- Б. Антитеза деб аталади.
- В. Варваризм деб аталади.
- Г. Парафраза деб аталади.

41. Бадий асарларда бир-бирига зид маъноли сўзларни ёнма-ён қўллаш, қаршилантириш санъати...

- А. Анафора деб аталади.
- Б. Антитеза деб аталади.
- В. Варваризм деб аталади.
- Г. Парафраза деб аталади.

42. Мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланиши...

- А. Аллитерация деб аталади.
- Б. Ассонанс деб аталади.
- В. Градация деб аталади.
- Г. Гипербола деб аталади.

43. Айнан ёки яқин унлиларнинг такрор қўлланиши...

- А. Аллитерация деб аталади.
- Б. Ассонанс деб аталади.
- В. Градация деб аталади.
- Г. Гипербола деб аталади.

44. Адабий тилга кирмайдиган дағал сўз ва иборалар...

- А. Аллитерация деб аталади.
- Б. Ассонанс деб аталади.
- В. Вульгаризм деб аталади.
- Г. Гипербола деб аталади.

45. Она тилига ўзлашмаган, ўзга тил ҳодисаси сифатида қўлланган сўз ва иборалар...

- А. Варваризмлар деб аталади.
- Б. Ассонанс деб аталади.
- В. Вульгаризм деб аталади.
- Г. Гипербола деб аталади.

46. Бирор ижтимоий гуруҳ, тоифа вакиллари ўртасида тушунарли бўлган, бошқалар тушунмайдиган луғавий бирликлар...

- А. Варваризмлар деб аталади.
- Б. Арголар деб аталади.
- В. Вульгаризм деб аталади.
- Г. Гипербола деб аталади.

47. Бадий матнда нарса-ҳодиса, жараёнларнинг белги-хусусиятини, ҳолатини ўта бўрттириб тасвирлашга...

- А. Муболаға дейилади.
- Б. Мақол дейилади.
- В. Тасвирий ифода дейилади.
- Г. Кичрайтириш дейилади.

48. Бадий матндаги нутқ нарчаларининг кетма-кет кучайиб боришига асосланган услубий жараёнга...

- А. Градация дейилади.
- Б. Мақол дейилади.
- В. Тасвирий ифода дейилади.
- Г. Кичрайтириш дейилади.

49. Бадий матнда нарса-ҳодиса, жараёнларнинг белги-хусусиятини, ҳолатини ўта кичрайтириб тасвирлашга...

- А. Муболаға дейилади.
- Б. Мақол дейилади.
- В. Тасвирий ифода дейилади.
- Г. Кичрайтириш дейилади.

50. Бадий ифодалиликни ошириш учун кўчма маънода қўлланган нутқ бирлигига...

- А. Кўчим дейилади.
- Б. Муболаға дейилади.
- В. Катаҳраза дейилади.
- Г. Кичрайтириш дейилади.

51. Чуқур маъноли, тузилиши гапга тенг, ало-ҳада ритмик-мелодик хусусиятларга эга бўлган фольклор жанри...

- А. Кўчим дейилади.
- Б. Мақол дейилади.
- В. Катаҳраза дейилади.
- Г. Кичрайтириш дейилади.

52. Бирор предметнинг номини бошқа пред-метга шакл, белги ва ҳаракат ўхшашлигини эъти-борга олиб ном кўчиришга...

- А. Монолог дейилади.

- Б. Метафора дейилади.
- В. Катахреза дейилади.
- Г. Параллелизм дейилади.

53. Бир предмет, белги, ҳаракт номини ўзаро танқи ёки ички боғлиқлик асосида бошқа пред-мет, белги ёки ҳаракатга нисбатан қўлланишига...

- А. Монолог дейилади.
- Б. Метонимия дейилади.
- В. Диалог дейилади.
- Г. Параллелизм дейилади.

54. Ўзаро ташқи ёки ички боғлиқлик асосида ном кўчишига нима дейилади?

- А. Метонимия дейилади.
- Б. Метофора дейилади.
- В. Синекдоха дейилади.
- Г. Киноя дейилади.

55. Ўзаро шакл, белги ва ҳаракат ўхшашлиги асосида ном кўчишига нима дейилади?

- А. Метонимия дейилади.
- Б. Метафора дейилади.
- В. Киноя дейилади.
- Г. Парема дейилади.

56. Сўзловчининг ўзига қаратилган, бошқа шахснинг тинглаш ва жавоб беришини эътиборда тутмайдиган нутқ нима деб аталади?

- А. Метонимия дейилади.
- Б. Метафора дейилади.
- В. Монолог дейилади.
- Г. Парема дейилади.

57. Бақирган сукунат, қизил қор, ширин ғам каби қарама-қарши бўлган икки тушунчани кўшиб қўллаш адабиётшуносликда нима деб аталади?

- А. Оксюморон.
- Б. Мақол.
- В. Матал.
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

58. Қарама-қарши бўлган икки тушунчани кўшиб қўллаш...

- А. Метафора.
- Б. Кўчим.
- В. Пароним.
- Г. Оксюморон.

59. Ёнма-ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлишига нима дейилади?

- А. Параллелизм.
- Б. Оккозионализм.
- В. Диалектизм.
- Г. Варваризм.

60. Айрим гаплар ёки синтагмаларнинг синтактик жиҳатдан бир хил қурилишга эга бўлишига нима дейилади?

- А. Диалектизм.
- Б. Оккозионализм.
- В. Параллелизм.
- Г. Варваризм.

61. Нарса-ҳодисани ўз номи билан эмас, уларни характерли белги-хусусиятлари асосида тасвирий усул билан ифодалашга...

- А. Тасвирий ифода ёки парафраза дейилади.
- Б. Тасвирий ифода ёки паронимазия дейилади.
- В. Тасвирий ифода ёки пароним дейилади.
- Г. Тасвирий ифода ёки параллелизм дейилади.

62. Диний эътиқод, ирим, қўрқиниш ва шу кабилар таъсирида сўзнинг ишлатилишини чеклаш ёки ман этишга...

- А. Табу дейилади.
- Б. Тасвирий ифода дейилади.
- В. Пароним дейилади.
- Г. Параллелизм дейилади.

63. Қайси тамойилда матндаги ташқи ва ички мувофиқлик, алоқадорлик ва боғланишни текшириш талаб қилинади?

- А. Шакл ва мазмун бирлиги тамойилида.
- Б. Макон ва замон бирлиги тамойилида.
- В. Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойилида.
- Г. Жавоб берилмаган.

64. Қайси тамойилда матндаги воқеалар ўрни ва воқеалар бўлиб ўтаётган давр ўртасидаги мувофиқлик, алоқадорлик ва боғланишни текшириш талаб қилинади?

- А. Шакл ва мазмун бирлиги тамойилида.
- Б. Макон ва замон бирлиги тамойилида.
- В. Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойилида.
- Г. Жавоб берилмаган.

65. Қайси тамойилда матндаги якка ҳолатлар, қаҳрамонлар тасвири ҳамда асарнинг бутуни ўртасидаги мувофиқлик, алоқадорлик ва боғланишни текшириш талаб қилинади?

- А. Шакл ва мазмун бирлиги тамойилида.
- Б. Макон ва замон бирлиги тамойилида.
- В. Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойилида.
- Г. Жавоб берилмаган.

66. Бадиий матнни лисоний жиҳатдан таҳлил қилишда қандай тамойиллар асос қилиб олинishi мақсадга мувофиқ ҳисобланади?

- А. Шакл ва мазмун бирлиги тамойилида.
- Б. Макон ва замон бирлиги тамойилида.
- В. Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойилида.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

67. Бадиий матнни лисоний жиҳатдан таҳлил қилишда қандай усуллар асос қилиб олинishi мақсадга мувофиқ ҳисобланади?

- А. Илмий мушоҳада усули, луғатларга асосланиш усули.
- Б. Лисоний табдил усули, матн вариантларини қиёслаш усули.
- В. Тўғри жавоб берилмаган.
- Г. А ва Б жавоблар.

68. Бадий матннинг лисоний таҳлили усуллари қайси жавобда тўлиқ берилган?

А. Илмий мушоҳада усули, луғатларга асосланиш усули.

Б. Лисоний табдил усули, матн вариантларини қиёслаш усули.

В. А ва Б жавоблар.

Г. Тўғри жавоб берилмаган.

69. Бадий матннинг лисоний таҳлили тамойиллари қайси жавобда тўғри берилган?

А. Шакл ва мазмун бирлиги, макон ва замон бирлиги тамойиллари.

Б. Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойили.

В. А ва Б жавоблар.

Г. Тўғри жавоб берилмаган.

70. Бадий матннинг лисоний таҳлили тамойиллари қайси жавобда тўғри берилган?

А. Шакл ва мазмун бирлиги.

Б. Хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойили.

В. Макон ва замон бирлиги тамойили.

Г. Барча жавоблар тўғри.

71. Таҳлилнинг мақсади, йўналиши ва қамровини, асар ҳажмини ҳисобга олинса таҳлил нечага бўлинади?

А. Иккига.

Б. Учга.

В. Тўртга.

Г. Бешга.

72. Таҳлил типлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Иккига: тематик таҳлил ва комплекс таҳлил.

Б. Учга: тематик, комплекс ва лингвопоэтик.

В. Тўртга: услубий, лисоний, адабий ва тил сатҳлари бўйича таҳлил.

Г. Бешга: тематик, комплекс, фонетик, лексик, грамматик.

73. Тил сатҳларидан бири бўйича амалга ошириладиган таҳлилга нима дейилади?

- А. Тематик таҳлил дейилади.
- Б. Комплекс таҳлил дейилади.
- В. Лисоний таҳлил дейилади.
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

74. Тилнинг барча сатҳлари бўйича амалга ошириладиган таҳлилга нима дейилади?

- А. Тематик таҳлил дейилади.
- Б. Комплекс таҳлил дейилади.
- В. Лисоний таҳлил дейилади.
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

75. Бадий асарларнинг тил хусусиятлари бўйича амалга ошириладиган таҳлилга нима дейилади?

- А. Тематик таҳлил дейилади.
- Б. Комплекс таҳлил дейилади.
- В. Лингвопоэтик таҳлил дейилади.
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

76. Матнлар қандай қисмлардан ташкил тонади?

- А. Ном, эпиграф, эпилог, абзац.
- Б. Боб, фасл, қисм, бўлим.
- В. Назмий асарда сатр, байт, мисра.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

77. Назмий матнлар қандай қисмлардан ташкил топади?

- А. Ном, эпиграф, эпилог, абзац.
- Б. Боб, фасл, қисм, бўлим.
- В. Назмий асарда сатр, байт, мисра.
- Г. А ва Б жавоблар.

78. Назмий матнлар қандай қисмлардан ташкил топади?

- А. Ном, эпиграф, эпилог, абзац.
- Б. Боб, фасл, қисм, бўлим.
- В. Сатр, байт, мисра, атов сўзи.
- Г. А ва Б жавоблар.

79. Чет ва ҳақорат сўзларидан бадий матнда нима мақсадда фойдаланилади?

А. Қаҳрамонлар руҳиятини ойдинлатиш учун.

Б. Қаҳрамонларнинг маънавий оламини кўрсатиш учун.

В. Қаҳрамонларнинг қайси миллатга, табақага мансуб эканлигини таъкидлаш учун.

Г. Барча жавоблар тўғри.

80. Қайси жавобда чет ва ҳақорат сўзларининг бадий матнда қўлланиши билан боғлиқ фикр нотўғри?

А. Ёзувчининг лисоний савиясининг пастлиги ва сўз бойлигининг камлиги туфайли қўлланилади.

Б. Қаҳрамонларнинг маънавий оламини кўрсатиш учун атайин ишлатилади.

В. Қаҳрамонларнинг қайси миллатга, табақага мансуб эканлигини таъкидлаш учун асарга олиб кирилади.

Г. Барча жавоблар тўғри.

81. Шева сўзларидан бадий матнда нима мақсадда фойдаланилади?

А. Воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтаётган ҳудудни реал тасвирлаш учун.

Б. Қаҳрамонларнинг маънавий оламини кўрсатиш учун.

В. Қаҳрамонларнинг қайси миллатга, табақага мансуб эканлигини таъкидлаш учун.

Г. Барча жавоблар тўғри.

82. Қайси жавобда эскирган сўзларнинг бадий матнда қўлланилиши билан боғлиқ фикр нотўғри?

А. Воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтаётган ҳудудни реал тасвирлаш учун.

Б. Қаҳрамонларнинг қайси даврда яшаётганлигини таъкидлаш, давр билан боғлиқ колоритни акс эттириш учун.

В. Қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш ва нутқий характеристикасини бериш учун.

Г. Асарга тарихийлик руҳини бериш, шеърятда эса нутққа кўтаринки руҳ бағишлаш мақсадида.

83. Қайси жавобда шева сўзларининг бадий матнда қўлланилиши билан боғлиқ фикр нотўғри?

А. Воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтаётган ҳудудни реал тасвирлаш учун.

Б. Қаҳрамонларнинг қайси шева вакили эканлигини таъкидлаш, маҳаллий колорит, ҳудудий мансубликни акс эттириш учун.

В. Қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш ва жонли нутққа яқинлаштириш учун.

Г. Қаҳрамонларнинг адабий тилни билмасликларини атайин кўрсатиш учун.

84. Қайси жавобда янги сўзлар билан боғлиқ фикр тўғри берилган?

А. Янгилик бўёғига эга бўлган лексемалар янги сўз ҳисобланади.

Б. Янги нарса-ҳодиса ва тушунчаларни ифодалаш учун ҳосил қилинган лексемалар неологизмлар дейилади.

В. Неологизмлар умумтилга мансуб бўлиши ёки яқин шахс нутқига хос бўлиши мумкин.

Г. Барча жавоблар тўғри.

85. Қайси жавобда неологизмлар билан боғлиқ фикр тўғри берилмаган?

А. Янгилик бўёғига эга бўлмаган лексемалар неологизм ҳисобланади.

Б. Янги нарса-ҳодиса ва тушунчаларни ифодалаш учун ҳосил қилинган лексемалар неологизмлар дейилади.

В. Кўникилмаган ёки умуман қўлланилмаган, оҳорли сўзлар неологизм дейилади.

Г. Барча жавоблар тўғри.

86. Қуйида берилган қайси асар нарратив матн типига мисол бўла олади?

А. Ўтмишдан эртақлар.

Б. Ўткан кунлар.

В. Саодат соҳили.

Г. Юлдузли тунлар.

87. Қуйида берилган қайси асар дидактик матн типига мисол бўла олади?

А. Икки эшик ораси.

- Б.Тушда кечган умрлар.
- В.Бу дунёда ўлиб бўлмайди.
- Г.Тошбақа билан чаён.

88. Қуйида берилган қайси асар максимал матн типига мисол бўла олади?

- А.Икки эшик ораси.
- Б.Тушда кечган умрлар.
- В.Бу дунёда ўлиб бўлмайди.
- Г.Барча жавоблар тўғри.

89. Қуйида берилган қайси асарда бошланишиданоқ киноя мазмуни сезилиб туради?

- А.Чинор.
- Б.Уфқ.
- В.Адабиёт муаллими.
- Г.Дунёнинг ишлари.

90. Қуйида берилган қайси асарда воқеа-ҳодисалар бир қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади?

- А.Ўткан кунлар.
- Б.Тушда кечган умрлар.
- В.Отандан қолган далалар.
- Г.Тошбақа билан чаён.

91. Қуйидагилардан қайси бири хиазмга мисол бўла олади?

- А.Созим менинг овозим, овозим менинг созим.
- Б.Йўқлик бир армондир, армон бир йўқлик.
- В.Ейиш учун яшаш керак эмас, яшаш учун ейиш керак.
- Г.Барча жавоблар тўғри.

92. Қуйидагиларнинг қайси бири хиазмга мисол бўла олмайди?

- А.Созим менинг овозим, овозим менинг созим.
- Б.Йўқлик бир армондир, армон бир йўқлик.
- В.Ейиш учун яшаш керак эмас, яшаш учун ейиш керак.
- Г.Тухумнинг оқини оқлаб е, сариғини сақлаб е.

93. Парцеляттли ифода шакли берилган жавобни топинг.

А.Аслида келмаслигим керак эди. Келдим.Сени кўргим келди.Соғиндим.Жуда-жуда...

Б.Майрам бошини тик кўтарди. Рўмолининг учи билан кўзини артиб қор устига секин ўтирди.

В.Чол индамасди.Майрам эшикка чиқди. Энди нима қилиши керак?

Г.Унинг хаёли паришон. Хонага Майрам кирганини ҳам сезмади ҳатто.

94. «Сўз эстетикаси» китоби муаллифлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А.Мамажонов А., Абдуллаев А.

Б.Абдурахмонов.Х., Маҳмудов Н.

В.Бобоев Т., Бобоева З.

Г.Жамолхонов Х., Юнусов Р.

95. «Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши» китоби муаллифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А.Абдуллаев А.

Б.Абдурахмонов.Х.

В.Ҳожиаҳмедов А.

Г.Жамолхонов Х.

96. «Текст лингвистикаси» китоби муаллифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А.Ҳожиев А.

Б.Мамажонов А.

В.Маҳмудов.Н.

Г.Бегматов Э.

97. «Матнинг лингвистик таҳлили» китоби муаллифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А.Мирзаев И..

Б.Йўлдошев Б.

В.Лапасов Ж.

Г.Қиличов Э.

98. «Тилшунослик терминларининг изоҳли лу-ғати» китоби муаллифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А.Абдуллаев А.
Б.Мамажонов А.
В.Ҳожиёв А.
Г.Жамолхонов Х.

99. Қайси жавобда «Фразеологик услубият асослари» китобининг муаллифи тўғри кўрсатилган?

А.Б.Йўлдошев.
Б.Т.Бобоев.
В.А.Ҳожиёв.
Г.А.Абдуллаев.

100. Қайси жавобда «Текст как объект лингвистического исследования» китобининг муаллифи тўғри кўрсатилган?

А.Д.Н.Шмелов.
Б.И.Р.Гальперин.
В.З.Я.Тураева.
Г.В.В.Одинцов.



**Бадий матннинг лисоний таҳлили фанидан тузилган
ТЕСТЛАРнинг жавоб рақамлари**

1	Г	35	А	69	В
2	А	36	Г	70	Г
3	Г	37	А	71	А
4	А	38	А	72	А
5	В	39	В	73	А
6	Г	40	А	74	Б
7	А	41	Б	75	В
8	В	42	А	76	Г
9	А	43	Б	77	Г
10	А	44	В	78	В
11	В	45	А	79	Г
12	А	46	Б	80	А
13	Б	47	А	81	А
14	В	48	А	82	А
15	А	49	Г	83	Г
16	Б	50	А	84	Г
17	А	51	Б	85	А
18	Б	52	Б	86	А
19	А	53	Б	87	Г
20	В	54	А	88	Г
21	Г	55	Б	89	В
22	В	56	В	90	Б
23	А	57	А	91	Г
24	В	58	Г	92	Г
25	А	59	А	93	А
26	Г	60	В	94	Б
27	Б	61	А	95	А
28	Б	62	А	96	Б
29	А	63	А	97	Г
30	В	64	Б	98	В
31	Б	65	В	99	Г
32	Г	66	Г	100	Г
33	Г	67	Г		
34	В	68	В		

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. –Т: Фан. 1981.
2. Балыхина Т.М., Лысякова М.В., Рыбаков М.А. Учебный словарь терминов и понятий культуры речи. – Москва: Изд: Российского университета дружбы народов, 2003.
3. Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. –Т. Ўқитувчи. 1995.
4. Ёрматов И. «Алпомиш» достонида сўз такрори шаклларининг қўлланиши. // ЎТА. 1989. №5.
5. Жамолхонов Х., Йўлдошев М. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. Маърузалар матни. –Т: ТДПУ. 2000.
6. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. –Т: Маънавият. 2002.
7. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Т: Фан. 2007.
8. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. –Т: Ўқитувчи. 1995.
9. Мамажонов А. Текст лингвистикаси. –Т: ТДПИ. 1999.
10. Мамажонов А., Маҳмудов У. Услубий воситалар. – Фарғона. 1996.
11. Мамажонов С. Композиция ва ёзувчининг ғоявий нияти. //ЎТА. 1966. №3. 13-17-б.
12. Мамазияев О.Х. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация. –Фарғона, НДА., 2004.
13. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2007.
14. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р, Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. –Т:Ўқитувчи. 1983.
15. Шукуров Р. Синтактик параллелзмнинг услубий вазифалари. // ЎТА. 2004. №2.
16. Эргашев Қ. Навоий насрида композицион инверсия. //ЎТА. 2006. №1. 15-17-бетлар
17. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. –Т:Ўқитувчи. 1990.
18. Қўличов Э. Матннинг лингвистик таҳлили. –Бухоро. 2000.
19. Курбонова С. Ҳамид Олимжон шеърларида градациянинг қўлланиши. // Тил ва адабиёт таълими. 2007. №2. .
20. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т: ЎМЭ. 2002.
21. <http://www.ege.edebiyat.org>. R.Filizok.

МУНДАРИЖА:

Сўз боши.....	3
Ишчи ўқув режаси.....	4
Биринчи амалий машғулот.....	6
Иккинчи амалий машғулот.....	14
Учинчи амалий машғулот.....	17
Тўртинчи амалий машғулот.....	22
Бешинчи амалий машғулот.....	27
Олтинчи амалий машғулот.....	34
Еттинчи амалий машғулот.....	40
Янги педагогик технологиялар.....	44
Ифода таъсирчанлигини таъминловчи айрим синтактик воситалар.....	50
Талабалар билимини баҳолаш учун назорат тестлари.....	89
Тестларнинг жавоб рақамлари.....	110
Адабиётлар рўйхати.....	111

Методик қўлланма

Маъруф Йўлдошев, Қаҳрамон Ядгаров

БАДИИЙ МАТННИНГ ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛИ

фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш

Муҳаррир: проф. Ҳ. Жамолхонов

Техник муҳаррир: Б. Болтабоев

Компьютерда саҳифаловчи: М. Мирортиқова

Босишга 10.10.2007 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 7,125 шартли босма тобоқ,
нашр тобоғи. Жами 1000 нусха. 15 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

ХТ «Ҳамидов Н. Х.» матбаа корхонасида чоп этилди.
Мирпулатова кучаси, 36-уй.
Тел.: 111-04-89